В случае изменений в программе теле- и радиопередач вещатель мог перенести время выходов в эфир материалов предвыборной агитации на другое время (день) с сохранением равных условий для всех кандидатов. Кандидаты в Президенты Республики Узбекистан могли использовать эфирное время в другие недели предвыборной агитации в пределах общего эфирного времени, выделенного в период всей избирательной кампании по согласованию с вещателем.

На каждом теле- и радиоканале одному кандидату в Президенты Республики Узбекистан выделялось по 440 минут эфирного времени (кроме трансляции агитационных роликов в едином блоке); на каждом теле- и радиоканале ежедневно 6 минут эфирного времени, начиная с 31 октября по 2 декабря 2016 г. (всего 198 минут), было предоставлено для трансляции агитационных видео- и радиороликов в едином блоке.

Вместе с тем кандидатам бесплатно были предоставлены по 642 средства внешней рекламы (специальные конструкции, щиты, экраны, биллборды) в регионах республики. На 36 электронных мониторах в регионах республики, бесплатно выделенных кандидатам в Президенты Республики Узбекистан, размещались агитационные ролики кандидатов (по 30 секунд), которые демонстрировались единым блоком.

Одним словом, кандидаты, эффективно используя возможности СМИ, широко представили общественности свои предвыборные программы, позиции по вопросам социально-экономического и общественно-политического развития страны. СМИ четко соблюдали принципы недискриминации и равенства для всех кандидатов, в том числе при подготовке новостных, информационных и иных передач. Наличие большого количества государственных и негосударственных, национальных и региональных, печатных, электронных и других СМИ позволило избирателям ознакомиться с широким спектром политических взглядов и программ кандидатов от политических партий. Активное использование кандидатами современных видов СМИ, социальных сетей в Интернете значительно расширило охват агитации. В целях повышения осведомленности избирателей о предвыборных программах кандидаты размещали агитационные материалы

и на платной основе. Причем тарифы для всех кандидатов были равными.

Как видим, изменения, внесенные в законодательство о порядке предвыборной агитации, формах, видах и механизмах, способствовали повышению эффективности агитационных мероприятий, реализации на практике принципов подлинных демократических выборов – равенства кандидатов, открытости, обеспечения избирательных прав граждан. Сбалансированная и беспристрастная информация позволила избирателям сделать осознанный и свободный выбор.

Таким образом, выборы прошли в атмосфере здоровой межпартийной конкуренции и борьбы, в полном соответствии с требованиями национального законодательства и общепризнанными международными избирательными стандартами, в духе открытости и гласности. Это единодушно признали все иностранные наблюдатели – около 600 наблюдателей от 5 международных организаций и 46 государств. В частности, впервые участвовала полномасштабная миссия Бюро по демократическим институтам и правам человека Организации по безопасности и сотрудничеству в Европе, в состав которой вошло около 200 наблюдателей из 32 стран. Они отметили наличие благоприятных условий для избирателей на всех избирательных участках, особенно высокий уровень организации условий для осуществления своего избирательного права гражданами с ограниченными физическими возможностями, представителями разных национальностей¹.

Неукоснительное соблюдение в ходе избирательной кампании национального законодательства и проявление активной жизненной и политической позиции политическими партиями, всеми гражданами страны способствовало успешному проведению альтернативных выборов в полном соответствии с демократическими принципами.

¹ См.: *Мирзиёев Ш. М.* Свободное, демократическое и процветающее государство Узбекистан мы построим вместе с нашим мужественным и благородным народом: Выступление Шавката Мирзиёева на торжественной церемонии вступления в должность Президента Республики Узбекистан на совместном заседании палат Олий Мажлиса // Народное слово. – 2016. – 16 дек.

С. Алимухамедов,
*ведущий научный сотрудник Института мониторинга
действующего законодательства при Президенте Республики Узбекистан*

ИНСТИТУТ ДЕЦЕНТРАЛИЗАЦИИ СИСТЕМЫ ГОСУДАРСТВЕННОГО УПРАВЛЕНИЯ: ЗНАЧЕНИЕ И ПУТИ ДАЛЬНЕЙШЕГО СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ

Аннотация. В статье раскрываются понятие, сущность и значение института децентрализации в системе государственного управления в Республики Узбекистан, а также в сфере государственного управления в целом.

Ключевые слова: децентрализация, система государственного управления, центральные органы государственного управления, органы государственной власти на местах, органы самоуправления граждан.

Алимухамедов С. Давлат бошқаруви тизимини номарказлаштириш: аҳамияти ва янада такомиллаштириш йўллари

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Республикаси давлат бошқаруви тизимида, шунингдек умуман давлат бошқаруви тизимида номарказлаштириш институтининг тушунчаси, моҳияти ва аҳамияти кўриб чиқилади.

Таянч сўзлар: нормарказлаштириш, давлат бошқаруви тизими, давлат бошқаруви марказий органлари, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари.

Alimukhamedov S. Institute of decentralization of system of public administration: value and ways of further improvement

Summary. The article deals with questions concerning the concept, essence and value of institute of decentralization in the system of public administration in the Republic of Uzbekistan and in the sphere of public administration in general.

Keywords: decentralization, system of public administration, the central state bodies, public authorities at the local level, self-government institutions of citizens.

С первых лет независимости важным приоритетом развития нашей страны является построение демократического правового государства и сильного гражданского общества. Построение гражданского общества предполагает последовательную, постепенную передачу ряда полномочных функций от государства местным органам власти, общественным структурам и органам самоуправления граждан. Основой реализации данного механизма является децентрализация системы государственного управления.

Проблемам децентрализации системы государственного управления в нашей стране уделяется должное внимание. Децентрали-

зация государственного управления является составной частью административной реформы, проводимой в Узбекистане. Так, в республике за последние годы создана законодательная база, определяющая задачи, полномочия, а также организацию деятельности республиканских органов государственного управления и органов государственной власти на местах.

Конституцией определены компетенции местных органов власти, к которым относятся такие полномочия, как: обеспечение законности; вопросы экономического, социального и культурного развития; формирование и исполнение местного бюджета, а также установление местных

налогов; руководство местным коммунальным хозяйством; охрана окружающей среды; обеспечение регистрации актов гражданского состояния. Также приняты Законы «О Кабинете Министров Республики Узбекистан», «О государственной власти на местах», «Об органах самоуправления граждан» в новой редакции.

Из вышеуказанного видно, что созданная в нашей стране законодательная база определяет задачи органов государственной власти на местах, наделяет их значительными полномочиями в целях решения задач на местном уровне.

В большинстве демократических государств именно местные органы управления непосредственно решают повседневные, наиболее важные общественные вопросы. Это обуславливает сравнительно высокую управленческую заинтересованность и активное участие граждан в деятельности местных органов власти. К тому же непосредственное участие людей в управлении делами махалли, поселка, района не требует такого высокого профессионализма и политической ответственности, необходимых при управлении делами в масштабе всей страны. Исходя из вышеизложенного, можно сделать вывод, что институт децентрализации системы государственного управления является актуальным, что требует его тщательного изучения с научной точки зрения.

В целях исследования института децентрализации системы государственного управления необходимо прежде привести понятие данного феномена. Следует отметить, что понятие децентрализации государственного управления дано во многих научных работах.

В частности, по мнению С. Н. Махиной, «децентрализация государственного (публичного) управления — сложное комплексное понятие. В самом общем смысле можно резюмировать, что административная децентрализация в правовом демократическом государстве представляет собой передачу

определенного объема властных полномочий компетентными субъектами управленческого воздействия иным структурным единицам, наделенным необходимыми правами, обязанностями и ресурсами. Конечной целью такого перераспределения управленческих функций является возможность принятия наиболее оптимальных управленческих решений на государственном, региональном и местном уровнях, а также во всех регулируемых сферах жизнедеятельности»¹.

Развернутое определение децентрализации предложено французским ученым Г. Вольманом: «Децентрализация государственной власти означает по своей сути политический процесс перехода политических полномочий и управленческих функций на более низкие (субгосударственные) уровни управления, обладающие через местные органы власти значительной степенью политической и административной автономии по отношению к центральной власти государства»².

Н. В. Ходов отмечает, что децентрализация публичной (государственной) власти — это обусловленный совокупностью объективных и субъективных факторов, осуществляемый в установленном законом порядке политико-правовой процесс перехода властных полномочий от централизованной подсистемы к децентрализованной в целях наиболее эффективного принятия и исполнения управленческих решений³.

В целом, учитывая мнение вышеуказанных авторов, можно сделать вывод, что децентрализация системы государственного управления представляет собой передачу определенных полномочий центральных органов государственного управления органам государственной власти на местах, органам самоуправления граждан и другим институтам гражданского общества.

Передача полномочий центральных органов государственного управления органам государственной власти на местах должна осуществляться на основе определенных принципов.

В качестве основного принципа децентрализации государственного управления следует привести *принцип субсидиарности*. Согласно данному принципу государственные полномочия от центральных органов должны передаваться наиболее близким гражданам органам власти, которые максимально эффективно могут осуществлять данные полномочия. Центральные органы государственного управления должны оставить за собой право осуществления только тех полномочий, которые местные органы государственного управления не смогут осуществлять; таким же образом и вопросы, которые можно решить на местном уровне, не следует передавать центральным органам государственного управления.

Другим важным принципом децентрализации государственного управления является *принцип обеспечения необходимыми ресурсами*. Так, эффективность реализации полномочий, передаваемых от центра на места, напрямую зависит от степени организационно-правового обеспечения необходимыми ресурсами.

Не менее важным является *принцип контроля*, согласно которому центральные органы государственного управления оставляют за собой право контроля за надлежащим осуществлением полномочий, переданных органам государственной власти на местах.

По мнению профессора А. А. Азизхужаева, децентрализация является одним из направлений административной реформы, при осуществлении которой следует учесть такие важные принципы, как: поэтапность осуществления данной реформы; совершенствование деятельности негосударственных организаций для осуществления ими государственных полномочий; закрепление за центральными органами функций контроля над переданными полномочиями и координации при осуществлении реформы; учет особенностей национальной государственности⁴.

Выше мы определили понятие и принципы децентрализации системы государственного управления. Вместе с тем следует

также кратко остановиться на значении децентрализации в системе государственного управления.

Значение института децентрализации в системе государственного управления было отмечено во многих трудах отечественных ученых. В частности, Г. Маликова отмечает, что самым важным методом повышения эффективности системы государственного управления является децентрализация⁵. Г. Исмоилова подчеркивает важность создания баланса между централизацией и децентрализацией системы государственного управления⁶.

Соглашаясь с мнениями вышеуказанных авторов, следует отметить, что посредством децентрализации системы государственного управления реализуется конституционное право граждан участвовать в управлении делами общества и государства. С помощью данного процесса в значительной степени повышается восприимчивость органов власти к местным потребностям и проблемам. Когда ответственность за предоставление услуг и обеспечение инфраструктуры децентрализована, местные органы могут лучше оценивать соотношение расходов и доходов, а также более гибко реагировать на потребности населения в рамках бюджетных ограничений.

Вместе с тем при децентрализации системы государственного управления возникает ряд проблем.

Так, существует проблема более четкого определения и разграничения полномочий представительной и исполнительной власти в органах государственной власти на местах. Например, полномочия областного, районного и городского Кенгашей народных депутатов и хокимов регламентируются Законом «О государственной власти на местах». Однако данным законом их полномочия четко не детализированы.

Недостаточно четко определены взаимоотношения между республиканскими и местными органами представительной власти. Территориальные подразделения различных министерств и государственных

комитетов функционируют на основе ведомственной подчиненности. Их республиканские органы не всегда координируют работу с местными властями относительно деятельности своих подразделений.

Передача полномочий органам государственной власти на местах еще не всегда подкреплена организационно-правовыми ресурсами и механизмами управления. Все еще сохраняется сильная зависимость от республиканских органов в управлении местными бюджетами, планирование местных бюджетов является централизованным.

Для решения вышеуказанных проблем целесообразно, во-первых, разграничить полномочия между центральным и местным уровнями государственного управления, что способствует предотвращению дублирования функций. Представляется также целесообразным внести изменения в Закон «О государственной власти на местах», предусматривающие исключительные полномочия органов представительной и исполнительной власти на местах.

Во-вторых, необходимо разработать правовой механизм организационно-

правового обеспечения полномочий, переданных центральными органами органам государственной власти на местах, органам самоуправления граждан.

В качестве вывода следует отметить, что децентрализация системы государственного управления путем передачи некоторых полномочий из центра органам государственной власти на местах и органам самоуправления граждан способствует:

– повышению эффективности деятельности органов государственной власти на местах, ответственности за предоставление определенных услуг населению;

– повышению эффективности деятельности центральных органов государственного управления путем сосредоточения усилий на решении наиболее важных задач в сфере государственного управления;

– совершенствованию мер по дальнейшей демократизации сферы государственного управления путем предоставления возможности населению участвовать в решении вопросов государственного управления через органы государственной власти на местах и органы самоуправления граждан.

¹ Махина С. Н. Концепция децентрализации государственного администрирования // Административное право и процесс. — 2006. — № 1. — С. 10–11.

² Вольман Г. Децентрализация — условие успеха: законодательные аспекты децентрализации // Материалы региональной конференции. — Ереван, 1999. — С. 4.

³ Ходов Н. В. Централизация и децентрализация государственной власти в современной России // Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — Нижний Новгород, 2005. — С. 46.

⁴ Азизхўжаев А. А. Эркинлаштириш — давр талаби // Жамият ва бошқарув. — 2000. — № 1. — Б. 6–8.

⁵ Маликова Г. Ўзини ўзи бошқариш — кучли фуқаролик жамиятининг таянчи. — Т., 2005. — Б. 29.

⁶ Исмоилова Г. Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти ва ўзини ўзи бошқариш органларини либераллаштиришнинг давлат ҳуқуқий йўналишлари. — Т., 2013. — Б. 269.

И. Исмаилов,

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
ички ишлар органларида бошқарувни таъминлаш этиш
кафедраси бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор*

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASINING «ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИ — ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ГАРОВИ

Аннотация. Мақолада «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонуннинг мазмун-моҳияти, ички ишлар органларининг асосий вазифалари, фаолиятининг асосий йўналишлари, хизмат ўташ тартиби ҳамда шартлари таҳлил этилган.

Таянч тушунчалар: ички ишлар органлари, қонун, вазифа, хизмат ўташ, ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя.

Исмаилов И. Закон Республики Узбекистан «Об органах внутренних дел» — гарантия обеспечения мира и благополучия

Аннотация. В статье анализируется содержание и сущность Закона «Об органах внутренних дел», основные задачи и направления деятельности, порядок и условия прохождения службы в органах внутренних дел.

Ключевые слова: органы внутренних дел, закон, задачи, прохождение службы, социально-правовая защита.

Ismailov I. Law of the Republic of Uzbekistan «About Organs of Internal Affairs» is a guarantee of providing of peace and wellbeing

Annotation. The article analyses the essence of the Law about Organs of Internal Affairs, the main objectives of the organs of internal affairs, the main areas of activity, order and terms of service.

Key words: organs of internal affairs, the law, objectives, service, social and legal protection.

Истиқлол йиллари Ўзбекистонда олий кадрият деб тан олинган инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари таъминланишини янада мустаҳкам кафолатлаш; мамлакатда тинчлик ва осойишталикни, жамоат тартиби ва хавфсизлигини, барқарор тараққиётни; ички ишлар органларининг ҳуқуқий мақомини янада аниқ белгилаш ва мустаҳкамлаш; уларнинг фаолиятини янада демократлаштириш, очиқлиги ва шаффофлигини, тизимга ҳар қандай вазиятда ҳам ички ишлар органи ходимининг хизмат мажбуриятларини бажаришга қодир кадрларни қабул қилиш ва тайёрлашни, соҳага янги замонавий технологияларни

жорий этиш ва бошқарувни янада модернизациялашни, уларнинг давлатнинг бошқа органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорлигини, соҳа ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари, хизмат интизоми ва қонунийликка қатъий риоя этишини; уларнинг хизмат ўташи, ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш мақсадида суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида 2016 йил 16 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди.

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши бугунги кунда ички ишлар органларининг

ўта масъулиятли, жуда серқирра ва ранг-баранг фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий майдондаги бўшлиқ, ноаниқлик ва зиддиятларни батараф этиш, шунингдек алоҳида қонун доирасида ички ишлар органлари фаолиятига оид асосий қоидаларни ягона тизимга солишни таъминлаш орқали ички ишлар органлари тизимидаги ислоҳотларнинг мазмунан янги босқичини бошлаб бермоқда.

8 та боб, 49 та моддадан иборат мазкур қонуннинг 2-моддасида ички ишлар органларининг: а) фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани, конституциявий тузумни ҳимоя қилишдан; б) шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлашдан, в) шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасида иборат асосий вазифалари белгиланган.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ушбу нормада ички ишлар органларининг асосий вазифалари: *биринчидан*, аниқ белгиланган бўлиб, ўзаро чамбарчас боғлиқ ҳолда берилган; *иккинчидан*, улар жуда кенг маъно ва мазмунга эга; *учинчидан*, уларни амалга ошириш турли йўналишларда фаолият олиб бориш орқали таъминланади; *тўртинчидан*, тизим ходимларидан ўта катта масъулият, жавобгарлик ва муайян махсус ваколатларга эга бўлишни талаб қилади; *бешинчидан*, ходимларнинг кундалик одатий, зарур ҳолларда кучайтирилган ва суткалик режимда фаолият олиб боришларини; ушбу мураккаб вазифаларни самарали таъминлаш учун касбий фаолиятни тизим шароитда, ўзи ҳамда яқинларининг ҳаётини хавф остига қўйиб олиб боришни, улар касбий фаолиятида бундай тизим, хавфли вазиятлар вужудга келиши эҳтимоли юқорилиги ҳамда уларга ҳар қандай ҳолатда ҳам хизмат мажбуриятларини бажариш масъулияти юклатилганлиги, уларнинг ва оила аъзоларининг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояси кафолатланган бўлишини талаб қилади.

Юқорида кўрсатилган ўта мураккаб ва масъулиятли вазифаларни самарали

таъминлаш ички ишлар органларининг жамиятдаги, давлат органлари тизимидаги ўрнини белгиловчи ҳуқуқий мақоми билан боғлиқдир. Ички ишлар органларининг асосий вазифалари, фаолият йўналишлари ва уларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ушбу тизимда хизмат ўташнинг ўзига хос томонлари мазкур қонуннинг тузилиши ва нормаларининг мазмун-моҳиятида ҳам яққол ифодасини топган.

Қонуннинг 4-моддасида ички ишлар органлари фаолиятининг 16 та асосий фаолият йўналиши кўрсатиб ўтилган бўлиб, уларни ўз ваколатлари доирасида амалга ошириши белгиланган. Ушбу фаолият йўналишлари: *биринчидан*, бир-бири билан узвий боғлиқ; *иккинчидан*, ҳар бири ўзаро боғлиқ бўлган яна бир қанча йўналишларда олиб борилади; *учинчидан*, мазкур фаолият йўналишлари алоҳида ёки бир нечта қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатлар доирасида бажарилади; ниҳоят, *тўртинчидан*, улар тизимдаги соҳавий хизматлар ёхуд давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликда таъминланади.

Қонунийлик, ягоналик, фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларига риоя этиш ва уларни ҳурмат қилиш, очиқлик ва шаффофлик ички ишлар органлари фаолиятининг асосий принциплари этиб белгиланганлиги, шунингдек уларнинг ҳар бири алоҳида нормаларда мустақамланганлиги, *биринчидан*, ушбу соҳадаги ижтимоий муносабатларнинг ўзига хослигини, *иккинчидан*, фаолиятни амалга ошириш ходимлардан ўта юқори масъулият, огоҳлик, ҳушёрлик ва хушмуомалалик талаб қилишини; *учинчидан*, уларга риоя этиш эса ҳар бир ходимдан ўз ваколатларини аниқ билиш ва уларни амалда қўллаш бўйича чуқур билим, кўникма ҳамда бой тажрибага эга бўлишни; ниҳоят, *тўртинчидан*, ҳар бир соҳавий хизмат ва таркибий тузилма ходимлари, айниқса раҳбарларидан ташаббускор, ташкилотчи, фидойи бўлиш, шунингдек ўзлари амалга ошираётган фаолият

йўналишлари самара беришига аввало ўзлари ишонишлари ҳамда кенг жамоатчиликни жалб этган ҳолда уларни ҳам ишонтиришларини тақозо этмоқда.

Шуни алоҳида эътироф этиш жоизки, мазкур қонунда қонунийлик принципига оид умумий қоидалар билан бир қаторда, «ички ишлар органларининг ходимлари хизмат мажбуриятларини бажариш чоғидаги ўзининг қонунга хилоф хатти-ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) оқлаш учун хизмат манфаатларини, иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқликни, юқори турувчи мансабдор шахсларнинг қонунга хилоф талаблари, буйруқлари ва фармойишларини ёки қонунга мувофиқ бўлмаган бошқа бирор-бир ҳолатни рўкач қилиши мумкин эмас», шунингдек, «ички ишлар органларининг ходимларига кимнидир гайриқонуний ҳаракатларни содир этишга бевосита ёки билвосита қизиқтириш, кўндириш, ундаш тақиқланади» деган ман этувчи қоидалар ҳам мустаҳкамлаб қўйилди. Ички ишлар органлари ходимлари томонидан хизмат ўташда ушбу қоидаларга риоя этмаслик ёки уларни ҳар қандай кўринишда бузиш амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликни келтириб чиқаради.

Ички ишлар органларининг асосий вазибалари, фаолият йўналишлари, мажбурият ва ҳуқуқлари мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда улар фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш ҳамда уларни ҳурмат қилиш принципига оид янги қоидалар киритилганлиги инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигини таъминлашда алоҳида аҳамиятга эга. Хусусан, ушбу нормага «ички ишлар органларининг фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини чекловчи фаолияти, агар қонуний мақсадга эришилган бўлса ёки ушбу мақсадга фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини чеклаш орқали эришиб бўлмаслиги ёки эришилмаслиги кераклиги аниқланса, дарҳол тўхтатилади» деган қоида киритилган.

Мазкур қонуннинг қонунийлик принципига оид нормаларида ички ишлар органи ходимлари фуқарога мурожаат этганида, шунингдек фуқаро уларга мурожаат этганида ички ишлар органи ходими бажариши ва риоя этиши шарт бўлган қоидаларнинг аниқ белгилаб қўйилганлиги ҳар бир ходимдан ўз хизмат жараёнида ушбу талабларни ҳар қандай вазиятда ҳам бажаришни ҳаёт тарзига айлантириш талаб этилмоқда.

Мазкур қонунга юқорида кўрсатилган қоидаларнинг киритилганлиги, ички ишлар органлари ходимларининг ўз хизмат фаолиятини чуқур касбий билим, кўникма, тажрибага асосланган ҳамда одоб-ахлоқ қоидалари, хизмат интизоми ва қонун талабларига тўлиқ риоя этган ҳолда доимо огоҳ ва ҳушёрликда олиб боришини тақозо этади.

Қонунда ички ишлар органлари ходимининг қонуний талаблари бажарилиши мажбурийлиги, уларнинг бошқа органлар ва ташкилотлар билан ҳамкорлигини таъминлаш, шунингдек фаолиятида фан ютуқлари, замонавий технологиялар ва ахборот тизимларидан фойдаланишини таъминловчи нормаларнинг киритилганлиги алоҳида аҳамиятга эга.

Ички ишлар органи ходимининг ўз ваколатлари доирасида қўйган қонуний талабларининг барча давлат органлари, бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурийлиги, шунингдек улар фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда, жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашда, жиноятлар ва маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларни фош этишда, жиноят ишларини тергов қилишда, жиноятчиларни қидиришда, бедарак йўқолганларнинг турган жойини аниқлашда, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлашда ички ишлар органларига ўз ваколатлари доирасида кўмаклашиши шарт эканлиги қонун даражасида мустаҳкамланганлиги ҳуқуқни қўллаш амалиётида янада катта натижаларга эришишни таъминлайди.

Қонунда ички ишлар органларининг тизими ва маъмурий-худудий бирликларда, тармоқлар ва объектларда фаолият олиб боровчи таркибий тузилмалари, қоровул қўшинлари, таълим муассасалари, шунингдек истиқлол йилларидаги ислохотлар натижасида ички ишлар органларининг энг қуйи тизими сифатида ташкил этилган таянч пунктларининг ягона тизимга киритилганлиги ички ишлар соҳасининг самарали бошқарилишини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Бундан ташқари, қонунда Ўзбекистон Республикасининг ички ишлар вазири ўз мақомига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таркибига кириши, шу билан бир вақтда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бевосита Ўзбекистон Республикаси Президентига, қонун ҳужжатларига мувофиқ айрим масалалар бўйича эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бўйсунити ҳақидаги қоидаларнинг белгиланганлиги ички ишлар органларининг асосий вазифалари, фаолиятининг асосий принциплари ва йўналишлари ҳамда мажбурият ва ҳуқуқлари билан боғлиқдир.

Қонуннинг 16-моддасида ички ишлар органларининг 52 та мажбурияти ва 17-моддасида 44 та ҳуқуқининг аниқ белгиланганлиги, *биринчидан*, шу вақтгача ички ишлар органлари ваколатлари билан боғлиқ, ҳуқуқий майдонда мавжуд бўлган бўшлиқ, ноаниқлик ва зиддиятларни батараф этишни; *иккинчидан*, асосий вазифаларни тўлиқ ва бекаму кўст бажаришлари учун барча йўналишлар бўйича самарали фаолият олиб боришни; *учинчидан*, ички ишлар органлари томонидан айрим мажбурлов чораларининг, ички ишлар органлари ходимлари томонидан жисмоний куч ишлатиш, махсус воситалар ва ўқотар қуролнинг қонуний асослар бўлган ва белгиланган талабларга тўлиқ риоя этилган ҳолдагина қўлланишини таъминлашга хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, Қонунда ички ишлар органлари томонидан шахсларни

ушлаб туриш асослари ва тартиби, бундай ҳолатларда манфаатдор шахсларни бу ҳақда хабардор қилиш талаблари ва шартлари (18-модда), шунингдек қандай ҳолларда ички ишлар органлари туман, шаҳар ички ишлар бошқармаси (бўлими) бошлиғи ва бошқа юқори турувчи раҳбарларнинг оғзаки ёки ёзма қарорига кўра худуддаги участкаларни ўраб олишни (тўсиб қўйишни) амалга ошириш ҳуқуқига эгаллиги ҳамда уни қўллаш тартибига (19-модда) оид қоидалар аниқ белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари, мазкур қонунда ички ишлар органлари ходимларига табиий офат юз берган жойга бориш, шошилиш тиббий ёрдамга муҳтож фуқароларни тиббий муассасаларга олиб бориш, жиноят содир этган шахсларни таъқиб этиш ва ички ишлар органларига олиб келиш, ҳодиса жойига ёки ички ишлар органларининг шахсий таркибини жанговар тревога бўйича тўплаш жойига бориш учун ташкилот ва фуқароларнинг транспорт воситаларидан фойдаланиш ҳуқуқи, уни амалга ошириш тартибига оид қоидалар ҳам мустаҳкамлаб қўйилган (20-модда).

Ички ишлар органлари ходимлари мазкур қонунда белгиланган вазифаларни ўзларининг зиммасига юклатилган мажбурият ва ҳуқуқлар доирасида бажариш жараёнида жисмоний куч ишлатишлари, махсус воситалар ва ўқотар қурол қўллашлари мумкин. Бунда қуйидаги талаблар бажарилиши керак:

қонуний асослар бўлгандагина ва белгиланган тартибга қатъий риоя этган ҳолда қўллаш;

қайси ҳолларда ва кимларга нисбатан қўллаш умуман тақиқланиши ҳал этилиши;

қўлланилиши билан боғлиқ шароитлардаги ҳаракатларга ходимларнинг касбий яроқлилигини текшириш учун улар даврий текширувдан ўтиши, ундан ўта олмаган ходим эгаллаб турган лавозимга мувофиқлигини аниқлаш учун аттестациядан ўтиши шартлиги;

қўлланилишидан аввал уларни қўллаш нияти тўғрисида аниқ ифодаланган огоҳлантириш бўлиши кераклиги;

қўлланилиши юзага келган вазиятга, шахслар хатти-ҳаракатларининг хусусиятига ва хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги ва бунда ички ишлар органи ходими ҳар қандай зарарнинг имкон қадар кам бўлишига интилиши шартлиги;

қўлланилиши натижасида тан жароҳати олган фуқароларга биринчи ёрдам кўрсатилиши, шунингдек имкон қадар қисқа вақт ичида тиббий ёрдам кўрсатиш чоралари кўрилиши, уларнинг қариндошлари эса йигирма тўрт соат ичида бу ҳақда хабардор қилиниши кераклиги;

қўллаш чоғида ўз ваколатлари доирасидан чиққанлиги қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлиши аниқ белгилаб қўйилган.

Мазкур қонунда жисмоний куч ишлатилган, махсус восита ва ўқотар қурол қўлланилган ҳар бир ҳолат тўғрисида ички ишлар органининг ходими бевосита бошлиғига дарҳол ахборот бериши, жисмоний ёхуд юридик шахсларнинг ҳаётига, соғлиғига ёки мол-мулкига зарар етказилган ҳар бир ҳолат ҳақида, шунингдек ўқотар қурол қўлланилган барча ҳоллар тўғрисида ички ишлар органилари прокурорга дарҳол хабар бериши шартлиги белгиланган бўлиб, бу соҳада қонунийликни таъминлаш янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Мазкур қонуннинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, унда ички ишлар органиларида хизматга қабул қилиш, хизматни ўташ, ходимларга махсус унвон бериш, уларни аттестациядан ўтказиш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, ички ишлар органиларидан бўшатиш талаблари, шартлари ва тартиби, шунингдек ходимларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояси кафолатлари, уларнинг турлари ва таъминлаш йўналишларини белгиловчи нормалар ҳам киритилган.

Мазкур қонуннинг ички ишлар органиларида хизматни ўташ шартлари ва

тартибига бағишлаган бобида ички ишлар органиларида хизматни ўташ чоғида фуқаролар ҳуқуқларининг тенглигини таъминлаш, фуқарони ички ишлар органиларидаги хизматга, Ички ишлар вазирлигининг таълим муассасаларида ўқишга қабул қилиш тартиби, хизматга қабул қилинган шахслар учун дастлабки синов муддати, қасамёд қабул қилишига оид нормалар киритилган.

Ички ишлар органи ходими эгаллаган лавозими, турган жойи ва вақтидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида бошлиғининг (командирининг) буйруғига биноан исталган вақтда хизмат мажбуриятларини бажаришга киришиши ҳамда:

жиноятлар, бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этилган жойда ёки ҳодисалар жойида жабрланган фуқароларга, шунингдек ночор аҳволда қолган фуқароларга биринчи тиббий ёрдам ёки бошқа хил кўмак берилишини ташкил этиши;

одамларни қутқариш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларга чек қўйиш, уларни содир этган шахсларни ушлаш, ҳодиса жойини қўриқлаш ҳамда унга фуқаролар ўзларининг шахсий хавфсизлигига ёки жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи воқеалар тўғрисидаги хабарлар билан мурожаат қилган ёхуд бевосита ўзи шундай воқеаларга дуч келган тақдирда энг яқиндаги ички ишлар органилари бўлинмасига хабар бериши шарт.

Бундан ташқари, қонунда ички ишлар органилари ходимларининг махсус унвонларига, ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга, ички ишлар органилари ходимлари иш вақтининг давомийлиги ҳафтасига қирқ соатдан ошиши мумкин эмаслигига, шунингдек зарур бўлган ҳолларда, ички ишлар органилари ходимлари хизматни ўташга кучайтирилган ёки суткалик режимда жалб қилиниши мумкинлигига, уларнинг таътилига, ички ишлар органиларида хизматда бўлиши муддатига, шунингдек белгиланган чегарадаги ёшга тўлган ходимлар захирага ёки истеъфога чиқарилишига оид нормалар ҳам мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги 2016 йил 16 сентябрдаги Қонунини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси», шунингдек Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг «Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги 2016 йил 16 сентябрдаги Қонун ижросини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи билан белгиланган чора-тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш энг долзарб вазифалардан биридир.

Ҳозирги кунда мазкур вазифа ижроси доирасида тайёрланаётган қонун ҳужжатларида Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонуни нормалари талаблари асосида ички ишлар органларининг ташкилий-штат тузилиши ва ҳуқуқий мақомини, кадрларга оид, молиявий ва моддий-техник таъминотини реал ҳаётий эҳтиёжлардан келиб чиқиб белгилаш, шунингдек ходимларнинг хизматни ўташ тартибини, ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш механизмларини белгилаб олиш талаб қилинади.

Бундан ташқари, ушбу қонун нормаларининг талабларидан келиб чиққан ҳолда, ички ишлар органларининг асосий фаолият йўналишларини тартибга солувчи норматив ҳужжатларни тўлиқ тафтишдан ўтказиш ва уларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳам энг долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Мазкур вазифаларни бажариш жараёни жуда мураккаб бўлиб, ички ишлар органларининг барча таркибий тузилмаларидан ўз ваколатлари доирасида: Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонун ижроси бўйича қонун ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқишда фаол иштирок этиш; ўзлари масъул бўлган фаолият йўналишларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мазкур қонун ҳамда унинг ижроси юзасида қабул қилинаётган қонуности ҳужжатларига ҳамда

жамият ва давлат бошқарув тизимида демократлаштиришни янада чуқурлаштириш ҳамда фуқаролик жамиятини ривожлантириш, шу жумладан суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш бўйича қабул қилинган қонун ҳужжатларига мувофиқлаштириш талаб қилинади.

Бундан ташқари, мазкур қонуннинг қабул қилинганлиги қуйидаги йўналишларда бир қатор комплекс ишларни амалга оширишни талаб этади.

Биринчи йўналиш — қонуннинг ва унинг ижроси бўйича қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини ўрганиш бўйича ўқув-методик материаллар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш. Бу борада ушбу қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини ўрганишга мўлжалланган ўқув қўлланмалари, тест саволлари тайёрлаш, интерфаол усуллар қўлланилган савол-жавоб мусобақалари, амалиётда учраётган муаммоларнинг ечимлари юзасидан амалий семинарлар ўтказиш ҳамда ходимлардан синовлар қабул қилишни мантиқий кетма-кетликда, тизимли ташкил этиш.

Иккинчи йўналиш — ушбу қонун ва унинг ижроси бўйича қабул қилинадиган қонун ҳужжатлари нормаларини амалий фаолиятда қўллашга доир кўникмаларни шакллантириш, такомиллаштириш ва тажрибаларини бойитиб бориш. Бу эса ички ишлар органларининг ҳар бир ходимидан ушбу вазифалар ижросини қонун ва унинг ижроси бўйича қабул қилинадиган қонуности ҳужжатларида белгиланган вазифаларни, фаолият йўналишларини, мажбурият ва ҳуқуқларини ҳамда уларни амалга ошириш бўйича хизмат фаолиятининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда таъминлашни талаб этади. Ходимларнинг ушбу қонун ва унинг ижроси бўйича қабул қилинадиган қонун ҳужжатлари нормаларини амалий фаолиятда қўллашга доир кўникмаларини такомиллаштириш ва тажрибаларини бойитиб бориш хизмат тайёргарлиги доирасидаги машғулотлар, алоҳида дастур

ва жадвал асосида ўтказиладиган семинар-тренинглар орқали таъминланиши керак.

Учинчи йўналиш — қонун ва унинг ижроси бўйича қабул қилинадиган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси ИИВ таълим муассасаларида ўқитиладиган фанлар бўйича янги дарсликлар, ўқув қўлланмалари, ўқув-методик материаллар тайёрлаш, мавжудларига тегишли қўшимча ва ўзгаришлар киритиш ҳамда ўқув жараёнига жорий этишни, шунингдек тингловчи-курсантларда мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар нормаларини амалиётда қўллаш учун зарур билим, малака ва тажрибани шакллантиришни таъминлаш.

Тўртинчи йўналиш — қонун ва унинг ижроси бўйича қабул қилинадиган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти аҳоли ўртасида тарғиб қилинишини таъминлаш. Тарғиботчиларни танлаш ва тайёрлаш, айниқса, уларга тарғибот жараёнида интерфаол усулларни қўллашни ўргатиш, уларни қонун ва унинг ижроси бўйича қабул қилинадиган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини тарғиб қилишга доир методик материаллар билан таъминлаш,

шунингдек, тарғибот ишларида оммавий ахборот воситаларининг имкониятларидан кенг фойдаланиш муҳим.

Бешинчи йўналиш — қонун ва унинг асосида қабул қилинадиган қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлаш амалиётини доимий мониторинг қилиш ҳамда унинг натижаларини таҳлил қилиб бориш.

Юқорида кўрсатилган барча йўналишлар бўйича чора-тадбирларни мантиқий кетма-кетликда, тизимли равишда, ҳамкорликда ва мувофиқлаштирилган ҳолда ҳамда изчил ва доимий равишда амалга ошириб бориш талаб қилинади.

«Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг ҳар бир нормаси талаблари ижро этилишини таъминлаш механизмларини ўзида мужассам этган қонун ҳужжатларининг биринчи навбатда ички ишлар органлари ходимлари, қолаверса, барча масъуллар томонидан тўлиқ ва мукамал бажарилиши мамлакатда, унинг маъмурий-ҳудудий бирликларида тинчлик ва осойишталикни сақлаш кафолати бўлиб хизмат қилади.

Н. Т. Исмоилов,

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Илмий кенгаши котиби, юридик фанлар номзоди, доцент;

Д. Д. Бабаев,

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси маъмурий ҳуқуқ кафедраси бошлигининг ўринбосари

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING «ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИ – ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ГАРОВИ

Аннотация. Мақолада «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг асосий мазмун-моҳияти ва инсон манфаатларини ҳимоя қилишдаги аҳамияти ёритиб берилган.

Таянч тушунчалар: ички ишлар органлари, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари.

Исмоилов Н. Т., Бабаев Д. Д. Закон Республики Узбекистан «Об органах внутренних дел» — гарантия защиты интересов человека

Аннотация. В статье раскрываются сущность и содержание Закона Республики Узбекистан «Об органах внутренних дел», а также значение данного закона в защите интересов человека.

Ключевые слова: органы внутренних дел, профилактика правонарушений, общественное формирование «Махалла посбони», права и законные интересы граждан

Ismoilov N. T., Babaev D. D. Law of Republic of Uzbekistan «About Organs of Internal Affairs» is a guarantee of protection of the person's interests

Annotation. Article discloses the essence and content of the Law of the Republic of Uzbekistan «About Organs of Internal Affairs» and its value in protection of person's interests.

Key words: organs of internal affairs, prevention of offences, public formation «Makhalla posboni», the rights and legitimate interests of citizens.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов ташаббуси билан суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш, миллий қонунчиликни такомиллаштириш борасида янги босқич бошланди. Мамлакатда ушбу ислоҳотлар доирасида суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштиришга доир 70 дан ортиқ қонун қабул қилинганлиги амалга оширилаётган янгиланишларнинг тизимли, истиқболли эканлигидан далолатдир.

Ўтган йиллар давомида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш соҳасида кенг кўламли ва самарали ишлар амалга оширилди. Ушбу жараёнда «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги, «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги,

«Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги, «Парламент назорати тўғрисида»ги, «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги, «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунлар ва бошқа кўплаб қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Амалга оширилган ислоҳотлар суд-ҳуқуқ соҳасини демократлаштириш ва эркинлаштиришга, суд ҳокимиятининг фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги роли ва аҳамиятини оширишга замин яратди. Қолаверса, мамлакатни ривожлантиришнинг замонавий талаблари ва устувор стратегик вазифалари суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштиришни талаб

этаётганлиги сабабли 2016 йил 21 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони¹ қабул қилинди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти томонидан ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштириш билан боғлиқ кўплаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Бугунги кунда ана шу ишларнинг давоми сифатида Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонуни қабул қилиниши ички ишлар органларининг фаолиятини тартибга солиш ҳамда соҳадаги муносабатларни қонун билан мустаҳкамлаш ва тизимдаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш йўлидаги муҳим босқич бўлди.

Мамлакатимизда демократик ислохотлар янада чуқурлаштирилаётган ва фуқаролик жамияти ривожлантирилаётган ҳозирги шароитда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи давлат органи унинг мазмун-моҳияти ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини белгилаб берувчи махсус қонун сифатида ифодаланади.

Ички ишлар соҳасини норматив тартибга солиш борасида мамлакатимизда ва хорижда тўпланган тажриба ўрганилиб, ички ишлар органларининг давлат-ҳуқуқий моҳиятини қонун даражасида мустаҳкамлашнинг ижтимоий аҳамияти сифатида қабул қилинган мазкур қонун 8 та боб, 49 та моддадан иборат. Шунингдек, қонуннинг асосий мақсади бўлиши ички ишлар органларининг фаолиятини тартибга солиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни бартараф этиш ва очиш жараёнида фуқароларнинг ҳуқуқий ҳимояланганлиги, республика ички ишлар органларининг ҳуқуқий мақоми, асосий вазифалари, ваколатлари, иш принциплари ва фаолиятининг йўналишлари белгилаб берилганлиги билан катта аҳамиятга эгадир.

Қонунда ички ишлар органларининг асосий вазифалари фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаат-

ларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани, конституциявий тузумни ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасини амалга оширишдан иборатлиги кўрсатилган. Қонуннинг 8-моддасида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш ҳамда ушбу ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларни ҳурмат қилиш принципи ифодаланган, бунда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари таъминлашини тўлиқ кафолатлаш билан бирга, ходимларнинг фуқаролар билан ўзаро мулоқот қилиш қоидалари ҳам қатъий белгилаб қўйилди.

Қонуннинг 9-моддаси очиқлик ва шаффофлик принципига бағишланган бўлиб, унга кўра ички ишлар органлари ўз фаолиятини очиқ ва шаффоф тарзда, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бошқа ташкилотлар ва фуқаролар, шунингдек оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда амалга ошириши, жисмоний ва юридик шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ички ишлар органларининг фаолияти ҳақида, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига бевосита дахлдор бўлган ҳаққоний ахборотни олиш ҳуқуқига эга эканлиги ҳамда ички ишлар органлари Ўзбекистон Республикасининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонунида² белгиланган тартибда ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланилишини таъминлаши мустаҳкамлаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида⁴ «Биз «Адолат — қонун устуворлигида» деган тамойил асосида жамиятимизда қонунга ҳурмат, ҳуқуқбузарлик ҳолатларига муросасизлик ҳиссини кучайтиришга қаратилган ишларимизни

жадал давом эттираемиз. Бу борада ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилади. Бунинг учун аввало маҳалла имкониятларидан кенг фойдаланиш, профилактика инспекторларининг иш самараси ва масъулиятини ошириш, улар учун муносиб хизмат ва турмуш шароитини яратиб бериш чораларини кўришимиз даркор», — деб таъкидлаб ўтди. Жумладан, «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонуннинг 15-моддасида ички ишлар органларининг таянч пунктлари туманлар ва шаҳарлар ички ишлар бошқармаларининг (бўлимларининг) ички ишлар органларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигини таъминлаш мақсадида ташкил этиладиган ҳамда қишлоқларда, овулларда ва маҳаллаларда жамоат тартиби сақланишини, фуқаролар хавфсизлигини, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини, жиноятчиликка қарши курашишни бевосита таъминлайдиган асосий қўйи бўғини эканлиги, ички ишлар органларининг таянч пунктлари фаолиятни профилактика катта инспекторлари ва инспекторларидан иборат таркибда амалга ошириши кўрсатиб ўтилган.

Ички ишлар органлари тўғрисидаги қонуннинг амалга киритилиши билан кутилаётган натижалардан бири келгусида ички ишлар органлари соҳавий хизматлари фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан ислоҳ қилишдир. Жумладан, қабул қилинган қонун асосида ички ишлар органларининг патруль-пост ва жамоат тартибини сақлаш хизматлари тизимидаги иш ва яшаш жойи ноаниқ шахсларни реабилитация қилиш марказлари, маъмурий қамоққа олинган шахсларни сақлаш махсус қабулхоналари каби тузилмаларнинг фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қайта ишлаб чиқилишида муҳим асос бўлди. Қонунда ички ишлар органлари томонидан қўлланиладиган айрим турдаги давлат мажбурлов чоралари (жисмоний куч, махсус воситалар ва ўқотар қуролни қўллаш) аниқ ва тизимли равишда ўз ифодасини топган. Қонун нормаларида ушбу мажбурлов чораларини қўллаш тартиби, асослари аниқ белгиланиб, фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни, қадр-қиммати, ҳуқуқлари, эркин-

ликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг шахсий ва мулкый хавфсизлигини таъминлаш ички ишлар органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан эканлиги қайд этилган.

Қонуннинг концептуал қоидалари қаторида ички ишлар органларининг ижроия ҳокимият тизимидаги ўрни, вазифалари ва принциплари, мажбуриятлари, ҳуқуқларини мустаҳкамлаш, ўқотар қуролни қўллаш тартибини, шунингдек қўллаш учун рухсат этилган махсус воситаларнинг муайян рўйхатини, хизматнинг умумий шартлари ва қабул қилиш қоидалари ҳамда уни ўташ тартибини белгилаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя қилинишининг кафолатлари, ички ишлар органлари ходимларини ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоялаш чоратадбирлари ҳамда фуқаролар томонидан ички ишлар органлари ходимларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилиш тартиби назарда тутилган.

Шунингдек, ҳуқуқни қўллаш ва қонунчилик амалиётида илк бор ички ишлар органларининг ҳуқуқий мақоми аниқлаштирилиб, унга асосан Ўзбекистон Республикасининг ички ишлар органлари — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, конституциявий тузумни мустаҳкамлаш, жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишни амалга оширувчи ҳуқуқни муҳофаза қилиш органидир деган, ҳуқуқий тушунча қонунда ўз аксини топди.

Норматив ҳужжатда қонунийлик, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш ва уларни ҳурмат қилиш ички ишлар органлари фаолиятининг энг асосий принциплари қаторида белгилаб қўйилди.

Қонуннинг яна бир устувор жиҳати унда ички ишлар органлари ўзига юклатилган вазифаларни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа жамоат тузилмалари билан ҳамкорликда амалга

оширишини назарда тутувчи қонуннинг белгиланганлиги ички ишлар органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамжиҳатликда фаолият юритиши учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Ички ишлар органлари ходимларининг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш қонуннинг асосий таркибий қисмларидан биридир. Хусусан, Қонуннинг 7-боби ички ишлар органлари ходимларининг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясига бағишланган бўлиб, унда ички ишлар органлари ходимларини ҳуқуқий ҳимоялаш кафолатлари, уларнинг соғлиғини сақлаш, хизматига ҳақ тўлаш, турар жой билан таъминлаш, давлат пенсия таъминоти, мулкига етказилган зарарни қоплаш, жамоат транспортида бепул юриши, шунингдек ички ишлар органлари ходимлари вафот этган ёки майиб бўлган ҳолларда давлат сугуртаси ва зарарни қоплаш ҳамда ходимлар ва уларнинг оила аъзоларига ижтимоий ёрдам кўрсатиш каби масалалар атрофлича ёритилган. Жумладан, ички ишлар органлари тўғрисидаги қонунда ички ишлар органлари ходимларининг махсус унвонлари учун бериладиган маошлари Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг ҳарбий унвонлари учун тўланадиган маошга тенглаштирилган ҳолда берилиши ички ишлар органлари ходимларининг кучайтирилган тартибдаги ва суткалик хизматларидан ташқари, тунги, дам олиш ва байрам кунларидаги хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига биноан компенсация тўланиши алоҳида нормада белгилаб қўйилди.

Қонунда халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган принциплари ва нормалари инобатга олинган, қолаверса, қонун билан тартибга солиш борасида бошқа давлатлар тажрибаси сифатида Беларусь ва Украинанинг «Милиция тўғрисида»ги, шунингдек АҚШ, Буюк Британия, Германия, Канада, Австралия, Ҳиндистон, Хитой, Словения,

Финляндия, Эстония, Озарбайжон, Арманистон, Молдова, Россия каби давлатларнинг «Полиция тўғрисида»ги қонунлари ўрганиб чиқилган; Франция, Норвегия, Польша, Греция, Италия, Чехия, Туркия, Жанубий Корея ва бошқа давлатларнинг ушбу фаолиятни ташкил этиш механизми таҳлил қилинган.

Шуни қайд этиш жоизки, Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо мамлакатларнинг ички ишлар органлари фаолиятини тартибга солувчи қонунларида концептуал фарқлар мавжуд эмас. Яъни, ушбу қонунларда полиция фаолиятининг принциплари, полициянинг мажбуриятлари, ҳуқуқлари, айрим давлат мажбурлови чораларини қўллаши, жисмоний куч, махсус воситалар ва ўқотар қуролларнинг қўлланилиши, полиция ходимининг ҳуқуқий ҳолати, полицияда хизматни ўташ, полиция ходими ижтимоий ҳимоясининг кафолатлари, молиявий ва моддий-техникавий таъминот, шунингдек полиция фаолиятини назорат қилиш ва текшириш каби нормалар белгиланган.

Ўз навбатида, аксарият хорижий давлатларда полиция фаолияти миллий қонунлар ва анъаналарга асосланган. Бир қатор давлатларда полиция органлари Ички ишлар вазирлиги ихтиёрида бўлади ёки бевосита таркибий қисм сифатида унинг тизимига киради. Бу эса полициянинг давлат ҳуқуқий сиёсатини юритиш воситаси сифатидаги аҳамиятини яна бир бор тасдиқлайди. Шунингдек, полиция адлия, хавфсизлик вазирликларига бўйсунган ҳоллар ёхуд махсус вазирлик ёки идоралардан ажралиб чиққан махсус полициялар ҳам учрайди.

Ўйлаймизки, қабул қилинган «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонун фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда қонунийликни таъминлашни янги сифат босқичига кўтариб, ички ишлар соҳасида давлат бошқарувини демократлаштиришнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2016. – № 43. – 497-м.

² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2014. – № 19. – 209-м.

³ *Мирзиёев Ш. М.* Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови // Халқ сўзи. – 2016. – 8 дек.

М. А. Ражабова

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси жиноят-процессуал
ҳуқуқ кафедраси профессори, юридик фанлар доктори*

СУДЬЯНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИ — СУД ҲОКИМИЯТИНИНГ НУФУЗИ

Аннотация. Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрда қабул қилинган «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида белгилаб берилган тадбирларни самарали бажариш юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар чуқур тадқиқ этилади.

Таянч тушунчалар: суд-ҳуқуқ тизими, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, ислоҳ қилиш, ҳимоя қилиш, ҳуқуқий асослар, фармон, одил судлов, шахсларнинг муносабатлари.

Ражабова М. А. Независимость судьи — авторитет судебной власти

Аннотация. В статье анализируются суть и содержание мероприятий, направленных на выполнение задач, поставленных в Указе Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему реформированию судебной-правовой системы, усилению гарантий надежной защиты прав и свобод граждан».

Ключевые слова: судебной-правовой системы, права и свободы граждан, реформирование, защита, правовые основания, указ, правосудие, обращения граждан.

Radjabova M. A. Independence of the judge is prestige of judicial power

Annotation. The article analyzes the essence and content of the actions directed to performance of the tasks set in the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan «About measures for further reforming of judicial and legal system, strengthening of guarantees of reliable protection of the rights and freedoms of citizens».

Keywords: judicial-and-legal system, rights and freedoms of citizens, reforming, protection, legal basis, decree, justice, address of citizens.

Мустақиллигимизнинг ўтган чорак асри давомида Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов томонидан асосланган ва амалга оширилган ҳамда бугунги кунда ҳам аҳамияти янада юксалиб бораётган тараққиётнинг ўзбек моделининг асосий беш принципи, жумладан босқичма-босқичлик принципи суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этишнинг навбатдаги босқичига замин яратди. 2016 йил 21 октябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони мазмун-моҳияти жиҳатдан серқирра, кўламлилиги билан эътиборни жалб этади. Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилишдан мақсад суд

орқали инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини янада ишончли ҳимоя қилиш механизмининг замонавий давлатчилик талабларига мослаштириш ҳамда жамият эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда суд органлари фаолиятида одил судловли даражасини оширишдир.

Қайд этиш жоизки, истиқлол йилларида ҳокимият тизимида суднинг мустақиллигини таъминлашга қаратилган самарали ҳуқуқий асослар яратиш борасида залворли ва самарали ислоҳотлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида суд ҳокимияти фаолиятига оид қатор нормалар акс этганини алоҳида қайд этиш ўринлидир. Шу боис Фармонда энг муҳим вазифалардан бири сифатида «суд ҳокимиятининг мустақиллиги тўғрисидаги конституциявий нормаларга ва одил

судловни амалга ошириш фаолиятига аралашганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципига оғишмай амал қилишини таъминлаш» белгилаб қўйилгани бежиз эмас, албатта. Фикримизча, бу ҳолат барча судлар (фуқаролик, жиноят ва ҳўжалик судлари) томонидан ишларни муҳокама қилиш ва тегишли қарорлар (ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор) қабул қилиш билан боғлиқ барча босқичларда (биринчи инстанция, апелляция, кассация ёки назорат тартибда) ҳеч бир мансабдор шахс, ҳаттоки суд раҳбари бевосита аралашishi мумкин эмаслигини англатади.

Шуни қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Судлар тўғрисида»ги қонун ва Жиноят-процессуал кодексда (14-модда) «судьялар мустақил-дирлар, фақат қонунга бўйсундилар» деган принцип ўз аксини топган. Мазкур принцип судьянинг фаолият кўрсатишида мустақиллиги кафолатланганидан далолат беради, шу билан бирга, барча суд тармоқларидаги судьялар ўз юритувидаги ишларни мазмунан ҳал этишда фақат тегишли қонунлар талабларига қатъий риоя қилишлари улардан оғишмай қарор қабул қилишлари лозимлигини англатади.

Фармонда кўрсатилган муҳим вазифалардан яна бири — нафақат суд органларининг, балки мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан фаолияти қамраб олинган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар (прокуратура, адлия, тергов органлари), шунингдек давлат органларидаги юридик хизматлар масъул ходимларининг ҳам жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўз вақтида ҳал этиш борасидаги масъулиятини янада оширишдир. «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинганидан буён мамлакатимизда фуқароларнинг мурожаатларини ҳал этишнинг ҳуқуқий механизми тубдан ўзгарди. Мисол учун, ҳукумат порталига фуқаролар йўллаган ариза ва шикоятлар юзасидан тегишли вазирлик ва идоралар томонидан шошилиш чоралар кўрилатгани, бунда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари устуворлигига кўпроқ эътибор берилатгани, мурожаатлар сансалорликсиз ҳал қилинаётганини кўпчилик эътироф этаётганини қайд этиш жоиз. Шу ўринда Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислон Каримовнинг «ислоҳот — ислоҳот учун эмас,

инсон манфаати учун» деган пурҳикмат ғоялари ҳукуматимиз томонидан изчил ва тизимли давом эттирилатгани ҳар бир фуқаронинг қалбига қувонч бағишлаши баробарида уларни келажакка ишонч билан яшашга ундамоқда.

Судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида нафақат содир этилган у ёки бу турдаги (жиноят, фуқаролик, ҳўжалик, маъмурий) ҳуқуқбузарлик ёки низолар юзасидан айбдор шахсларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиб, тегишли қарор қабул қилиш, шу билан бирга содир этилган ҳуқуқбузарликнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни чуқур ўрганиш, аниқлаш баробарида қонунбузарликларни бартараф этиш юзасидан мақсадли ва самарали чоралар кўришга қаратилгани ҳам Фармондаги вазифалар сирасига киритилгани эътиборга молик. Мазкур вазифа замирида судья ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мансабдор шахсларидан ўз «фаолиятини ташкил этишда ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан» таклиф ишлаб чиқилишига алоҳида эътибор қаратилиши зарур. Дарҳақиқат, кузатиш ва таҳлиллар, шунингдек маърузалар ўқиш жараёни судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятига оид қонунлар ва қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш зарурлигидан даролат беради. Фармоннинг биринчи банди еттинчи хат бошиси айнан барча бўғиндаги ходимларнинг қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир таклифларини тегишли тартибда юборишга эътибор беришини назарда тутди.

Яна мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатда «юксак ахлоқий-идоравий ва касбий фази-латларга эга, юклатилган вазифалар ва амалга оширилатган ислоҳотларнинг самарали бажарилишини таъминлашга қодир кадрларни шаффоф танлов асосида ишга қабул қилиш тизимини такомиллаштириш» муҳим вазифалардан бири этиб белгилангани ҳам айни муддаодир. Зеро, ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида қонун ҳужжатларини янги нормалар билан қанчалик бойитмайлик ёки янгидан-янги қонунлар қабул қилмайлик, авваламбор, қонун талабларини амалиётда бекаму кўст қўллашга, оғишмай амалга оширишга қодир, билимли ва юқори малакали,

хизмат вазифасини сидқидилдан, холисона ва бегараз бажара оладиган суд идоралари ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ҳалол-пок мутахассислар тайёрланишига эришмас эканмиз, ислоҳотлар самараси ҳақида сўз юритишимиз бефойда.

Эътиборли жиҳати шунданки, Фармоннинг иккинчи бандида судьялик лавозимига тайинлаш (сайлаш) муддатларига аниқлик киритилган. Яъни бу лавозимга биринчи маротаба беш йилга, иккинчи маротабасида — ўн йилга, кейингисидида муддатсиз тайинланиш (сайланиш) имкони яратилмоқда. Бундай табақалаштириш судьяларнинг ёши, малакаси, касб маҳоратини инобатга олган ҳолда узоқроқ муддат давомида фаолият кўрсатишини кафолатлайди. Бу эса аҳолининг суд ҳокимиятига ишончи янада ортишига ҳамда судьяларнинг узоқ йиллар давомида ўз бурчини сидқидилдан бажаришига ва ниҳоят, суднинг ҳокимият тормоғидаги нуфузи юксалишига сабаб бўлади.

Фикримизча, мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатда ҳуқуқий жиҳатдан ўз ечимини топиб, тегишли қонун ҳужжатларида янги нормалар билан бойитилишига доир энг муҳим масалалар учинчи бандда акс этган. Уларни ҳал этиш муддати ҳам белгиланган. Яъни 2017 йил 1 апрелгача Жиноят, Жиноят-процессуал, Фуқаролик-процессуал, Хўжалик-процессуал кодекслар, шунингдек, «Судлар тўғрисида»ги ҳамда бошқа бир қатор қонунларга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш орқали Фармон талабларини бажариш чоралари кўрилади. Жумладан, жиноят содир этишда гумон қилинган шахсларни ушлаб туриш муддатини (72 соатдан 48 соатгача) қисқартириш; қамоққа олиш ва уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораларига мутаносиб равишда дастлабки терговнинг энг кўп муддатини камайтириш (1 йилдан 7 ойгача); тергов ҳаракатлари сирасига киритилган почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш ва эксгумация қилиш учун судлар томонидан санкция бериш; қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш рад этилганда суд томонидан бошқа муқобил эҳтиёт чорасини қўллаш; суд томонидан жиноят ишини қўшимча терговга қайтариш институтини бекор қилиш, яъни Жиноят-процессуал кодекснинг Умумий қисми билан боғлиқ бешта институтни такомиллаштириш юзасидан пишиқ-пухта қонун лойиҳаси қабул қилинади. Фикримизча, Фармонда санаб ўтилган ва ЖПКдан ўрин олиши лозим бўлган

масалаларни ҳал этиш қонун ҳужжатларидаги нормаларнинг ўзаро боғлиқ, мутаносиб ва мувофиқлигини ҳисобга олишни тақозо этади. Зеро, ЖПКнинг Умумий қисмидаги нормаларни янги тахрирда баён этиш ёки қўшимча киритиш тарзида ифодаланиши айни пайтда Махсус қисмдаги ишни судга қадар юритиш ёки судда юритишга оид тартиб-таомиллар билан узвийдир. Шу боисдан ҳам Фармоннинг бешинчи бандида «қонун ҳужжатлари лойиҳаларини жамоатчилик ўртасида, шу жумладан давра суҳбатлари, семинар ва конференциялар ўтказиш орқали кенг муҳокама қилишни ташкил этиш» назарда тутилган. Айнан шундай ёндашув Фармоннинг ижроси бекаму кўст таъминланишида ёрдам беришига ишончимиз комил.

Мазкур Фармон Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 110-моддаси талабини тўлиқ амалга оширишга йўналтирилгани билан аҳамиятлидир. Яъни Олий суд таркибида фуқаролик, жиноят судлари билан бир қаторда маъмурий судларнинг ташкил этилаётгани 2000 йилда асос солинган судларнинг ихтисослашувини янада кучайтиради. Маъмурий судларнинг Ўзбекистонда ташкил этилиши суд ҳокимиятининг тармоқларга бўлинишини таъминлаши билан бирга, жаҳондаги кўпчилик ривожланган давлатлар сингари маъмурий судларнинг алоҳида фаолият кўрсатишига имкон беради. Бу одил судловга эришиш даражасини янада мукаммаллаштиради. Шу билан бирга, Фармонда фуқаролик ва хўжалик судлари фаолиятида ҳам инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, юридик шахсларнинг қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини назарда тутувчи қатор муаммолар ҳуқуқий ечимини топган.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур Фармонида белгилаган вазифалар асосида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш йўналишидаги ҳуқуқий ечимини топиши зарур бўлган қатор муҳим ва долзарб масалалар бўйича қонунларнинг қабул қилиниши аҳолининг Ўзбекистонда амалга оширилаётган оқилона сиёсатга ишончини орттириши баробарида, ҳокимият тизимида суднинг мустақилигини янада мустаҳкамлайди ва одил судлов даражасини халқаро талаблар билан уйғунлаштириб, дунёвий, демократик ҳуқуқий давлат куриш ҳамда фуқаролик жамиятини тўла-тўқис барпо этишимизга беназир хизмат қилади.

Л. Ю. Югай,
*старший преподаватель кафедры криминалистических
экспертиз Академии МВД Республики Узбекистан;*
А. Б. Бабамурадов, А. Д. Хусанов,
*преподаватели кафедры криминалистических
экспертиз Академии МВД Республики Узбекистан*

ОСНОВАНИЯ ДЛЯ ПРОИЗВОДСТВА СУДЕБНОЙ ЭКСПЕРТИЗЫ ПО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВУ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Аннотация. В статье анализируются актуальные вопросы назначения судебной экспертизы, характеризуются особенности производства судебной экспертизы и получения образцов для экспертного исследования в свете действующего законодательства, освещены особенности назначения судебной экспертизы в уголовном, административном, гражданском и хозяйственном судопроизводстве на отдельных этапах.

Ключевые слова: судебная экспертиза, специальные познания, постановление (определение) о назначении судебной экспертизы, объекты, предоставляемые на экспертное исследование.

Югай Л. Ю., Бабамурадов А. Б., Хусанов А. Д. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари бўйича суд экспертизасини ўтказиш асослари

Аннотация. Мақолада суд экспертизасини тайинлашнинг долзарб масалалари, суд иш юритувини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда амалдаги қонунчиликка мувофиқ экспертлик текширувини ўтказиш учун намуналар олиш таҳлил ва тавсиф қилинади, шунингдек жиноят, маъмурий, фуқаролик ва ҳўжалик суд иш юритувининг алоҳида босқичларида суд экспертизасини тайинлаш хусусиятлари ёритилади.

Таянч тушунчалар: суд экспертизаси, махсус билимлар, суд экспертизасини тайинлаш тўғрисидаги қарор (ажрим), эксперт текширувига тақдим этиладиган объектлар.

Yugay L. Y., Babamuradov A. B., Khusanov A. D. Bases for conducting of forensic examination by the legislation of Republic of Uzbekistan

Annotation. The article deals with topical questions of appointment of judicial examination, features of conducting of forensic examination and reception of samples for expert research in the light of the current legislation, features of appointment of forensic examination in criminal, administrative, civil and economic legal proceedings at separate stages.

Key words: forensic examination, special knowledge, decision (definition) about appointment of forensic examination, objects given for expert research.

Как известно, результаты судебных экспертиз являются одними из наиболее эффективных доказательств. Своевременно назначенные экспертизы и полученные следователем грамотные и объективные выводы экспертов значительно сокращают сроки следствия. Судебная экспертиза основывается на применении специальных знаний в различных областях науки и техники, искусства и ремесла и назначается в уголовном, гражданском, хозяйственном и административном процессе для установ-

ления фактических данных, имеющих значение для дела.

Материальным основанием назначения и производства судебной экспертизы является необходимость использования для установления обстоятельств, имеющих значение для дела, специальных познаний в области техники, науки, искусства или ремесла. Специальными признаются познания, выходящие за рамки общеобразовательной подготовки и простого житейского опыта, приобретаемые в процессе

профессиональной деятельности в той или иной области науки, техники, искусства и ремесла, основанные на теоретических, базовых положениях соответствующих областей знаний и подкрепленные полученными в ходе специального обучения и практической деятельности навыками.

Процессуальным основанием назначения и производства судебной экспертизы выступают постановления дознавателя, следователя, прокурора или судьи, определение суда.

Основания производства судебных экспертиз по уголовным, административным, хозяйственным и гражданским делам закреплены отраслевыми кодексами (УПК, ГПК, ХПК, КоАО Республики Узбекистан), Законом Республики Узбекистан «О судебной экспертизе» от 1 июня 2010 г., Постановлением Кабинета Министров № 5 «Об утверждении Типового положения о порядке проведения судебной экспертизы государственным судебно-экспертным учреждением или иным предприятием, учреждением, организацией» от 5 января 2011 г. и ведомственными нормативными актами.

Понятие «производство судебной экспертизы» характеризуется, с одной стороны, как совокупность процессуальных действий, совершаемых в целях получения заключения эксперта как одного из источников доказательств. Данное процессуальное действия состоит из назначения экспертизы, подготовки материалов и направления их в судебно-экспертное учреждение или эксперту для исследования. С другой стороны, это исследовательская деятельность эксперта (комиссии экспертов), состоящая в решении задач, поставленных перед экспертом в постановлении (определении) о назначении экспертизы, завершающаяся формулировкой выводов и составлением заключения.

Судебная экспертиза считается назначенной со дня вынесения соответствующего постановления или определения.

По гражданским и хозяйственным делам экспертиза назначается судом (ст. ст. 84 ГПК, 64 ХПК). В п. 7 ст. 160 ГПК, а также п. 6

Постановления Пленума Верховного суда № 24 от 12 декабря 2008 г. «О некоторых вопросах, возникающих в судебной практике в связи с назначением, производством судебной экспертизы и оценкой заключения эксперта по гражданским делам» указано, что экспертиза может быть назначена не только в процессе рассмотрения дела, но и в порядке подготовки дела к судебному разбирательству, во всех случаях, когда необходимость экспертного заключения явствует из обстоятельств дела и представленных доказательств.

В гражданском процессе экспертиза может быть назначена как по инициативе суда, так и по ходатайству лиц, участвующих в деле. Практика идет по пути предпочтительного назначения экспертизы до начала рассмотрения дела судом, чтобы не прерывать затем судебное заседание на время производства экспертизы.

Решение о назначении экспертизы принимается судом с учетом ее необходимости и целесообразности. Однако по делам о признании гражданина недееспособным, ограниченно дееспособным и о восстановлении гражданина в дееспособности судебно-психиатрическая экспертиза предусматривает обязательное ее проведение (ст. ст. 293, 296 ГПК).

Суд апелляционной либо кассационной инстанции в гражданском процессе по ходатайству сторон либо по собственной инициативе вправе назначить соответствующую экспертизу как в случаях, когда ее проведение возможно по имеющимся в деле и дополнительно представленным сторонами материалам, так и в случаях, когда при рассмотрении дела в апелляционном либо в кассационном порядке будет установлено, что экспертное исследование необходимо, но для его производства требуется исследование новых обстоятельств и доказательств.

В соответствии с действующим Хозяйственным процессуальным кодексом Республики Узбекистан в хозяйственном процессе экспертиза назначается только по ходатайству

лиц, участвующих в деле. Без заявления ходатайства со стороны этих лиц суд не правомочен назначать экспертизу (ст. 67 ХПК).

В гражданском и хозяйственном процессе лица, участвующие в деле, вправе представить суду вопросы, которые должны быть разъяснены экспертами. Постановка вопросов является правом, но не обязанностью сторон. Окончательное определение задания (круга вопросов) эксперту принадлежит суду (ст. 85 ГПК, 67 ХПК).

При решении вопроса о назначении экспертизы во всех случаях должно быть учтено, что наличие в деле заключений ведомственных инспекций, актов ревизий и проверок, консультаций специалистов не исключает назначения экспертизы по тем же вопросам.

В административном процессе экспертиза может быть назначена органом (должностным лицом), в производстве которого находится дело об административном правонарушении, в случаях, когда возникает необходимость в специальных знаниях (ч. 3 ст. 299 КоАО). Данные органы (должностные лица) указаны в ст.ст. 245–268² КоАО.

В уголовном процессе назначение экспертизы может иметь место как до возбуждения уголовного дела, в стадии предварительного расследования дела, так и в стадии судебного следствия. Следователь, дознаватель и прокурор назначают экспертизу при производстве предварительного расследования вынесением постановления о назначении экспертизы, а суд — определением (ст. ст. 172, 180, 446 УПК).

Назначение экспертизы в гражданском и хозяйственном процессах оформляется определением суда (судьи).

Определение суда о назначении экспертизы по гражданскому, хозяйственному или административному делу по существу не отличается от определения суда или постановления следователя по уголовным делам. В определении о назначении экспертизы в гражданском или хозяйственном процессе должны быть приведены оставленные судом вопросы и фамилия

лица, которому поручается экспертиза. Отклонение предложенных вопросов суд обязан мотивировать.

В постановлении (определении) о назначении экспертизы должно быть указано время и место вынесения постановления (определения), орган (лицо), назначивший экспертизу, основания для назначения судебной экспертизы, вещественные доказательства или другие объекты, направляемые на экспертизу, с указанием, где, когда они обнаружены и изъяты, а при проведении экспертизы по материалам дела — сведения, на которых должны основываться выводы эксперта; вопросы, поставленные перед экспертом; наименование экспертного учреждения или фамилия лица, которому поручена экспертиза.

Во избежание подлога документов не допускается представление факсимильных экземпляров и светокopies постановлений (определений) о назначении экспертизы.

При поручении производства двум и более экспертным учреждениям в постановлении (определении) о назначении экспертизы указывается, экспертами каких специальностей должна проводиться данная экспертиза, на какое экспертное учреждение возлагается организация деятельности комиссии экспертов и в какое экспертное учреждение направлены исследуемые объекты и иные материалы.

Вынесение постановления следователя или определения суда о назначении экспертизы является началом правоотношений, возникающих в связи с производством экспертизы. Так, в уголовном процессе подозреваемый, обвиняемый, подсудимый имеют право: знакомиться с постановлением о назначении экспертизы и требовать от следователя разъяснить его права, возникающие при назначении экспертизы, о чем составляется протокол или делается запись в протоколе судебного заседания; заявить отвод эксперту; просить о назначении эксперта из числа названных лиц; поставить перед экспертом дополнительные вопросы для получения по ним заключения;

представлять дополнительные материалы; присутствовать с разрешения органа (лица), назначившего экспертизу, при производстве экспертизы, требовать разъяснения примененных им методов исследования и полученных результатов, давать пояснения эксперту; знакомиться с заключением эксперта и заявлять ходатайства о дополнительной и повторной экспертизе (ст. 179 УПК).

При ознакомлении с постановлением о назначении экспертизы обвиняемого, не владеющего языком, на котором составлен этот документ, следователь обязан обеспечить участие в этом действии переводчика (ст. 20 УПК).

В гражданском и хозяйственном судопроизводстве суд оповещает остальных участников о вынесенном ходатайстве о назначении экспертизы, разъясняет им их право постановки своих вопросов в письменной форме, обязывает представить в суд необходимые для производства экспертизы материалы.

Постановление (определение) о назначении экспертизы является единственным основанием для принятия к производству материалов судебной экспертизы в государственном экспертном учреждении и поручения руководителем этого учреждения ее производства конкретному эксперту (или комиссии экспертов). При наличии других документов (например, сопроводительного письма) без соответствующего постановления или определения судебная экспертиза не может производиться, а материалы подлежат возврату.

Законодательство закрепляет исключительное право лица или органа, назначающего экспертизу, на определение круга объектов, подлежащих экспертному исследованию, и его обязанность по сбору, подготовке и направлению этих объектов на экспертизу. Именно лицо или орган, назначившие судебную экспертизу, обязаны представлять эксперту все материалы дела (вещественные доказательства, документы, иные сведения, а в необходимых случаях и образцы для сравни-

тельного исследования), исследование которых позволит эксперту ответить на поставленные перед ним вопросы.

Лицо или орган, назначающие экспертизу, определяют перечень материалов, направляемых эксперту, исходя из конкретных обстоятельств дела. Ответственность за достоверность представленных эксперту на исследование объектов исследования, сравнительных материалов несет орган (лицо), назначивший экспертизу.

Процессуальное законодательство не разъясняет, что следует понимать под такими материалами.

В соответствии со ст. 9 Закона «О судебной экспертизе» от 1 июня 2010 г. под понятие объекта в первую очередь подпадают собственно исследуемые объекты (вещественные доказательства), образцы для сравнительного исследования, а также материалы, относящиеся к предмету экспертизы. О праве эксперта знакомиться с материалами, относящимися к предмету экспертизы, говорится в ст. 87 ГПК, 299 КоАО, 47 ХПК, 68 УПК.

Орган (лицо), назначивший экспертизу, обязан собрать и представить материалы для экспертного исследования (посылать запросы в различные учреждения, отбирать образцы у лиц и т. п.). Гарантией соблюдения этой нормы является предусмотренный запрет эксперту самостоятельно собирать материалы для производства судебной экспертизы в соответствии со ст. 16 Закона «О судебной экспертизе». В случае самостоятельного сбора экспертом экспертных материалов он может вступить в личные контакты с участниками процесса, что в последующем может поставить под сомнение его незаинтересованность в исходе дела и объективность проведенных исследований. Эксперт, помимо участия в следственных (судебных) действиях, не должен вступать в какие-либо контакты с обвиняемым, потерпевшим, свидетелем, гражданским истцом или ответчиком (их представителями) по делу.

В случае необходимости лицом или органом, назначающим экспертизу, может быть получена консультация сведущего лица. Определенную помощь в определении вида экспертного исследования, формулировке вопросов, подборе материалов для исследования может оказать справочная литература.

Для отбора материалов следователь или судья вправе привлечь специалиста или эксперта. Если эксперт заявляет ходатайство о представлении более качественных или дополнительных материалов, следователь или суд должны принять меры к его удовлетворению.

В числе объектов исследования, указанных в постановлении, эксперту могут быть направлены образцы для сравнительного исследования. Получение образцов для сравнительного исследования в уголовном процессе является отдельным следственным действием (ст. ст. 188–197 УПК). В административном, гражданском и хозяйственном процессуальных кодексах отсутствует норма, регламентирующая получение образцов для сравнительного исследования. Поэтому в судебной практике при получении образцов орган (лицо), назначающий экспертизу, руководствуется общими положениями о порядке истребования и представления доказательств.

В уголовном процессе в соответствии со ст. 189 УПК дознаватель, следователь или суд с участием врача, иного специалиста имеют право получить образцы для экспертного исследования. В последнем случае — если возникает необходимость проверить, не оставлены ли ими следы в определенном месте или на вещественных доказательствах. О получении образцов дознаватель, следователь выносят постановление, суд — определение.

Часть 3 ст. 17 Закона «О судебной экспертизе» восполняет пробел в административном, гражданском и хозяйственном законодательстве, предусматривая получение образцов для сравнительного исследования органом или лицом, назначающим экспертизу. При этом должно быть обеспечено соблюдение законных прав и

интересов лиц, у которых они изымаются, в частности, не должны применяться методы, опасные для жизни и здоровья человека или унижающие его честь и достоинство. Получение образцов для экспертного исследования оформляется протоколом в соответствии с процессуальными законодательством.

Постановление следователя или дознавателя о получении образцов обязательно для исполнения лицами, в отношении которых оно вынесено (ст. 36 УПК), что должно быть им разъяснено. В случае неявки этих лиц к следователю для отбора образцов они могут быть доставлены приводом (ст. 192 УПК), если применяемые при этом методы безболезненны и не опасны для жизни и здоровья человека.

В отдельных случаях образцы для сравнительного исследования получает сам эксперт. Это возможно только при условии, что получение образцов является частью экспертного исследования (ст. 195 УПК). Данное положение касается получения образцов, необходимых для сравнения со следами, оставленными теми или иными предметами.

Имеются случаи, когда образцы отпечатков пальцев или черт внешности по тем или иным причинам изъяты быть не могут (лицо находится в розыске или отъезде и т. д.). В таких случаях по уголовным делам могут использоваться, по запросу уполномоченных органов, образцы отпечатков пальцев или черт внешности лица, полученные в ИЦ МВД Республики Узбекистан, если данное лицо находилось на учете, или образцы, полученные в соответствии с указами Президента Республики Узбекистан от 23 июня 2009 г. № УП-4117 «О мерах по дальнейшему совершенствованию паспортной системы в Республике Узбекистан» и от 5 января 2011 г. № УП-4262 «О дополнительных мерах по совершенствованию паспортной системы в Республике Узбекистан».

Автоматизированная дактилоскопическая идентификационная система (АДИС) содержит отпечатки пальцев и оттиски

ладоней рук. Автоматизированная система идентификации личности (АСИЛ) содержит фотоизображения лиц. АДИС и АСИЛ помимо лиц, состоящих на учете по уголовным делам, содержат соответствующие данные лиц, получивших биометрический паспорт гражданина Республики Узбекистан или биометрический проездной документ лица без гражданства. Хочется отметить, что подобный охват регистрации практически всего населения страны имеется только в нашей стране. Вышеуказанное, несомненно, положительно сказывается на раскрываемости и профилактике преступлений.

Анализ научной литературы в сфере судебно-экспертной деятельности, а также экспертной и следственной практики назначения и производства судебных экспертиз показывает, что до недавнего времени основная масса судебных экспертиз назначалась лишь по уголовным делам. В гражданском судопроизводстве судебные экспертизы назначались редко. Почти не применялось назначение экспертиз в хозяйственном процессе и в административном производстве.

Данное положение было обусловлено рядом причин. Во-первых, существовавшая

ранее система экспертных учреждений была ориентирована в основном на уголовное судопроизводство. Во-вторых, были востребованы практикой и, соответственно, быстрее развивались криминалистические экспертизы: баллистическая, трасологическая, дактилоскопическая и др. По гражданским делам назначались только почерковедческие и технико-криминалистические экспертизы документов, а также судебно-психиатрические экспертизы. В-третьих, в административном судопроизводстве отношения в сфере судебной экспертизы в достаточной мере не регламентированы.

Тенденция к расширению сферы использования судебной экспертизы в различных видах судопроизводства в первую очередь обусловлена тем, что интеграция и дифференциация научного знания в данной сфере обуславливают возможность использования в доказывании все новых и новых достижений современной науки. Вышеуказанное, несомненно, способствует успешной реализации в полном объеме целей и задач правового государства, защите прав и интересов личности, совершенствованию деятельности правоохранительных органов.

О. Файзиев,
Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги бўлим бошлиғи

ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРЛАРНИНГ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛМАГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ АМАЛГА КИРИТГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

Аннотация. Мақолада вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг давлат рўйхатидан ўтказилмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини амалга киритганлик учун жавобгарлик масалалари таҳлил қилинган. Алоҳида эътибор ушбу турдаги ҳуқуқбузарликлар учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигига қаратилган. Шунингдек, давлат рўйхатидан ўтказилмаган умуммажбурий тусдаги ҳужжатларнинг пайдо бўлишига олиб келадиган омиллар ҳусусида фикр юритилган.

Таянч тушунчалар: маъмурий жавобгарлик, давлат рўйхати, мансабдор шахс, ҳуқуқий экспертиза.

Файзиев О. Ответственность за введение в действие нормативно-правовых актов министерств, государственных комитетов и ведомств, не прошедших государственную регистрацию

Аннотация. В статье проведен анализ ответственности должностных лиц за введение в действие министерствами, государственными комитетами и ведомствами нормативно-правовых актов, не прошедших государственную регистрацию. Особое внимание уделено выявлению факторов, которые приводят к возникновению правонарушений данной категории.

Ключевые слова: административная ответственность, государственная регистрация, должностное лицо, правовая экспертиза.

Fayziev O. Responsibility for introduction of normative-and-legal acts of ministries, state committees and departments which have not passed state registration

Annotation. The article analyses the responsibility of officials for introduction by the ministries, the state committees and departments of the normative legal acts which have not passed the state registration. The special attention is paid to identification of factors which lead to emergence of offenses of this category.

Keywords: administrative responsibility, state registration, official, legal examination.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат, аввало, жамият аъзоларининг эркини ўзида ифода этувчи ҳужжатдир. Бу тушунча норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг умумий мажбурий эканлиги, унга барча бўйсунуши, итоат этиши ва амал қилиши зарурлигини ифода этади¹. Шу туфайли қонунийлик барча масъул субъектлардан қонунларни тўлиқ ижро этишни талаб этади. Бу қонунийликнинг асосий мазмуни ва белгиси ҳисобланади. Демак, норматив-ҳуқуқий ҳужжат талаби мансабдор шахс учун ҳам, оддий фуқаро учун ҳам, давлат хизматчиси учун ҳам, ишчи, тадбиркор учун ҳам бир хилда амал

қилади ва улар белгиланган талабларга риоя этишга мажбурдирлар².

Қонун талабининг мажбурийлиги муайян механизмлар билан таъминланади, яъни қонун талабини бажармаслик тегишли ҳуқуқий оқибат юзага келтиради. Шундай ҳуқуқий оқибатлардан бири қонун талабини бажармаганлик учун жавобгарлик юзага келиши механизmidир. Жумладан, қуйида биз вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказмасдан амалга киритганлик учун жавобгарлик масаласини кўриб чиқамиз.

«Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонуннинг 27-моддасига кўра³, вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралар норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида уларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этади. Уларнинг давлат рўйхатидан ўтказилмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари тегишли ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин эмас ва ҳуқуқий оқибатларга олиб келмайди.

2012 йилда янги таҳрирда қабул қилинган мазкур қонунда вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг мансабдор шахслари давлат рўйхатидан ўтказилмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни амалга киритганлик учун маъмурий жавобгарликка тортилиши ҳақидаги норма белгилаб қўйилди.

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги қонуни билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, давлат рўйхатидан ўтказилмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни амалга киритганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланди. Яъни, қайд этилган қонун талабини амалга ошириш мақсадида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга «Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг давлат рўйхатидан ўтказилмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини амалга киритиш» деб номланган янги 198³-модда киритилди.

Ушбу модда икки қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи қисмига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг мансабдор шахслари томонидан амалга киритиш — энг кам иш ҳақининг етти бараваридан ўн бараваригача

миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, мазкур модданинг иккинчи қисмига мувофиқ энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Шунингдек, мазкур модданинг киритилиши муносабати билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 245 ва 245³-моддаларига ҳам ўзгартиришлар киритилди. Ушбу кодекснинг 245³-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг мансабдор шахслари томонидан амалга киритилганлиги аниқланган тақдирда адлия органларининг мансабдор шахслари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузадилар. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 245-моддасида ушбу турдаги ҳуқуқбузарликлар бўйича ишларни кўриб чиқиш маъмурий ишлар бўйича судьяларга тааллуқли деб белгиланганлиги сабабли, тузилган баённома, мазкур Кодекснинг 282-моддасига мувофиқ, бошқа ҳужжатлар билан бирга ҳуқуқбузарлик содир этилган ёки аниқланган пайтдан бошлаб бир суткадан кечиктирмай судга юборилади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 304-моддасига асосан, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш шу ҳуқуқбузарлик содир этилган жойда, яъни тегишли вазирлик ёки идора жойлашган жойдаги судда кўриб чиқилади.

Айтиш жоизки, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказиш амалиёти жорий этилгандан кейин йигирма йилдан ортиқ вақт ўтган бўлса-да, олиб борилаётган барча саъй-ҳаракатлар — вазирлик ва идораларда ўтказилаётган ўрганишлар, семинарлар, матбуот анжуманлари ва оммавий ахборот воситалари орқали олиб борилаётган тушунтириш ишларига

қарамасдан умуммажбурий тусдаги кўрсатмалар мавжуд бўлган ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказмаган ҳолда амалга кири-тиш ҳолатлари, афеуски, ҳали-ҳануз учраб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Конституция-сининг 15-моддасига кўра, давлат органи ва мансабдор шахслар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўришлари лозим. Вазирлик ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозимлиги «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонунда белгиланган. Шунга кўра, юқорида кўрсатилган ҳар бир ҳолат конституциявий нормани бузиш, деб баҳоланиши лозим.

Қайд этиш жоизки, вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини амалга киритиш амалиётда бюрократик тўсиқлар мавжуд бўлишига, давлат органи фаолиятида коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этилиши учун шароит яратилишига, тadbиркорлар учун қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган рухсат бериш тартиб-таомиллари амал қилишига, улар зиммасига ғайриқонуний равишда қўшимча мажбуриятлар юкланишига ҳамда бошқа салбий ҳолатлар юзага келишига сабаб бўлиши мумкин.

Шу нуқтаи назардан, давлат рўйхатидан ўтказилмаган умуммажбурий тусдаги ҳужжатнинг ижрога қаратилиши натижасида фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонуний манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилганлиги аниқланган тақдирда бундай ҳаракатлар ҳуқуқни қўллаш субъектлари томонидан Жиноят кодексининг 206-моддасига мувофиқ ҳокимият ёки мансаб ваколоти доирасидан четга чиқиш деб квалификация қилиниши мумкин.

Шу ўринда мазкур ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортилиши лозим бўлган

мансабдор шахслар масаласига алоҳида тўхтатилиб ўтиш лозим.

Мансабдор шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги ҳақидаги умумий қоида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 15-моддасида белгиланган бўлиб, унга кўра мансабдор шахслар бошқарув тартибини, давлат ва жамоат тартибини сақлаш, табиий муҳитни, аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш соҳасида белгиланган қоидаларга ва бажарилишини таъминлаш ўз хизмат вазифаларига кирадиган бошқа қоидаларга риоя этмаганлик билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганликлари учун маъмурий жавобгарликка тортилишлари лозим. Мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхона, муассаса, ташкилотда муайян мансабни эгаллаб турган шахс, башарти унга раҳбарлик, ташкилий, фармойиш бериш, текширув-назорат вазифалари ёки моддий бойликлар ҳаракати билан боғлиқ вазифалар юклатилган бўлса, мансабдор шахс ҳисобланади.

«Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонуннинг 12-моддасига мувофиқ, вазирлик ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари вазирлар ёки идора номидан қарорлар қабул қилиш якка тартибда амалга ошириладиган идоралар раҳбарлари томонидан — буйруқлар шаклида, давлат кўмиталари ёки идора номидан қарорлар қабул қилишни мазкур идоранинг коллегиял органи амалга оширадиган идоралар томонидан — қарорлар шаклида қабул қилинади. Бу ҳолда шунга эътибор қаратиш лозимки, норматив-ҳуқуқий ҳужжатни амалга киритган шахсгина маъмурий ҳуқуқбузарлик субъекти ҳисобланади.

Юқоридагиларга асосан, айтиш мумкин-ки, киритилган янги моддага кўра, умуммажбурий нормаларга эга бўлган ва давлат рўйхатидан ўтказилмаган ҳужжатни имзолаган мансабдор шахслар киритилган 198³-моддага мувофиқ жавобгарликка тортилади.

Бу каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида вазирлик ва идоранинг ҳуқуқ ижодкорлиги ҳамда ҳуқуқни қўллаш билан боғлиқ ҳужжатларини амалга киритишда

юримдик хизматнинг масъулияти оширилиши, бу жараён билан боғлиқ ҳар бир ҳужжатда умуммажбурий тусдаги кўрсатма мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги аниқланиши, қонун ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан чуқур ўрганилиши шарт.

Вазирлик ва идораларнинг ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган ҳужжатлар тоифасига киритиш ҳақида қарорлар қабул қилиш ваколатига фақат Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги эга. Шу сабабли, муайян ҳужжатнинг давлат рўйхатидан ўтказилиши зарурлиги ёки зарур эмаслиги ҳақида шубҳа пайдо бўлган тақдирда ушбу масала юзасидан Адлия вазирлигига мурожаат қилиш мақсадга мувофиқ.

Ҳуқуқшуносликда «ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳақиқий юриспруденциядир» ёки тиббиёт илмида «касалликни даволагандан кўра олдини олиш осонроқ» деган ибратли нақллар бор. Шу сабабли, давлат рўйхатидан ўтказилмаган умуммажбурий тусдаги ҳужжатларнинг пайдо бўлишига қандай омиллар сабаб бўлмоқда, деган саволга ҳам жавоб бериб ўтиш ўринли бўлади. Бугунга қадар аниқланган ҳолатларни таҳлил қилиш асосида бу каби ҳужжатлар, аксарият ҳолатларда қуйидагилар туфайли пайдо бўлмоқда, деб ҳисоблаш мумкин:

биринчидан, ишлаб чиқилиши Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларида, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида назарда тутилган ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этмасдан ижрога қаратиш. Бундай ҳолат норматив-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқиш ҳақидаги топшириқларга расмийлик билан ёндашиш натижаси бўлиб, нафақат ноқонуний ҳужжатларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади, қолаверса, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибини кўпол равишда бузиш ҳисобланади;

иккинчидан, муайян вазирлик ёки идора томонидан унинг ҳудудий бўлинмаларига, тасарруфидаги ташкилотларга хат, модем-нома, кўрсатма, топшириқ, эслатма каби шаклларда жўнатиладиган ҳужжатлар ушбу турдаги ҳужжатларнинг навбатдаги турини ташкил қилади. Ушбу ҳужжатлар вазирлик ёки идоранинг қуйи тизимидаги ташкилотлар учун мажбурий ҳисобланади. Қуйи тизимда меҳнат қилувчи ходим уларга асосланган ҳолда қонун ҳужжатларига зид қарор чиқариши натижасида ўзи хоҳламаган ҳолда юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига зарар етказиши мумкин. Маълумки, Фуқаролик кодексининг 990-моддасига мувофиқ, давлат органларининг қонунга хилоф қарорлари натижасида фуқарога ёки юридик шахсга етказилган зарар, улар мансабдор шахсларининг айбидан қатъи назар, суднинг қарори асосида қопланиши лозим;

учинчидан, қонун ҳужжатлари нормалари юзасидан тушунтиришлар, шарҳлар ёки уларни қўллаш бўйича кўрсатмалар қабул қилиниши оқибатида уларнинг нормаларини нотўғри талқин қилиш, уларда назарда тутилмаган янги нормаларни қўшиб юбориш. Таъкидлаш жоизки, қонун ҳужжатлари нормалари бўйича шарҳлар, тушунтиришлар, изоҳлар беришга чуқур масъулият билан ёндашиш лозим. «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонуннинг 43-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари нормаларига Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди, қонун ости ҳужжатлари нормаларига расмий шарҳни уларни қабул қилган органлар беради. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сонли «Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга расмий шарҳ бериш тўғрисидаги буйруқ ёки қарор фақат у Адлия вазирлиги билан келишилгандан кейин бажариш учун юборилиши лозим;

тўртинчидан, айрим ижтимоий муносабатлар қонун ҳужжатларида алоҳида тартибга солинмаган ҳолларда уларни умуммажбурий тусдаги ҳужжатни ишлаб чиқиш ҳамда амалга киритиш орқали тартибга солишга уриниш. Аслида эса, бундай ҳолатда мавжуд муаммони ҳал қилиш учун Вазирлар Маҳкамасига ёки бошқа юқори турувчи органга асослантирилган тарзда мурожаат қилиш, зарур ҳолларда, қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш зарур.

Бундан ташқари, баъзан ички ҳужжат бўлган таркибий бўлинмалар тўғрисидаги низомларда, вазирлик ва идораларда ўтказилган Ҳайъат йиғилишлари ва мажлисларнинг баёнларида, бошқа вазирлик ва идоралар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш мақсадида қўшма қарорлар тарзида қабул қилинган ҳужжатларда, шунингдек турли ташкилотларнинг мурожаатларига берилган жавоб хатларида ҳам умуммажбурий тусдаги нормаларнинг мавжуд бўлиш ҳолатлари ҳам йўқ эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрдаги 335⁸-сонли

Фармонига мувофиқ республика давлат бошқаруви органларининг асосий вазифалари ва функцияларидан бири сифатида тегишли ҳуқуқий муҳитни яратиш, лицензиялаш, сертификатлаштириш ва стандартлаштириш орқали хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш белгиланган. Шунга кўра, ҳуқуқий жиҳатдан тўлиқ тартибга солинмаган ижтимоий муносабатларни хат ва бошқа шаклдаги кўрсатмаларга умуммажбурий нормаларни киритиш орқали бошқаришга уриниш ҳолатларига мутлақо йўл қўйиш мумкин эмас.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, барча масъул шахслар ўз иш фаолиятида юқорида қайд этилган ҳолатларга эътибор қаратиши лозим. Зеро, давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказмасдан амалга киритиш ҳолатларига йўл қўймаслик мамлакатимизда қонун устуворлигини янада мустаҳкамлаш, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари кафолатларини янада кучайтиришда улкан аҳамият касб этади.

¹ *Таджиханов Б. У.* Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимида демократик ислохотлар. — Т., 2005. — Б. 5.

² *Каримов И. А.* Ўзбекистон — сиёсий ва ҳуқуқий ислохотлар сари. — Т., 1996. — Б. 82-83.

³ Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2012. — № 52. — 583-м.

А. А. Мирзаев,

*и. о. профессора кафедры уголовного права Академии
МВД Республики Узбекистан, доктор юридических наук*

К ВОПРОСУ О ПРОФИЛАКТИКЕ ПРЕСТУПНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

Аннотация. В статье рассматривается профилактическая деятельность, направленная на устранение или ограничение причин и условий совершения преступлений.

Ключевые слова: уголовное право, криминология, профилактическая деятельность, участники уголовного процесса.

Мирзаев А. А. Жиноий фаолият профилактикасига доир

Аннотация. Мақолада жиноят сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этишга қаратилган профилактика фаолияти кўриб чиқилган.

Таянч тушунчалар: жиноят ҳуқуқи, криминология профилактика фаолияти, жиноят процесси иштирокчилари.

Mirzayev A. A. Towards the question of prevention of criminal activity

Annotation. The article deals with the preventive activity directed to elimination or restriction of the reasons and conditions for commission of crimes.

Key words: criminal law, criminology, preventive activity, participants of criminal procedure.

Возникновение, существование и изменение такого сложного социального феномена, как преступность, явилось результатом действия многообразного и многоуровневого комплекса факторов — социальных явлений, процессов, ситуаций, обстоятельств. Преступность производна от жизни общества и одновременно является ее составной частью. Однако подобная формула слишком общая и нуждается в раскрытии и конкретизации, чтобы быть понятной и убедительной, чтобы дать всестороннее представление о глубинных закономерностях преступности, ее природе, корнях и истоках.

Исследование такого сложного феномена, как причины преступности, это задача, которая может быть решена только усилиями всей системы научного общественно-знания при ведущей роли криминологов. В

этой связи В. В. Панкратов справедливо подчеркивал, что «причинное объяснение преступности с помощью законов науки — социологических, социально-психологических и собственно криминологических — гораздо более высокий уровень научного объяснения по сравнению с объяснением на основе статистических совпадений»¹.

Причинный комплекс преступности как жизненная социальная реальность всегда конкретен, и его особенности должны быть осмыслены применительно к конкретно-историческому этапу развития общества, а также к особенностям конкретного региона или определенной группе лиц, видам преступности и т. д. Само понятие «причинный комплекс» подводит к уяснению важнейших моментов детерминации преступности. Как преступность, так и отдельное преступление могут возникнуть

лишь при наличии комплекса, совокупности причин и условий.

Процесс такого их взаимодействия рождает противоречия, которые представляют собой столкновение факторов (явлений, ситуаций). Этот конфликт при достаточной степени остроты может перерасти в преступление. Оно есть, по сути, специфическая форма взаимодействия, о которой идет речь. Таким образом, преступность порождает не сами по себе конкретные негативные явления, а противоречия, возникающие на их базе и перерастающие в конфликт между личностью либо определенными категориями людей и обществом².

Преступность как социальное явление в лице значительной части ее «представителей» активно влияет на состояние и характер деятельности различных сфер жизни и структур общества с целью создания ситуаций, наиболее благоприятных для реализации криминальных планов, для обеспечения собственной безопасности, противодействия правоохранительным органам и т. д.

Современная преступность рассматривается в качестве производного от отрицательных аспектов социальных условий, в качестве следствия негативных явлений объективного и субъективного характера в различных областях и сферах нашей жизни. Важным представляется вопрос предупреждения преступлений, где следует различать три уровня мер:

- 1) общесоциальные меры;
- 2) специально-криминологические меры;
- 3) индивидуальные меры предупреждения.

Первый уровень (общесоциальный) включает решение крупных экономических, социальных, идеологических, политических, культурно-воспитательных, организационно-управленческих и других проблем жизни общества. Их реализация опосредованно воздействует на преступность и на все звенья механизма антиобщественного поведения.

Второй уровень (социально-криминологический) связан с осуществлением различных мероприятий в конкретных социальных группах, коллективах, семье, где складываются конфликтные ситуации, намечаются отрицательные явления.

Третий уровень — это индивидуально-профилактическая деятельность, которая осуществляется в отношении лиц, совершивших антиобщественные действия, как путем ликвидации или нейтрализации негативных разнопорядковых факторов среды жизнедеятельности этих лиц, так и путем воздействия на их сознание.

По нашему мнению, наиболее перспективным является заключительный уровень, поскольку профилактическая деятельность осуществляется правоохранительными органами в многообразных формах, направленных на устранение или ограничение причин и условий совершения преступлений, которые могут иметь как объективный, так и субъективный характер.

К первым криминология относит конкретные недостатки в деятельности государственных и общественных предприятий, учреждений, организаций, отдельных должностных лиц и граждан, облегчающие совершение преступления и способствующие наступлению преступного результата; ко вторым — дефекты нравственного и правового воспитания отдельных граждан. Процессуальными средствами противодействия объективным факторам служат главным образом представления следователей и частные определения судов. Однако основная роль в профилактической деятельности правоохранительных органов принадлежит правовым, организационным и иным средствам воздействия на субъективные и криминогенные факторы.

Анализ правовых институтов и разработка их содержания в Республике Узбекистан осуществляется, как правило, на трех уровнях.

Наиболее общий входит в компетенцию общей теории права и охватывает наиболее

общие признаки правового института как элемента правовой структуры. Затем отраслевые правовые дисциплины конкретизируют этот подход и правовому институту, вырабатывают представление об отличительных признаках и природе институтов уголовного, трудового, гражданского права. И, наконец, внутри отраслевой науки происходит разработка содержания и формы отдельных отраслевых правовых институтов.

На каждом уровне создается возможность более глубокого познания природы регулируемого поведения и получения информации, необходимой для совершенствования закона³.

В случае поступления заявления от процессуальных лиц (их близких либо родственников) об опасности преступного воздействия обвиняемым (подозреваемым) на них в связи с возбуждением уголовного дела, что подтверждается в ходе проверки объективными данными, нами предлагается следующая процессуальная мера. Если санкция статьи, по которой привлекается обвиняемый (подозреваемый), предусматривает лишение свободы, то в таких случаях, по нашему мнению, следователь (дознатель, прокурор, судья) должен принять меры об избрании меры пресечения в отношении лица, совершившего воздействие, в качестве заключения под стражу.

В целях профилактики подобных случаев, в интересах исключения их из практики, предлагается при избрании в отношении обвиняемого меры пресечения подписки о надлежащем поведении выносить обвиняемому предупреждение об изменении меры пресечения в отношении его на заключение под стражу в случае поступления жалоб или информации о попытках антиобщественного воздействия на процессуальных лиц и их близких, независимо от того, по чьей инициативе и от каких конкретных лиц такая угроза исходит.

Мотивируется эта мера тем, что конечная цель таких посягательств —

избежание ответственности за содеянное, месть процессуальным и должностным лицам, содействующим сбору доказательств по делу, либо смягчение меры наказания. Вынесение официального предостережения об изменении меры пресечения также требует нормативного закрепления по уголовному и уголовно-процессуальному законодательству.

При производстве следственных действий по уголовным делам (например, очной ставки) необходимо принимать меры, которые бы исключили возможность ознакомления обвиняемых, подозреваемых (или подсудимых на стадии судебного рассмотрения дела) с неизвестными им установочными данными о свидетелях и потерпевших.

В тех случаях, когда при производстве очных ставок или других следственных действий, а также при рассмотрении дела в суде подозреваемый, обвиняемый или другое заинтересованное в избежании ответственности за уголовное деяние лицо оскорбит потерпевшего или свидетеля либо будет угрожать ему расправой за дачу в отношении его показаний либо иным поведением выразить такие угрозы, следователь должен, на наш взгляд, сразу же отражать происходящее неподобающее поведение в протоколе, например, очной ставки, а затем немедленно составлять протокол об административном правонарушении, который в дальнейшем направлять в суд для наложения административного взыскания за оказание давления на потерпевшего или свидетеля⁴.

На наш взгляд, в целях избежания волокиты для наложения административного взыскания не требуется никаких «сборов» доказательств вины угрожавшего, кроме рапорта лица, производящего следственное действие, объяснения по этому поводу от потерпевшего или свидетеля, объяснения в самом протоколе об административном взыскании от правонарушителя и выписки из следствен-

ного документа, в котором зафиксировано данное воздействие, заверенное подписью лица, производящего следственное действие.

Безусловно, правосудие — одна из форм государственной деятельности, заключающаяся в рассмотрении и разрешении судами общей юрисдикции, а также хозяйственными судами дел в порядке гражданского, уголовного, административного и хозяйственного судопроизводства.

Для осуществления правосудия помощь и содействие суду оказывают другие государственные органы: прокуратура, органы дознания и предварительного следствия, учреждения, исполняющие вступившие в законную силу приговоры, решения и иные судебные акты. Нормами

главы о преступлениях против правосудия охраняется деятельность не только судов, но и перечисленных органов, без деятельности которых выполнение судом функции правосудия было бы затруднительно или даже невозможно.

Таким образом, профилактическая деятельность осуществляется в многообразных формах, направленных на устранение или ограничение причин и условий совершения преступлений, которые могут иметь как объективный, так и субъективный характер. Однако основная роль в профилактической деятельности правоохранительных органов принадлежит правовым, организационным и иным средствам воздействия на субъективные и криминогенные факторы.

¹ Шестаков Д. А. Криминология: новые подходы к преступлению и преступности // Криминогенные законы и криминологическое законодательство: Учебник. 2-е изд., перераб. и доп. — СПб., 2006. — С. 317.

² Пашаев Х. П. К вопросу о противодействии криминальной сфере транснациональной организованной преступности // Актуальные проблемы борьбы с преступностью и иными правонарушениями. — Барнаул, 2008. — С. 246.

³ Стрельников К. А. Организованная преступность в механизме государства: элемент или негативный фактор // Государственная власть или местное самоуправление. — 2008. — № 10. — С. 7–8.

⁴ Криминология: Учебник / Под ред. В. Н. Кудрявцева и В. Е. Эминова. — М., 2005. — С. 178.

В. Г. Каримов,

*Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув
курслари ўқитувчиси, адлия катта маслаҳатчиси,
юримдик фанлар номзоди, доцент*

ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИДА ҚОНУНИЙЛИКНИ БУЗИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ОҚИБАТЛАРИ

Аннотация. Мақолада тезкор-қидирув фаолиятида қонунийликни бузиш тушунчаси ва таснифи таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: қонунийликни бузиш, тезкор-қидирув фаолияти, тезкор-қидирув тадбирлари, тезкор ходим, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширишга кўмаклашувчи шахс.

Каримов В. Г. Правовые последствия нарушения законности в оперативно-розыскной деятельности

Аннотация. В статье анализируются понятие и квалификация нарушений законности в оперативно-розыскной деятельности.

Ключевые слова: нарушение законности, оперативно-розыскная деятельность, оперативно-розыскные мероприятия, оперативный работник, лицо, содействующее органам, осуществляющим оперативно-розыскную деятельность.

Karimov V. G. Legal consequences of infringement of legality in operational search activities

Annotation. The article deals with the concept and qualification of infringements of legality of operational search activities.

Keywords: infringement of legality, operational search activities, operational search actions, operative worker, the person assisting the bodies carrying out operational search activities.

Ҳуқуқ назарияси қоидалари асосида тезкор-қидирув фаолиятида қонунийликни таъминлаш учун «қонунийликни бузиш» тушунчасини аниқ белгилаб олиш муҳим. Бу, *биринчидан*, ижобий ёки салбий баҳоланган қилмишни қонун талабларидан келиб чиқиб фарқлаш имконини берса, *иккинчидан*, бу хилдаги ҳуқуқбузарликлар, тезкор бўлинмалар фаолиятида қонунийликни баҳолаш мезони вазифасини бажаради. *Учинчидан*, уларнинг содир этилиш механизмининг таҳлил қилиш ушбу ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини аниқлашга имкон беради. Ниҳоят, *тўртинчидан*, ушбу тушунча, агар у илмий ва амалий асосланган бўлса, ҳуқуқбузарликларни ҳисобга олиш, қайд этиш ишларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Қонунийликни бузишнинг моҳияти ва параметрлари жиноят қонунчилигидан келиб чиқиб ишлаб чиқилганлиги уни таърифлаш масаласини осонлаштириб, «қонунийликни бузиш» тушунчаси нимадан иборат эканлиги ҳамда тезкор-қидирув фаолиятининг ўзига хос шароитларида унинг туб мазмунини тўғри ифодалашга ёрдам беради.

Тезкор-қидирув фаолиятида у ёки бу қилмишнинг қонунбузарликка дахлдорлигини белгиловчи аломатларини аниқлаш борасида «қонунийликни бузиш» тушунчаси тўғрисида аниқ тўхташга келинмаганлиги сабабли, қонунбузарлик деб ҳисобланадиган ҳаракатлар билан бир қаторда, амалиётда ва назарияда булар қаторига ихтиёрий равишда ҳар хил ҳуқуқбузарликларни

киритиш ҳоллари учрайди. Жумладан, россиялик олим Ю. Г. Железняков қонунийликни бузишнинг мустақил турлари сифатида, хусусан, қуйидагиларни санаб ўтади: «*ходимлар билан хизматга алоқасиз муносабатлар; тегишли асослар бўлган тақдирда ҳам жиноятларнинг олдини олиш ва уларни тўхтатиш бўйича чоралар кўрмаслик; жиноятларнинг олдини олиш ва уларни очиш ишларида йўл қўйилган бошқа хатолар*»¹. В. А. Азаров эса бу соҳада содир этиладиган қонунбузарликлар сифатида: «*Кўмаклашувчи шахсларга қонунга зид топшириқлар бериш; тезкор ҳисобот ҳужжатларини қалбакилаштириш; тезкор-қидирув ишларини юритиш муддатларига риоя қилмаслик*» каби ҳолатларни келтиради². Шубҳасиз, ушбу ҳаракатларни қонунбузарлик сифатида таснифлаш «қонунийликни бузиш» тушунчаси ва уларни бартараф этиш бўйича амалий тадбирлар ўтказиш доирасини кенгайтиради.

Тезкор-қидирув фаолияти жараёнида тезкор бўлинма раҳбарлари ва ходимларини қонунийликни бузишга қандай сабаблар ундаши тўғрисидаги фикрлар ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Тадқиқот жараёнида сўров ўтказилганлар ушбу масала бўйича қуйидагича фикр билдирдилар (сўров фоизларда баҳоланди): а) хизмат манфаатларини нотўғри тушуниш (2 %); б) сохта обрў орттириш, ғараз ёки бошқа интилишлар (4 %); в) ўзини тута билмаслик (7 %); г) юзага келган вазиятни нотўғри баҳолаш (7 %); д) мураккаб вазиятларда ҳаракат қила билмаслик (19 %); е) раҳбарлар томонидан таъсир ўтказилиши (9 %); ж) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини билмаслик (27 %); з) ишдаги қониқарсиз кўрсаткичлар учун жазоланишдан қўрқиш (2 %); и) қарорлар қабул қилишда зарур принципиаллик, қатъият йўқлиги (3 %); к) фаолиятни баҳолаш мезонларининг номукамаллиги (10 %); л) ҳаракатларининг зарарли оқибатларга олиб келишини кўра билмаслик ёки уларнинг пайдо бўлмаслигига енгилтаклик билан умидвор бўлиш (2 %); м) шахсий

ишни баҳолашнинг номукамаллиги (1 %) ва бошқалар (2 %).

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, тезкор бўлинма раҳбарлари ва ходимларини қонунийликни бузишга ундайдиган асосий сабаблар ичида олдинги ўринларни мураккаб вазиятларда ҳаракат қила билмаслик, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини билмаслик, фаолиятни баҳолаш мезонларининг номукамаллиги эгаллади ва улар барча сабабларнинг ярмидан зиёдини ташкил этди (56 %).

Тадқиқот доирасида олинган «статистик маълумотларнинг гувоҳлик беришича, тезкор ходимлар бошқа хизмат ходимларига нисбатан қонунийликни кўпроқ бузишади. Ушбу ҳолатни, сизнинг фикрингизча, қандай тушунтириш мумкин?» деган саволга сўров ўтказилганларнинг 39 % «анъанавий назорат шакллари (жамоатчилик, прокурор)нинг чекланганлиги» деб, 26 % эса «айрим тезкор-қидирув тадбирлари натижаларидан жиноят процессида фойдаланишдаги қийинчиликлар» деб жавоб беришди.

Дарҳақиқат, тезкор-қидирув фаолиятида қонунийликни бузиш ҳолатларининг тўлиқ ҳисобини юритишда бу соҳада мавжуд айрим объектив нуқсонлар сабабли қийинчиликларга дуч келинади. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, ушбу нуқсонлар қуйидагилардан иборатдир (сўров 1 дан 5 баллгача баҳоланди): а) раҳбарларнинг тезкор бўлинмадаги қонунийлик бўйича ҳақиқий ҳолатни яшириши (5 балл); б) қонунийликнинг бузилишини аниқлаш бўйича ўз вақтида чора кўрмаслик (3 балл); в) қонунийлик ҳолати юзасидан статистик ҳисоботнинг мукамал эмаслиги (4 балл); г) қонунийлик ҳолатини баҳолаш мезонлари ва «қонунийликни бузиш» тушунчасининг ноаниқлиги (3 балл); д) қонунийликни бузиш ҳолатларини аниқлашдаги объектив қийинчиликлар ва тўсиқлар (3 балл); е) қонунийликни бузиш фактларини текшириш натижалари бўйича хулоса ва таъсир чораларининг ноҳолислиги (3 балл) ва бошқалар.

Мазкур муаммони тадқиқ этиш юзасидан ўтказилган таҳлилларга суянган ҳолда

таъкидлаш жоизки, амалдаги қонунчиликда «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонунни бузганлик учун махсус юридик жавобгарлик назарда тутилмаган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 16-моддасига биноан ушбу кодексда назарда тутилган жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган қилмишни содир этиш жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

Шу муносабат билан тезкор-қидирув фаолиятида қонунийликни бузиш таркибини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлардаги муайян жиноят таркиби (унинг объекти, объектив томони, субъекти ва субъектив томони) тўғрисида гувоҳлик берувчи қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги, ҳуқуққа хилофлиги, айбдорлиги ва жазога сазоворлиги каби белгиларига мос равишда кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Бундай жавобгарлик тезкор-қидирув фаолияти субъектларининг ҳаракатларида қонунчиликда, шу жумладан жиноят қонунчилигининг муайян нормаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд ҳолда юзага келади. Шундан келиб чиқиб муайян қонунийликни бузиш тури ҳамда айбдор шахснинг жавобгарлиги белгиланиши лозим. Масалан, *тезкор-қидирув тадбирларини қонунга хилоф равишда ўтказиш* — Жиноят кодексининг 141¹-моддаси (Шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш), 142-моддаси (Фуқароларнинг турар жойи дахлсизлигини бузиш), 143-моддаси (Хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини бузиш); *махфийлик тартибини бузиш* — 162-моддаси (Давлат сирларини ошкор қилиш), 163-моддаси (Давлат сирини ёки ҳарбий сир ҳисобланган ҳужжатларни йўқотиш); *тезкор-қидирув фаолиятини молиялаштиришга ажратилган маблағларни талон-торож қилиш* — 167-моддаси (Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш); *тезкор-хизмат ҳужжатларини сохталаштириш ёки жиноятни яшириш* — 209-моддаси (Мансаб сохтакорлиги),

237-моддаси (Ёлғон хабар бериш), 241-моддаси (Жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яшириш), 241¹-моддаси (Жиноятни ҳисобга олишдан қасддан яшириш)га мувофиқ жавобгарликка тортилиши лозим.

Тезкор-қидирув фаолиятида қонунийликни бузишнинг умумий объекти бўлиб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятида юзага келадиган, қонун ва ҳуқуққа риоя этишга йўналтирилган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. Қонунийликни бузиш субъекти сифатида тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш ваколатига эга ходим қатнашиши мумкин. Яъни, тезкор-қидирув фаолиятида қонунийликни бузишнинг субъекти — махсус субъектлар тоифасига киради. Хусусан, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар махсус ваколатга эга бўлмаган ҳолда қонунийликни бузишнинг оддий иштирокчилари ҳисобланади. Улар қасддан жиноят ёки бошқа ҳуқуқбузарлик содир этганликлари учун умумий тартибда жавобгарликка тортиладилар.

Айрим ҳолларда тезкор-қидирув фаолиятининг субъектлари фуқароларнинг шахсига ёки ҳуқуқлари ва манфаатларига таҳдид солувчи хавфни қайтариш учун қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларга зарар етказдилар. Ушбу ҳаракатлар расман Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг махсус қисмида назарда тутилган айрим жиноят турлари аломатларига мос келади. Аммо ушбу ҳаракатлар муайян ҳолатларда жиноят деб топилмайди, чунки уларда асосий аломатни ташкил этувчи ижтимоий хавф мавжуд эмас. Бу ҳаракатлар муайян вазиятда қонуний, ижтимоий фойдали, мақсадга мувофиқ ва мажбурий деб топилади.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасининг «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонунига «Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органнинг уюшган жиноий гуруҳни, жиноий уюшмани фош қилиш мақсадида улар орасига киририлган ходими (ёки уларга кўмаклашаётган

шахс), қонунда белгиланган тартибда қилмишнинг жиноийлигини истисно этувчи ҳолатлар бўлганида қонунга хилоф қилмишлари учун жиноий жавобгарликдан озод этилади» деган таҳрирдаги норма киритилган³. Уларга Жиноят кодексининг III бўлимида қайд этилган 36-41-моддалардаги ҳаракатлар киради.

Баён этилганларга кўра, тезкор-қидирув фаолиятида қонунийликни бузишнинг умумий тушунчасини қуйидаги таҳрирда таклиф этиш мумкин: «Тезкор-қидирув фаолиятида қонунийликни бузиш деб — қонун ва қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган, тезкор-қидирув фаолияти субъектлари томонидан ушбу соҳадаги ҳуқуқий тартибга солиш нормаларини бузиш натижасида содир этилиши (хизмат вазифаларини бажариш ёки бажармасликдан қатъи назар) оқибатида шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига зарар етказадиган ёки шундай зарар етказиш хавфини келтириб чиқарадиган ҳар қандай айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) ҳисобланади».

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар тезкор бўлинмаларининг барча даражадаги раҳбарлари ўз қўл остидаги ходимларнинг ҳуқуқий онги ва қонунийликка риоя этиш борасидаги кўникмаларини ривожлантириш юзасидан қуйидаги: а) тезкор-қидирув фаолиятини тартибга солувчи қонун ва қонунчилик ҳужжатлари талабларини ходимларга сингдириш; б) ҳар бир тезкор-қидирув тадбирини ўтказиш юзасидан ходимлар ва бошқа қатнашчиларга пухта йўл-йўриқ бериш; в) кўмаклашувчи шахсларга раҳбарлик қилиш, уларни ўргатиш ва тарбиялаш тадбирларини мунтазам такомиллаштириб бориш; г) тезкор-қидирув фаолиятини молиялаштиришга йўналтирилган маблағларнинг сарфланиши устидан қаттиқ назорат олиб бориш; д) тезкор бўлинмалар фаолияти устидан идоравий ва прокурор назоратининг барча имкониятларидан фойдаланиш; е) тезкор-қидирув фаолияти бўйича ҳисоботлар ҳаққонийлигини таъминлаш каби ташкиллий тадбирларни мунтазам равишда ўтказиб боришлари лозим.

¹ Железняков Ю.Г. Оперативно-розыскная деятельность: некоторые проблемы правового регулирования // Российский следователь. — 2007. — № 23. — С. 25–27.

² Азаров В.А. О некоторых особенностях предмета оперативно-розыскного регулирования // Оперативник (сыщик). — 2010. — №2 (23). — С.8–12.

³ Ўзбекистон Республикасининг «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2012. — № 52. — 585-м.

С. Б. Хўжакулов,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
ҳуқуқбузарликлар профилактикаси кафедраси
катта ўқитувчиси

ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ ИШТИРОКИ

Аннотация. Мақолада ҳуқуқбузарликлар профилактикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда фуқароларнинг роли, шунингдек уларнинг бу борадаги фаолиятини самарали ташкил этишга оид фикр-мулоҳазалар билдирилган.

Таянч иборалар: маҳалла, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ҳуқуқбузарлик, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар.

Хужакулов С. Б. Участие органов самоуправления граждан и граждан в осуществлении профилактики правонарушений

Аннотация. В статье освещена роль органов самоуправления граждан и граждан в профилактике правонарушений, а также вносятся предложения по повышению эффективности данной деятельности.

Ключевые слова: маҳалла, органы самоуправления граждан, правонарушение, профилактика правонарушений, органы и учреждения, непосредственно осуществляющие и участвующие в профилактике правонарушений.

Khujakulov S. B. Participation of citizens' self-government bodies and citizens in implementation of crime prevention

Annotation. The article deals with the role of citizens' self-government bodies and citizens in prevention of offenses, and puts forward proposals on increasing of efficiency of this activity.

Key words: makhalla, citizens' self-government bodies, offense, prevention of offenses, bodies and institutions directly carrying out and participating in prevention of offenses.

Ўзбекистон Республикаси «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг қабул қилиниши мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқди. Эътиборли томони шундаки, қонунда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда давлат органлари, муассаса ва ташкилотлари билан бир қаторда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг ҳам ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги вазифалари алоҳида белгилаб берилди.

Зеро, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи субъектлар билан биргаликда фуқароларнинг ўзини ўзи

бошқариш органлари ва фуқароларнинг ҳам ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишдаги ўрни ва роли алоҳида аҳамият касб этади.

Маълумки, ижтимоий ҳаётда «фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» — ҳуқуқий, «маҳалла» эса ижтимоий тушунча сифатида ишлатилади. Бундан ташқари, «маҳалла фуқаролар йиғини», «қишлоқ фуқаролар йиғини», «маҳалла идораси» каби тушунчалар ҳам кенг қўлланилади. Бироқ сўз фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи қайси тушунча билан ифодаланишида эмас, балки унинг мақоми, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ўрни ва аҳамияти ҳақида юритилмоқда.

Ўзбекистонда маҳаллага ижтимоий муҳитнинг кичик бўлаги сифатида қаралади. Ундан ҳам кичиги эса оила деб аталмиш муқаддас маскандир. Айнан шу кичик ижтимоий муҳитларда инсон шахс сифатида шаклланади. Зеро, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов: «Ҳеч ким онадан жиноятчи бўлиб туғилмайди. Жиноятчилик номақбул ижтимоий-иқтисодий, маънавий-ахлоқий муҳитдагина илдиз отиши мумкин»¹, деб бежизга таъкидламаган. Шундай экан, маҳалла соғлом ижтимоий муҳит яратиш ва уни барқарорлаштириш, шунингдек ёш, баркамол авлодни тарбиялашга масъулдир. Айнан шунинг учун халқимизда «бир фарзандга етти қўшни ота-онадир!» нақли шаклланиб, авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда.

Чунончи, умуминсоний, диний ва миллий қадриятлар инсонни камол топтириши ва хулқ-атворини эзгуликка йўналтиришда жуда аҳамиятлидир. Чунки, ушбу қадриятларни чуқур англаб етган ва ич-ичидан тан олган инсонларда жамиятга зид хулқ-атвор шаклланмайди, айнан мазкур қадриятлар мафкуравий иммунитетни шакллантиришга хизмат қилади. Шу боис фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ушбу қадриятларни маҳалла аҳлига кенг тарғиб қилиш ва одамлар онгига синдиришда фаол бўлиши лозим. Зотан, маҳалла энг оммавий ва аҳолига яқин турган ҳамда кенг имкониятга эга анъанавий бошқарув тизимидир.

Мазкур ноёб миллий тузилмага ҳатто ривожланган мамлакатларнинг олим ва амалиётчилари ҳам ҳавас билан қарашади. Негаки, айнан маҳалла институти давлатимизнинг энг муҳим таянчи бўлиб, у туфайли биз мамлакатимизда аҳиллик, бинобарин, тинчлик ва осойишталикни таъминлаб келмоқдамиз². Маҳалла бошқарувида устувор бўлган ўзбек халқининг қадрият, урф-одат ва анъаналари фуқаролар йиғинларининг, шу жумладан, «Маҳалла посбони» жамоатчилиги тузилмаларининг ҳудудий профилактика инспекторлари билан ҳамкорлигини ташкил этишга ҳам ижобий таъсир

кўрсатиб, ўз самарасини бераётганлигини эътироф этган М. З. Зиёдуллаев келгусида ушбу ҳамкорликнинг анъанавий маънавий асосларини илм-фаннинг замонавий илғор билим, усул ва воситалари билан уйғунлаштирган ҳолда қўллаш орқали янада такомиллаштириш чораларини кўришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди³.

Бироқ кузатишлар натижасида маҳаллаларда мавжуд умуминсоний, диний ва миллий қадриятларни сақлаб қолиш ва сайқаллаштириш соҳасида ҳалигача айрим муаммолар мавжуд эканлиги кўзга ташланмоқда. Ушбу муаммолардан бири ҳозирги кунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ижтимоий аҳамиятини ошириш ишлари сусайиб бораётганлигидир.

Мазкур муаммони ҳал қилиш учун бугун биз ўша машҳур «Суюнчи» фильмида бош образ сифатида гавдаланган ва «маҳалланинг виждони» деган шарафли ном қозонган Анзират бувидек маҳалла фаолларининг сонини кўпайтирмоғимиз лозим. Чунки, бу қаҳрамонга ўхшаган фуқаролар маҳаллада миллий ва умуман, инсоний қадриятларнинг чуқур илдиз отиши ва соғлом ижтимоий муҳит барқарор бўлишида беминнат ва жуда катта хизмат қиладилар.

Бироз аввалроқ фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг оилавий қадриятлар шаклланишидаги ўрни ҳақида фикр билдирган эдик. Эътиборлиси, айнан мазкур фильмда ушбу масалада ҳам муайян эпизодлар мавжуд. Чунончи, маҳаллада истиқомат қилувчи Ҳожимурод исмли қария шифохонага тушиб қолади, бироқ ундан ўғли хабар олмаётганлигини билган Анзират буви унинг хонадонига бориб, қариянинг ўғлига танбеҳ беради ва фильм сўнгида бу тадбир ўз самарасини берганлиги намойиш этилади.

Аммо замон ва одамларнинг онги-шуури шиддат билан ўзгараётган бир пайтда, бугун маҳалланинг аҳоли орасида ижобий муҳитни шакллантириш ва барқарорлаштириш соҳасидаги таъсирини кучайтиришга доир механизмни ишлаб чиқиш ва ижтимоий ҳаётга татбиқ этиш долзарб вазифага айланмоқда.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари низоли, кам таъминланган ёки боқувчисини йўқотган оилаларнинг муаммолари билан мунтазам равишда қизиқиши, керак бўлса, ушбу муаммоларни тегишли комиссиялар таркибида кўриб чиқиб, ечимини топишга ҳаракат қилиши даркор.

Бу борада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидаги яраштириш комиссияларининг ўрни беқиёсдир. Бироқ, ачинарли томони шундаки, кузатувлар натижасида бугунги кунда яраштириш комиссияларида кўриладиган ишлар доираси, тоифаси, тартиби ва шартларининг ҳуқуқий асослари етарли ишлаб чиқилмаганлиги ойдинлашди. Буни жойларда кўп ҳолларда томонлар ўртасидаги низо — гарчи маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноят иши кўринишида тегишли муассаса (суд, ички ишлар идоралари ва бошқа ХМҚО) томонидан кўриб чиқилган, шунингдек баъзи ҳолларда ХМҚОлар томонидан кўриб чиқилмаган бўлса-да — яраштириш комиссиясида кўриб чиқилишида ҳам кузатиш мумкин. Комиссия фаолиятида иш юритишнинг бундай хилма-хиллиги ўз-ўзидан ишнинг юзаки ҳал этилишига сабаб бўлмоқда, яраштириш комиссияси фаолиятининг туб моҳиятини англаш, қолаверса, томонлар ўртасидаги низо ва зиддиятни бартараф этиб, келгусида яна адоватлашишнинг олдини олишдек асл мақсадга эришиш имконини бермаяпти.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳуқуқбузарлик содир этган ва содир этишга мойил шахсларни ахлоқан тузатишда ҳам бевосита иштирок этади. Бироқ айни пайтда бу соҳада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти етарлича тизимли равишда ташкил этилган деб айтиш қийин. Чунки, маҳаллада вояга етмаган, аёл ёки эркак ёхуд рецидивист ҳуқуқбузарлар бўлиши мумкин, бироқ уларнинг барчасига ҳам бир хил профилактик таъсир кўрсатиб, самарали натижага эришиб бўлмайди. Одатда, амалиётда жиноят содир этиб, жазони ўтаб келган шахслар ички ишлар органлари ходимлари иштирокида ўтказилган фуқаролар йиғини

кенгашида муҳокама қилиниб, уларга маҳалла фаолларидан бири мураббий этиб белгиланади. Муаммо шундаки, биринчидан, ушбу масалада аксарият ҳолларда мураббий бириктириш билан чекланилади ва бу яккаю ягона профилактик чора бўлиб қолади; иккинчидан, ушбу ҳолатда маҳалла фаолларининг вазифалари нималардан иборат, улар қайси профилактик усул ва воситалардан фойдаланиши мумкин, деган мазмундаги саволларга жавоб топиш мушкул. Натижада, маҳалла фаолларининг ҳар қайсиси бу масалага ўз дунёқараши, билим, кўникма ва тажрибасидан келиб чиқиб ёндашади.

Бундан ташқари, мураббий сифатида бириктириш учун маҳалла фаоллари етарлими? Умуман олганда, кимлар маҳалла фаоли сифатида эътироф этилиши лозим? Тўлақонли мураббийлик қилиш учун уларда манфаатдорлик мавжудми? каби саволларнинг ҳам жавобсиз қолаётгани маҳалланинг бу йўналишдаги фаолияти ҳали етарли даражада йўлга қўйилмаганидан дарак беради.

Амалдаги Жиноят-процессуал кодекснинг 297-моддаси талабларига кўра фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан киритилган жиноятнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш чораларини кўриш тўғрисидаги тақдимнома ёки суднинг хусусий ажрими талабларини бажариш мажбурияти юклатилган бўлиб, уларнинг бажарилмаслиги Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 196-моддасида кўрсатилган «Ҳуқуқбузарлик сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш юзасидан милициянинг ёзма тақдимномаларини бажариш чораларини кўрмаслик» маъмурий ҳуқуқбузарлик таркибини келтириб чиқаради ва маҳалла раиси (оқсоқоли)ни жавобгарликка тортиш учун асос юзага келади.

Маҳалла раиси (оқсоқоли)ни мазкур жавобгарликка тортиш учун:

— тақдимнома ёки хусусий ажрим талаблари бўйича зарурий чораларни кўр-

маслик ва кўрилган чораларнинг натижалари тўғрисида кечи билан бир ой муддат ичида тегишли суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судни хабардор қилмаслик;

— тақдимнома ёки хусусий ажрим талабларини виждонан бажармаслик, яъни кўрилган чораларнинг натижалари тўғрисида тегишли суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд хабардор қилинган бўлса-да, амалда ҳеч қандай чора кўрилмаганлиги ёки масалага юзаки ёндашилгани аниқланиши зарур.

«Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг 32-моддасига биноан хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ёки унда иштирок этувчи орган ёки муассаса, ўз ваколатлари доирасида, ғайриижтимоий хулқ-атворга эга шахслар, хуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган ёки содир этган шахслар ҳақида (яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органини ғайриижтимоий хулқ-атворнинг ва содир этилган хуқуқбузарликнинг ҳолатларини, шунингдек уларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни кўрсатган ҳолда) хабардор қилишга ҳақли.

Ушбу ҳолат юқорида кўриб чиқилган тақдимнома талабларини бажариш жараёнига ўхшаш бўлса-да, аммо «хабардор қилиш» мазмун ва шакли жиҳатдан ундан куйидагиларга кўра фарқ қилади:

— «тақдимнома» муайян чоралар кўриш мажбуриятини юкласа, «хабардор қилиш»да огоҳликка, хушёрликка чақариш мақсади кўзланади ва профилактик таъсир кўрсатиш чораларини кўриш ёки кўрмаслик фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳукмига ҳавола этилади. Бироқ ушбу вазиятда ҳам фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари масалага совуққонлик билан қарамаслиги ва уни эътиборсиз қолдирмаслиги лозим;

— «хабардор қилиш»да кўрилган чоралар ҳақида жавоб хати ёзиш талаб этилмайди;

— ғайриижтимоий хулқ-атворга эга шахслар, хуқуқбузарликлар содир этишга

мойил бўлган, хуқуқбузарлик содир этган шахс ҳақидаги хабарнома уч йилгача маҳалла архивида сақланиши ва шу давр мобайнида сўралган жойга унга нисбатан тавсифнома беришда хабарнома мазмуни эътиборга олинishi мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни амалга оширишда куйидагилар орқали иштирок этади:

— дастурлардаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг зиммасига бевосита юкланган вазифалар ижросини таъминлаш;

— хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ёки унда иштирок этувчи орган ёки муассасаларга маҳаллаларда уюштириладиган профилактик тадбирларни ташкиллаштириш ва ўтказишда кўмаклашиш;

— хуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат ҳамда ҳудудий дастурларга асосланиб, маҳалланинг тегишли дастурини ишлаб чиқиш, фуқаролар йиғини кенгашида муҳокама қилиб, тасдиқлаш ҳамда ижросини таъминлаш.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши, яъни ички ишлар органи таянч пунктлари, таълим муассасалари, соғлиқни сақлаш муассасалари ва бошқаларнинг хуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади. Бу борада у аниқланган камчиликлар, хато ва муаммолар ҳақида юқори турувчи органга ёки прокуратура органлари ҳузуридаги хуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашларга мурожаат этиши мумкин.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи тегишли ҳудудда жамоат тартибини таъминлашда, шу жумладан фуқароларнинг келиши ва кетиши ҳисобга олиншини ташкил этишда, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда уларнинг хуқуқларини

ҳимоя қилиш бўйича ишларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга кўмаклашади. Хусусан, у: вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича жамоатчилик ишларини ташкил этади, етим болалар, ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳақидаги маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органларига тақдим этади, шунингдек бундай болаларни тегишли давлат муассасаларига жойлаштиришда кўмаклашади; вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссиялар тузади, уларнинг йиллик, чораклик иш режаларини тасдиқлайди ва комиссия фаолиятини умумий назорат қилади; вояга етмаган болалари бўлган кам таъминланган оилаларга, икки ёшга тўлмаган болалари бор ишламайдиган оналарга, шунингдек бюджет ташкилотларида ишлайдиган оналарга ҳамда уларнинг ўрнини босувчи шахсларга нафақалар тайинлаш тўғрисидаги масалаларни ҳал этади; профилактика инспекторлари билан биргаликда маъмурий ҳудудда паспорт режими, «Ўсмир», «Давомат» каби профилактик тадбирларнинг ўтказилишида иштирок этади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи рўйхатдан ўтказилмаган диний ташкилотлар фаолиятига чек қўйиш, фуқароларнинг диний эътиқод эркинлигига бўлган ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлаш, диний қарашларни мажбурлаб сингдиришга йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўради, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши билан боғлиқ бошқа масалаларни кўриб чиқади. Жумладан, у диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи билан меҳнат шартномаси тузади ва унинг фаолиятини мувофиқлаштиради, шунингдек сўнгги йилларда диний экстремизм ва терроризм мамлакат, қолаверса, инсоният хавфсизлигига жиддий хавф солаётган бир пайтда ғайриқонуний диний ташкилотлар, уларнинг фаолияти билан боғлиқ мавжуд маълумотларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга еткази.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ички ишлар органларининг профи-

лактика инспектори билан биргаликда «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси фаолияти устидан назоратни амалга оширади; бу борада «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмасининг раҳбарини тайинлайди ва тузилмага аъзолар қабул қилади; ҳар чоракда «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси раҳбарининг ҳисоботларини эшитади. Эътиборли томони шундаки, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси ўз фаолиятини амалга оширишда фуқаролар йиғини ва унинг кенгаши қарорларига қатъий амал қилади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 мартдаги «Фуқаролар йиғинининг «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 47-сонли қарорида фуқаролар йиғини раиси ва ички ишлар органларининг ҳудудий профилактика инспектори «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси фаолиятига умумий раҳбарликни ҳамкорликда амалга ошириши, шунингдек жамоатчилик тузилмаси аъзолигига номзоднинг белгиланган талабларга мувофиқлигини ўрганиб чиқиш учун биргаликда масъуллиги кўрсатилган.

Бироқ мазкур қарорда ҳам, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи тўғрисида»ги қонунда ҳам айнан қайси фаолият йўналишларида, қайси ҳолатларда ва қайси турдаги функция ва вазифаларни бажаришда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки профилактика инспектори маҳалла посбонларини жалб этиши ва уларнинг фаолиятини бошқариши аниқ кўрсатилмаган. Шу боис амалиётда «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмасининг куч ва имкониятидан фойдаланишда айрим фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва профилактика инспекторлари ўртасида тушунмовчиликлар келиб чиқмоқда. Ушбу масалада И. С. Жаҳонгиров ички ишлар органларининг профилактика инспекторлари «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмасининг фаолият йўналишлари ва вазифаларини амалга оширишда бевосита раҳбарлик қилиши ҳамда зарур услубий ва амалий ёрдам кўрсатишини таъкидлайди⁴. Бироқ бу фикр ҳам

юқорида назарда тутилган тушунмовчиликни бартараф этиш имконини бермайди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ҳамкорлик қилади. Ушбу йўналишда у: а) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасаларга керакли маълумотларни тақдим этади; б) ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари томонидан ўтказиладиган профилактик тадбирларда иштирок этади, шунингдек маҳаллада ўтказилиши режалаштирилган муайян тадбирларнинг амалга оширилиши учун шароитлар яратиб беради ва кўмаклашади; в) ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг куч ва имкониятларидан фойдаланади (Масалан, маҳаллада ўтказиладиган тадбирларга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ёки таълим муассасалари, шунингдек давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ёки соғлиқни сақлаш муассасалари кабилардан вакилларни жалб этиши мумкин); г) ички ишлар органларига маҳаллада жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда, хусусан, патруль йўналишларини ташкил этиш ва амалга оширишда, аҳоли орасида ички ишлар идоралари ҳузуридаги кўриқлаш хизмати имкониятларини тарғиб қилиш, аҳолини ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этишга чақариш кабиларда ёрдамлашади. Бу борада А. Очилов: «Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтиришда маҳалла фуқаролар йиғинлари ва ҳудудий профилактика инспекторларининг ҳамкорликдаги фаолияти самарадорлигини янада ошириш шу соҳадаги ишларни янги босқичга олиб чиқади»⁵, деб таъкидлайди.

Маълумки, «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунда фуқаролар-

нинг ҳам ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва муассасаларга кўмаклашиши ҳамда зарур ёрдамни кўрсатиш орқали ҳуқуқбузарликлар профилактикасида иштирок этиши белгилаб қўйилган.

Умуман олганда, Конституциямизнинг 52-моддасида «Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчи» эканлиги таъкидланган бўлиб, албатта, ушбу ҳимоя республикани ташқи кучлар билан бир қаторда ички ганимлардан ҳам ҳимоялашни қамраб олади. Мамлакатнинг ички хавфсизлигига кўп ҳолларда ҳуқуқбузарлар ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахслар жиддий хавф туғдиради. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов: «Агар биз аҳил бўлсак, эл-юрт манфаати йўлида бир тану бир жон бўлиб яшасак, ўзимиздан сотқин чиқмаса, ўзбек халқини ҳеч ким ҳеч қачон енга олмайди»⁶, деб бежизга таъкидламаган.

Шундай экан, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш йўлида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишга ҳар бир фуқаро масъулдир. Ушбу масъулиятни чуқур англаган, ватанпарвар, мард, жасур фуқароларимизнинг аксарияти фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қошида ташкил этилган «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаларига ихтиёрий равишда аъзо бўлишмоқда. Бироқ ҳозирги кунда айрим фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ушбу масалага панжа ортидан қараётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Бу каби фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг кўпчилигида «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси таркиби тўлиқ шакллантирилмаган, фуқаролар фақат битта, яъни маҳалла посбонлари сардори лавозимига жалб этиладилар, холос. Чунки, фақат маҳалла посбонлари сардорига маҳалла раисига бериладиган маош миқдоридан ойлик иш ҳақи берилади. Қолган маҳалла посбонлари жамоатчилик асосида ишлайди. Бу эса маҳаллада ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида фуқароларнинг

фаоллигини оширишга доир комплекс механизмни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этишни талаб этмоқда.

Амалдаги қонун ҳужжатларида фуқароларни ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амага оширишга ундовчи қоидаларни ҳам учратиш мумкин. Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 241-моддаси биринчи қисмида тайёргарлик кўрилаётган оғир ёки ўта оғир жиноят ҳақида аниқ билгани ҳолда ҳокимият органларига хабар бермаганлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қamoқ ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазолаш белгиланган.

Модомики, жамият муайян ҳудуд (давлат)да яшаётган шахслар уюшмасидан ташкил топар экан, у ҳолда ўша ҳудудда ўша даврда яшовчи ҳар бир шахс шу жамиятнинг хавфсизлиги ва барқарорлиги учун масъулдир. Ушбу масъулиятни ҳар бир инсон виждон амри ва қонунлар таъсирида ҳис қилади. Бу эса инсонларда пок виждонни шакллантириш ва салмоқли таъсир кучига эга жамият қонунларини ишлаб чиқиш ҳамда ижтимоий ҳаётга жорий этиш талабини қўяди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали тадбирда «Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови» мавзуида қилган маърузасидаги қуйидаги сўзлар фикримизнинг тасдиғидир: «Айни вақтда қонунларнинг тўлиқлиги, ҳаётийлиги ва тўғридан-тўғри амалга ошириш механизмларига эга экани ҳақида сўз юритганда, бу борада ҳали кўп иш қилишимиз кераклигини таъкидлаш зарур. Афсуски, ҳозирги кунда қонунларнинг ислоҳотлар самарасига таъсири етарлича сезилмаяпти. Уларнинг ижтимоий муносабатларни бевосита тартибга солишдаги роли пастлигича қолмоқда»⁷.

Шундай экан, бу борада нафақат оғир ёки ўта оғир, балки тайёргарлик кўрилаётган ижтимоий хавфи катта ёки унча оғир

бўлмаган жиноятлар ҳақида аниқ билгани ҳолда ҳокимият органларига хабар бермаганлик учун ҳам жавобгарлик белгиланиши мантиқан тўғри бўлади. Бироқ бу жиноятнинг ижтимоий хавфи оғир ва ўта оғир турларига нисбатан камроқ бўлгани боис белгиланадиган жавобгарликни маъмурий жавобгарлик этиб белгилаш мақсадга мувофиқдир. Ўйлаймизки, ана шунда, авваламбор, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти ошади қолаверса, фуқаролар бу борада масъулиятни янада кўпроқ ҳис қиладилар.

Таклиф этилаётган чора, албатта, фуқарога мажбурият юклайди, бироқ ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда фуқароларнинг ихтиёрий фаоллигини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратиш ўринли, деб биламиз. Буни эса моддий ва маънавий рағбатлантириш орқали амалга ошириш мумкин. Бунинг учун мамлакатда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда фаол иштирок этган фуқаролар ва юридик шахсларни рағбатлантириш механизмини, аниқроғи ҳуқуқий тартибини жорий этиш талаб этилади. Ушбу жараённи ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида эътироф этиш мумкин.

Қолаверса, олдимизда турган шу ҳамда «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунда назарда тутилиб, ижроси босқичма-босқич таъминланиб келаётган бошқа вазифаларнинг мавжудлиги республикада ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишнинг яқин беш йилга мўлжалланган истиқболли дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш эҳтиёжини келтириб чиқаради.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролар ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда атиги *иштирок этувчи* субъектлар сифатида эътироф этилса-да, бироқ уларнинг ўрни ва роли беқийсдир. Шу боисдан, уларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги иштирокининг самарадорлигини ошириш

мақсадида қуйидагилар талаб этилади: *биринчидан*, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раиси (оқсоқоли) ва маҳалла фаолларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатларини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини янада аниқлаштириш ҳамда қонун ҳужжатларида қатъий белгилаш; *иккинчидан*, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳузуридаги яраштириш комиссиялари фаолиятининг ҳамда улар кўриб чиқадиган ишларнинг доирасини аниқ белгилаш, шунингдек бу ишларнинг турлари, уларни кўриб чиқиш тартиби ва шартларини ҳуқуқий тартибга солиш; *учинчидан*, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раиси (оқсоқоли), маҳалла фаоллари ва посбонларининг малакасини ошириш тизимини яратиш; *тўртинчидан*, қонун ҳужжатларида нафақат тайёргарлик кўрилатган оғир ёки ўта оғир жиноят, балки ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар ҳақида аниқ билгани ҳолда ҳокимият

органларига хабар бермаганлик учун ҳам жавобгарлик белгиловчи нормани киритиш; *бешинчидан*, қонун ҳужжатларида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси юзасидан фуқароларга фақат мажбурият эмас, балки фаол иштирок этганлик учун рағбатлантирувчи чоралар қўлланилишини белгиловчи механизмни жорий этиш; *олтинчидан*, ҳуқуқбузарликлар профилактикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ва фуқаролар иштирокининг самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи илмий тадқиқот ишларини олиб бориш; *еттинчидан*, давлатнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизими ва уларнинг фаолиятини такомиллаштиришга ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишга доир яқин беш йиллик даврга мўлжалланган дастурини ишлаб чиқиш ва ушбу дастурда юқорида келтирилган чоратадбирларнинг амалга оширилишини белгилаш ва ҳоказо.

¹ Каримов И. А. Истиқлол имкониятларидан оқилона фойдаланайлик // Бунёдкорлик йўлидан. Т. 4. — Т., 1996. — Б. 349.

² Рўзметов Х. Фуқаролар йиғинлари билан профилактика инспекторлари ҳамкорлигининг концептуал-ҳуқуқий асослари // Фуқаролар йиғинларининг ҳудудий профилактика инспекторлари билан ҳамкорлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари (2014 йил 31 май). — Т., 2014. — Б. 6-10.

³ Зиёдуллаев М. З. «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаларининг ҳудудий профилактика инспекторлари билан ҳамкорлигини такомиллаштиришга оид ислоҳотларнинг натижалари ва истиқболлари // Ўша манба. — Б. 59-65.

⁴ Жаҳонгиров И. С. Ҳудудларда осойишталик ҳамда маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда давлат идоралари билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўзаро ҳамкорлиги // Ўша манба. — Б. 17-22.

⁵ Очилов А. Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва ҳуқуқий тарғиботни амалга оширишда фуқаролар йиғинлари ҳамда профилактика инспекторлари фаолиятини кучайтириш масалалари // Ўша манба. — Б. 10-16.

⁶ Каримов И. А. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т., 2010. — Б. 122.

⁷ Мирзиёев Ш. М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш — юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови // Халқ сўзи. — 2016. — 8 дек.

А. А. Бабаев,

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ички ишлар
органларида ахборот-таҳлил фаолияти кафедраси бошлиғи*

ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМНИНГ МОҲИЯТИ

Аннотация. Мақолада диний экстремизм ва терроризм тушунчасига берилган таърифлар таҳлил қилинган, уларнинг катта ижтимоий хавфга эгалиги ёритилган, ички ишлар органларининг ушбу жиноятларга қарши кураш борасидаги фаолиятини такомиллаштиришга оид таклифлар берилган.

Таянч тушунчалар: экстремизм, диний экстремизм, терроризм, жиноят, ҳуқуқбузарлик, зўрлик ишлатиш, тинчлик, хавфсизлик.

Бабаев А. А. Понятие и сущность религиозного экстремизма и терроризма.

Аннотация. В статье анализируются понятия религиозного экстремизма и терроризма, раскрывается их высокая социальная опасность и вносятся предложения по совершенствованию деятельности органов внутренних дел в борьбе с этими преступлениями.

Ключевые слова: экстремизм, религиозный экстремизм, терроризм, преступление, правонарушение, применение силы, мир, безопасность.

Babayev A. A. Concept and essence of religious extremism and terrorism.

Annotation. The article deals with the concepts of religious extremism and terrorism, their high social danger and put forward suggestions on improvement of the activities of organs of internal affairs in fight against these crimes.

Keywords: extremism, religious extremism, terrorism, crime, offense, use of force, peace, safety.

Дин ниқоби остидаги экстремизм, терроризм каби ҳодисаларнинг илдизлари узоқ тарихга бориб тақалса-да, улар ҳеч қачон ижтимоий барқарорлик ва тараққиётга бугунгидек таҳдид солмаган. Шундай экан, уларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш инсониятнинг истиқболига дахлдор масалага айланди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов ер юзида содир бўлаётган бундай офатларнинг қандай кутилмаган оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида шундай деган эди: «Таассуфки, баъзан ислом дини ва диний ақидапарастлик тушунчаларини бир-биридан фарқлай олмаслик ёки ғаразли мақсадда уларни тенг қўйиш каби ҳолатлар ҳам кўзга ташланмоқда. Шу билан бирга, ислом динини ниқоб қилиб, манфур ишларни амалга ошираётган мутаассиб кучлар ҳали онги шаклланиб улгурмаган, тажрибасиз, ғўр ёшларни ўз тузоғига илинтириб, бош-кўзини

айлантириб, улардан ўзининг нопок мақсадлари йўлида фойдаланмоқда. Бундай ножўя ҳаракатлар аввало муқаддас динимизнинг шаънига доғ бўлишини, охир-оқибатда эса маънавий ҳаётимизга салбий таъсир кўрсатишини барчамиз чуқур англаб олишимиз ва шундан хулоса чиқаришимиз зарур»¹.

Илмий адабиётларда диний экстремизм экстремизмнинг бир кўриниши сифатида изоҳланиб, унга турлича таърифлар берилган. Жумладан, «экстремизм» — латин тилидан олинган бўлиб, «ўта, сўнгги», сиёсатда ашаддий, фавқулодда тадбирлар ва қарашларга тарафдорлик маъноларини билдиради². Мазкур таъриф экстремизм ҳодисасига фалсафий нуқтаи назардан берилган бўлиб, унинг умумий белги ва хусусиятларини қамраб олганлигини айтиш мумкин.

Жамиятда қабул қилинган қонун-қоидаларга мос келмайдиган ва уларга зид бўлган ғоялар «экстремистик» ҳисобланади. Диний экстремизм эса диний фирқалар ёки

айрим диндорлар томонидан жамиятда қабул қилинган қонун-қоидаларга зид ғояларни тарғиб қилиш ва шундай ғояларга мос келмайдиган фаолият олиб боришни англатади. Экстремистик ғоя ва ҳаракатлар барча динлар доирасида кузатилади³.

Тадқиқотчи М. Қирғизбоев: «Экстремизм мафкуравий жаҳатдан олиб қараганда, ўзининг сиёсий ва диний тизимини тан олиб, бошқа қарашларни бутунлай рад этади. Экстремистик ташкилот ўз йўлбошчисининг барча буйруқларини сўзсиз бажаради»⁴, — деган фикрни илгари суради. Назаримизда, ушбу таърифда тадқиқотчи экстремизм ҳодисасига фалсафий ва психологик жиҳатдан ёндашиб, унинг айрим амалий белгиларини ҳам қамраб олишга ҳаракат қилган.

Тадқиқотчи Н. Сафарованинг таъкидлашича, экстремизм бошқача қарашлар билан умуман келишмайдиган ва сўнгги чоралар — мавжуд ҳолатни кескин равишда ўзгартириш, ўз мақсади ва қарашларини куч ишлатиш ёрдамида кишиларнинг онгушурига сингдириш, ўзгача фикрлайдиган кишиларни жисмонан йўқ қилишдан ҳам қайтмайди⁵.

Исломшунос олим Ў. Ҳасанбоевнинг таъкидлашича, диний экстремизм ўз моҳиятига кўра сиёсий ҳодиса бўлиб, амалдаги сиёсий ҳокимият тизимини кескин ўзгартиришга йўналтирилган. Шу нуқтаи назардан, исломий шиорлар остида фаолият кўрсатаётган диний-экстремистик оқимларнинг асосий мақсади дунёвий давлатларда конституцион тузумни ағдариб ташлаб, шариат тизимига асосланган давлат барпо этиш ҳисобланади⁶.

Шунингдек, тадқиқотчи К. Шермухамедовнинг фикрига кўра, экстремизм (лот. — «ақл бовар қилмас даражада», «ҳаддан ошиш») жамиятда қабул қилинган қонун-қоидаларга зид радикал қарашлар ва ҳаракатларни англатади. Бундай ҳаракатларга диний тус бериш эса диний экстремизмга олиб келади. Диний экстремизм — жамият учун анъанавий бўлган диний қадриятлар ва ақидаларни рад этиш, уларга зид ғояларни

алдов ва зўрлик билан тарғиб қилишга асосланган назария ва амалиётни англатади⁷. Бизнинг назаримизда, Ў. Ҳасанбоев ва К. Шермухамедовнинг диний экстремизмга берган таърифлари бугунги кунда ушбу ҳодисанинг намоён бўлаётган асосий белги ва хусусиятларини қамраб олган бўлиб, келгусида уларни ривожлантириш ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда унинг юридик моҳиятини англатадиган таъриф ишлаб чиқиш муҳимдир.

Халқаро ҳамжамятнинг мураккаб ва кўпқиррали ҳисобланмиш турли манфаатларини ўзида намоён этувчи терроризм ҳодисаси содир этилишида экстремизмнинг, хусусан, бизнинг юртимизда диний экстремизмнинг таъсири мавжуд. Терроризм бугунги кунда сиёсатда ва ҳуқуқда анчайин қарма-қарши ва бир хил маъно касб этмайдиган тарзда таърифланади. Бу эса, ўз навбатида, халқаро ва алоҳида олинган давлат миқёсида унга қарши мавжуд восита ва усуллар ёрдамида бир ёқадан бош чиқариб самарали кураш олиб боришга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Терроризм тарихий жиҳатдан келиб чиққан дастлабки даврларданоқ ўз олдига қўйган мақсад ва вазифалари, қўллаган кураш воситалари, ғоявий даъволари билан инсоният учун катта ижтимоий хавфга айланиш имкониятига эга бўлган. Маълум тарихий даврларда бундай имконият воқеликка айланган. Лекин XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, терроризм бутунлай янги сифат даражасини касб этди ҳамда ҳамда ўзида ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳолатни мужассамлаштирди. «...Терроризмнинг тажовузидан ўзини холи ҳис қиладиган бирорта қитъа ёки давлатнинг ўзи йўқ. Худди вабо сингари ер юзининг кўплаб мамлакатларига ёйилиб бораётган бу бало-қазо эртага кимни нишонга олишини ҳам олдиндан айтиш қийин», — деб таъкидлайди Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов⁸.

«Терроризм» сўзининг генезисига эътибор берадиган бўлсак, ушбу ибора лотинча «terror» сўзидан олинган бўлиб,

«қўрқинч», «даҳшат» деган маъноларни билдиради. Бу тушунчага умумий таъриф бериб, уни қўрқитиш сиёсати, сиёсий аҳамиятга эга бўлган масалаларни зўравонлик билан ҳал этиш каби маъноларда тушунишимиз ҳам мумкин.

Терроризм, авваламбор, сиёсий-ҳуқуқий, тарихий, ижтимоий-психологик ва бошқа жиҳатларга ҳамда жуда мураккаб кўриниш ва шаклларга эга бўлган, миллий, минтақавий ва халқаро (глобал) хавфсизлик учун борган сайин жиддий хавф туғдириб келаётган ижтимоий-сиёсий ҳодисадир. Бироқ, ҳуқуқда ва умуман олганда, халқаро муносабатлар тизимида ушбу ҳодиса борасида мувофиқлашган ёндашувнинг мавжуд эмаслиги бугунги кунда давлатлар қонунчилигида ҳам терроризмга берилган ягона таъриф йўқлигидан далолат беради.

Марказий Осиё минтақаси давлатлари қонунчилигида терроризмнинг турлича талқин қилиниши бунга яққол мисол бўла олади. Хусусан, Қирғизистон Республикасининг 1999 йил 21 октябрда қабул қилинган ва 2005 йил 3 январда ўзгартишлар киритилган «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги қонунида эса терроризм – портлатиш, ўт қўйиш ёки бошқа, инсонлар ҳалок бўлиши таҳдидини ҳосил қилувчи ҳаракатлар, кўп миқдорда зарар етказиш ёхуд жамият учун хавфли бўлган бошқа оқибатларни келтириб чиқариш, мавжуд давлат ҳокимиятини заифлаштириш ёки қўпурувчилик мақсадида аҳолини қўрқитиш, ёхуд давлат ҳокимиятини, халқаро, тижорат, жамоат ва бошқа ташкилотларни террорчилар ёки террорчилик ташкилотлари учун фойдали бўлган у ёки бу ҳаракатни содир этиш ёки содир этишдан қайтариш учун мажбурлаш ёки қўрқитиш ҳамда шу мақсадларда кўрсатилган ҳаракатларни амалга ошириш орқали таҳдид қилиш сифатида белгилаб қўйилган⁹.

Туркманистон Республикасининг «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги қонуни 2003 йил 15 августда қабул қилинган бўлиб, унга кўра терроризм — ҳокимиятни

қўлга олиш ва мамлакат конституциявий тузумини куч ишлатиш орқали ўзгартиришни мақсад қилиб олган ҳаракат тактикаси ва сиёсати, жамият хавфсизлигини бузиш, аҳолини қўрқитиш, тартибсизлик вазиятини вужудга келтириш ёки ҳокимият органларига террорчилар учун фойдали бўлган қарорлар қабул қилиши учун таъсир ўтказиш ёки уларнинг ғайриқонуний мулкӣ ва (ёки) бошқа манфаатларини қондиришдир¹⁰.

Юқорида кўрсатиб ўтилганлардан фарқли ўлароқ, 1999 йил 13 июлда қабул қилинган Қозоғистон Республикасининг «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги қонунида терроризм – давлат хавфсизлигини қўпориш учун амалга оширилган, ҳуқуққа хилоф, жиноий жазоланадиган хатти-ҳаракат, давлат органлари томонидан қарор қабул қилишга таъсир ўтказиш ва бошқа террорчилик мақсадларига қуйидаги йўллар билан эришиш:

— давлатнинг стратегик ва ҳаётӣ муҳим объектларини ва коммуникацияларини, аҳоли ҳаётини таъминлаш тизимини, мол-мулк ва бошқ моддий объектларни йўқ қилиш (шикаст етказиш) ёки йўқ қилиш (шикаст етказиш) билан қўрқитиш;

— давлат ҳокимиятидаги ёки бошқа сиёсий фаолиятини тўхтатиш учун ёхуд шундай фаолияти учун қасд олиш мақсадида давлат ёки жамоат арбобининг ҳаётига тажовуз қилиш;

— чет давлат вакилига ёки халқаро ҳимоядан фойдаланувчи халқаро ташкилот ходимига, хизмат биноларига ёхуд халқаро ҳимоядан фойдаланувчи шахснинг транспорт воситаларига ҳужум қилиш;

— жисмоний шахсларга нисбатан зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан таҳдид қилиш;

— шахсни қўлга олиш ва гаров сифатида ушлаб туриш ва Қозоғистон Республикаси Жиноят кодексида ҳамда терроризмга қарши курашга йўналтирилган халқаро ҳуқуқӣ актларда кўрсатилган «террористик» тушунчасига тўғри келувчи бошқа ҳаракатлар деб белгилаб қўйилган¹¹.

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрда қабул қилинган «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги қонунида сиёсий, диний, мафкуравий ва бошқа мақсадларга эришиш учун шахснинг ҳаёти, соғлиғига хавф туғдирувчи, мол-мулк ва бошқа моддий объектларнинг йўқ қилиниши (шикастланиши) хавфини келтириб чиқарувчи ҳамда давлатни, халқаро ташкилотни, жисмоний ёки юридик шахсни бирон-бир ҳаракат содир этишга ёки содир этишдан тийилишга мажбур қилишга, халқаро муносабатларни мураккаблаштиришга, давлатнинг суверенитети, ҳудудий яхлитлигини бузишга, хавфсизлигига путур етказишга, қуроли можаролар келтириб чиқаришни кўзлаб ифвогарликлар қилишга, аҳолини қўрқитишга, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга қаратилган, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида жавобгарлик назарда тутилган зўрлик, зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш ёки бошқа жиноий қилмишлар «терроризм» сифатида таърифланади.

Республикаимиз илмий доираларида ўтказилган тадқиқотларда «терроризм» тушунчасига берилган таърифлар чуқур ўрганилган ва натижада бу муаммонинг яна бир ўзига хос талқин қилинишига олиб келган.

Хусусан, Д. Рахимов ўз монографиясида хорижлик тадқиқотчилар «терроризм» тушунчасига берган тавсифларни таҳлил қилган ҳолда «терроризм — бу мафкуравий асосланган ва мунтазам тарзда инсонларни ўлдириш, диверсиялар ўтказиш, саботаж қилиш, ўғрилиқ ҳамда бошқа инсон ҳаёти ва хавфсизлигига таҳдид солувчи зўрлик ишлатиш билан характерланувчи сиёсий курашнинг тактикаси»¹² деган таърифни беради.

Бундан ташқари, М. Ражабова ўз илмий ишида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигидаги терроризм жиноятига берилган таърифни таҳлил қилиб, терроризмнинг бошқа жиноятлардан фарқловчи портлатиш, ўт қўйиш ёки бошқа хавфли усуллар билан содир этилиши Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг янги таҳрирдаги 155-

моддаси ишлаб чиқилганда тушириб қолдирилганлигини кўрсатади ва терроризмни аниқ ифодаловчи бу белгилари қонун моддасида акс этирилиши керак, деган тақлифни баён қилади.

Худди шундай ҳолатни хорижий тадқиқотчилар илмий ишларида ҳам кузатишимиз мумкин. Россиялик тадқиқотчи Р. Амирокова терроризмни «зўрлик қилиш ёки зўрлик ишлатиш таҳдиди билан аниқ талабларни қўйиш ҳаракатлари бўлиб, унда зўрлик фуқаролар ва уларнинг турли объектларига йўналтирилган, мақсадлар эса сиёсий ёки бошқа характерда бўлиши мумкин», деб тавсифлайди¹³.

Шу билан бирга, муаллиф В. Кикотя ўз илмий ишида Исроил давлати собиқ бош вазири Б. Нетаняхунинг «терроризм — бу жамиятга қарши сиёсий жиноят. Бу ҳар бир фуқаро ва миллат хавфсизлигига «ўлим ва тартибсизлик» билан таҳдид солувчи уруш ҳолати» деган таърифи билан бирга, Л. Моджоряннинг «терроризм — алоҳида шахслар, ташкилотлар ёки давлат ташкилотлари томонидан маълум бир сиёсий мақсадларга эришиш учун давлат ва сиёсий арбобларни йўқ қилиш, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга йўналтирилган зўрлик ишлатиш ҳаракатлари»¹⁴ деган таърифини мисол тариқасида келтиради.

Терроризмни таснифлашда ҳам турли ёндашувлар мавжуд. Бунда тадқиқотчилар терроризмнинг бир жиҳатини ўрганиб, ўз мақсадларидан келиб чиққан ҳолда таснифлашга ҳаракат қиладилар. Шунинг учун бу таснифларни қатъий ва ўзгармас деб бўлмади. Хусусан, тадқиқотчи З. Баймухановнинг фикрича, терроризмнинг ички, трансмиллий ва халқаро терроризм каби турлари мавжуд¹⁵.

Бундан ташқари, рус тадқиқотчилари Ю. Гаврилин ва Л. Смирнов ўз таснифларида, қўлланиладиган усуллардан келиб чиққан ҳолда жисмоний ва психологик, объектига кўра селектив ва жамиятга қарши оммавий ёки кўр-кўрона терроризм турларини кўрсатадилар¹⁶. Ю. Францифоров эса

кўрсатиб ўтилганлардан фарқли ўлароқ, терроризмни олдига қўйган мақсадидан келиб чиққан ҳолда сиёсий, иқтисодий, миллий ва функционал турларга таснифласа¹⁷, тадқиқотчи В. Кикотя минтақавий хусусиятларига қараб Фарбий Европа, Шарқий Европа, Яқин Шарқ, Осиё, Африка ва Америка терроризми сифатида тасниф қилади¹⁸.

Аксарият сиёсатшунослар, жамиятшунослар, ҳуқуқшунослар, психологлар, давлат ва жамоат арбобларининг ушбу муаммога оид қатор тадқиқотларида, билдирган фикр-мулоҳазаларида тафовутлар бўлса-да, бир масалада яқдилдилар. Ҳеч қандай сабаб терроризмнинг жинойий моҳиятини оқламайди ва инкор қила олмайди.

Юқоридаги фикрлардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, диний экстремизм ва терроризмнинг ўзини қаерда ва қандай намоён этиши, унга қандай таъриф берилаётганидан қатъи назар, унинг моҳиятида зўравонлик ва куч ишлатишга асосланган сиёсий мақсадлар мавжуд. Жамиятда ўзгаришлар кечаётган даврда муайян диний қарашларнинг юксак эмоционал туйғулар орқали инсон психологиясига кўрсатаётган таъсири натижасида бундай салбий ҳодисалар содир бўлиб, уларни бир хилда тушунмаслик бу каби ҳолатларнинг тобора кўпайиб боришига сабаб бўлмоқда.

¹ *Каримов И.* Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch. – Т., 2010. – В. 37.

² Фалсафа: Қомусий луғат. – Т., 2004. – Б. 457.

³ Диний бағрикенглик ва мутаассиблик (юз саволга — юз жавоб) / О. Юсупов муҳаррирлиги остида. — Т., 2007. — Б. 45.

⁴ *Қирғизбоев М.* Терроризм ва экстремизм: асосий тушунчалари ва йўналишлари. — Т., 2001. — Б. 8.

⁵ *Сафарова Н.* Терроризм (тарихий-фалсафий таҳлил). — Т., 2009. — Б. 60.

⁶ *Ҳасанбоев Ў.* Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари: диний ташкилотлар, оқимлар, мафкуравий курашнинг долзарб йўналишлари. — Т., 2014. — Б. 143.

⁷ Экстремизм ва терроризм — тараққиёт душмани / Ички ишлар тизими ходимлари (профилактика инспекторлари) учун ўқув-амалий қўлланма / Масъул муҳаррирлар З. Исмоилов, Ш. Икрамов. — Т., 2015. — Б. 66.

⁸ *Каримов И.* Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродаимизга боғлиқ. Т. 12. — Т., 2004. — Б. 265.

⁹ Қирғизистон Республикасининг «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги қонуни. 1999. //www. medialaw. ru/exussrlaw/1/kg/terrorism. htm.

¹⁰ Туркманистон Республикасининг «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги қонуни. 2003. //www. medialaw. ru/exussrlaw/1/tk/terrorism. htm

¹¹ Қозоғистон Республикаси «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги қонуни. 1999. //www. karaganda. pmicro. kz/DB/Busn/Govern/Laws/Act/Terrorism. htm.

¹² *Рахимов Д.* Современные конструкции определения терроризма: международно-правовые аспекты. — Т., 2004. — Б. 30.

¹³ *Амирокова Р.* Политический терроризм — один из уровней политического экстремизма: Автореф. дис. ... канд. полит. наук. — Черкеск, 2006. — С. 14.

¹⁴ *Кикотя В.* Терроризм: борьба и проблемы противодействия. — М., 2004. — С. 38.

¹⁵ *Баймуханов З.* Жамият ва халқаро терроризм // Қонун ҳимоясида. — Т., 2002 — № 9-10. — Б. 29-31.

¹⁶ *Гаврилин Ю. Смирнов Л.* Современный терроризм: сущность, типология, проблемы противодействия. — М., 2003. — С. 20.

¹⁷ *Францифоров Ю.* Терроризм — преступление против общественной безопасности // История государства и права. — М., 2000 — № 1. — Б. 43.

¹⁸ *Кикотя В.* Терроризм: борьба и проблемы противодействия. — М., 2004. — С. 41.

А. Р. Акилов,*и. о. профессора кафедры уголовно-процессуального права
Академии МВД Республики Узбекистан доктор юридических наук;***С. Назаров,***соискатель, адвокат адвокатской фирмы «Codex»*

ЗАРОЖДЕНИЕ СРАВНИТЕЛЬНОГО УГОЛОВНО-ПРОЦЕССУАЛЬНОГО ПРАВА В КАЧЕСТВЕ САМОСТОЯТЕЛЬНОЙ ОТРАСЛИ ЮРИДИЧЕСКОЙ НАУКИ

Аннотация. Статья посвящена новому направлению юридической науки — сравнительному уголовно-процессуальному праву, активно развиваемому в западных странах и начавшему формироваться на постсоветском пространстве.

Ключевые слова: сравнительное право, отрасль, юридическая наука, уголовный процесс, уголовное законодательство, международный, зарубежный, анализ.

Акилов А.Р., Назаров С. Жиноят-процессуал фанининг юридик фанининг мустақил тармоғи сифатида юзага келиши

Аннотация. Мақола юридик фанининг янги йўналиши бўлган, гарб мамлакатларида жадал ривожлантирилаётган ва собиқ иттифоқ ҳудудида шакллана бошлаган қиёсий жиноят-процессуал ҳуқуққа бағишланган.

Таянч тушунчалар: қиёсий ҳуқуқ, тармоқ, юридик фан, жиноят процесси, жиноят қонунчилиги, халқаро, хорижий, таҳлил.

Akilov A. R., Nazarov S. Origin of the comparative criminal procedure right as independent branch of jurisprudence

Annotation. The article is devoted to the new direction of jurisprudence — comparative criminal procedure law which is actively developing in the western countries and began to be formed in the former Soviet Union.

Keywords: comparative law, branch, jurisprudence, criminal procedure, criminal legislation, international, foreign, analysis.

В конце XX — начале XXI вв. значительно возрос интерес ученых и практиков к исследованию проблем на стыке различных наук и отраслей. Это относится и к юридическим наукам, где в начале XX в. активное развитие получило сравнительное правоведение в качестве самостоятельной отрасли права. Используемые сравнительным правоведением методы послужили зарождению многочисленных отраслей юридической науки: сравнительное конституционное право, сравнительное гражданское

право, сравнительное уголовное право, философия права, социология права и т.д.

В настоящее время внимание многих компаративистов направлено на сравнительно-правовое изучение уголовного процесса, в котором права человека приобретают особую значимость и ценность. Это способствует тому, что отдельными учеными высказывается мнение о необходимости признания сравнительного уголовно-процессуального права в качестве самостоятельной отрасли юридической науки.

И действительно, если проследить процесс становления самостоятельных отраслей юридической науки, то его основные тенденции характерны и для сравнительного уголовно-процессуального права. Это прежде всего относится к истории зарождения данной отрасли права.

С древних времен отмечается интерес ученых и практиков к сравнительно-правовому изучению уголовного процесса, отдельных институтов уголовного правосудия различных государств. Это относится как к мыслителям Древнего Египта, Греции и римских полисов, так и к великим умам Древнего Востока. Однако в классическом виде сравнительно-правовые исследования уголовного процесса зарубежных стран получили особое развитие значительно позже, и весь этот процесс становления можно условно подразделить на три этапа.

Первый этап — это период зарождения сравнительного уголовно-процессуального права, который относится примерно к началу — середине XIX в., когда в странах Западной Европы, особенно во Франции и Германии, отмечается появление фундаментальных исследований уголовного процесса на основе сравнительно-правового метода. К ним можно отнести трехтомное издание «Полный курс сравнительного уголовного законодательства»¹ итальянского ученого Л. Дзупетты, двухтомное издание «Современное уголовное законодательство в сравнительном изложении»² немецких ученых Ф. Листа и Г. Крузена.

Второй этап — это период институциональных мер в области сравнительного уголовно-процессуального права, который, на наш взгляд, приходится на начало XX в. В этот период по мере увеличения интереса к сравнительному уголовно-процессуальному праву стали возникать идеи об объединении усилий ученых в этой области и создании с этой целью общественных объединений, специализирующихся на

комплексном сравнительно-правовом изучении уголовного процесса разных государств. К таким институциональным мерам можно отнести учреждение в 1924 г. в Париже Международной ассоциации уголовного права (МАУП), а также основание в 1938 г. во Фрейбурге (Германия) Института иностранного и международного уголовного права Макса Планка, который стал проводить фундаментальные научно-практические исследования, в том числе и различных институтов уголовного процесса.

Значительное влияние на дальнейшее развитие сравнительного уголовно-процессуального права, повышение интереса не только ученых-компаративистов, но и молодых правоведов к сравнительному изучению уголовного процесса нескольких государств оказало многотомное издание «Современное зарубежное уголовное право», которое стало выпускаться с 1955 г. в ФРГ, а с 1957 г. — и в СССР, в котором значительное место посвящалось в том числе и уголовному процессу многих зарубежных стран.

Третий этап активизации сравнительно-правовых исследований в области уголовного процесса приходится на 70-е гг. XX в. Этому во многом способствовало то обстоятельство, что в 1973 г., по предложению известного компаративиста Марка Анселя, был создан Центр по изучению уголовной политики.

В советский период немногие ученые специализировались непосредственно на изучении систем зарубежного уголовно-процессуального права. К числу наиболее значительных специалистов по сравнительному уголовно-процессуальному праву советского периода можно отнести Ф. М. Решетникова, Л. Р. Сюкияйнена (занимавшегося исследованиями мусульманского уголовного права), И. Д. Козочкина (проделавшего большую работу по изданию переводов и сборников зарубежных актов уголовного законодательства).

И, наконец, четвертый этап развития сравнительного уголовно-процессуального

права приходится на 90-е гг. XX — начало XXI в. Этот период характеризуется бурным всплеском и активизацией сравнительно-правовых исследований уголовно-процессуальных институтов. В большом количестве осуществляются комплексные исследования основных систем уголовного процесса зарубежных стран.

Наиболее активное развитие получает эта отрасль в США, Англии, Франции, других западных странах. В частности, Французским центром сравнительного права начал издаваться международный научный журнал по сравнительному уголовному праву — «Журнал уголовно-правовой науки и сравнительного уголовного права», в котором значительное место уделено анализу уголовного процесса зарубежных стран.

К числу фундаментальных трудов, оказавших влияние на развитие этой отрасли юридической науки, можно отнести монографию известного французского ученого-компаративиста Жана Праделя «Сравнительное уголовное право», в котором подробно рассматривается уголовное законодательство Франции, Германии, Италии, Англии, США, Канады и Швейцарии.

Этот период характеризуется и увеличивающимся вниманием к сравнительно-правовому изучению уголовного процесса зарубежных стран в новых независимых государствах. К ним в первую очередь относится Российская Федерация, в которой ученые-правоведы все больше обращаются к этой проблематике. К наиболее фундаментальным работам в этой области, безусловно, относится изданное в 1994 г. в Москве российским ученым-правоведом С. Боронбековым учебное пособие «Современные уголовно-правовые системы и школы».

В 2001 г. также в Москве был опубликован монографический труд «Уголовный процесс западных государств» авторского коллектива украинских и российских ученых (К. Ф. Гуценко, Л. В. Головки, Б. А. Филлимонов). При этом Л. В. Головки публикует в 2009 г. в

Москве «Материалы к построению сравнительного уголовно-процессуального права», в котором основное внимание уделяет таким компонентам этой отрасли, как источники, доказательства, предварительное производство.

Постепенно увеличивается число изданий, посвященных рассмотрению институтов уголовно-процессуального права конкретных стран. Так, в России выпускаются учебные курсы «Сравнительное уголовно-процессуальное право зарубежных стран», где описываются уголовно-правовые системы Германии, Франции, Англии, США, Японии, Италии.

Во многих работах рассматриваются в сравнительно-правовом контексте отдельные уголовно-правовые институты.

Появляются первые комплексные исследования в области сравнительного уголовно-процессуального права, не только описывающие уголовный процесс зарубежных государств, но и производящие сопоставление и сравнительный анализ норм, относящихся к различным правовым семьям³. К числу таких исследований можно отнести работы российских ученых Н. Г. Стойко⁴, Л. В. Головки⁵ и др.

На этом этапе начинают публиковаться и научные статьи, посвященные сравнительному анализу уголовно-правовых систем и тенденций их развития.

На наш взгляд, с появлением всех вышеперечисленных и других исследований можно связать становление в России сравнительного уголовно-процессуального права в качестве самостоятельной отрасли научного знания.

Сравнительное уголовно-процессуальное право получило определенное развитие в Украине. В частности, в 1999 г. украинскими учеными В. В. Молдован и А. В. Молдован⁶ подготовили и опубликовали учебник «Сравнительное уголовно-процессуальное право».

Определенное внимание сравнительному уголовно-процессуальному праву уделяют и белорусские ученые, в особен-

ности В. Н. Бибило, который занимается сравнительным изучением отдельных норм уголовного процесса Республики Беларусь и России, других зарубежных государств⁷.

Все эти исследования наглядно продемонстрировали достаточно большое значение сравнительного изучения уголовного процесса зарубежных стран, в том числе и в связи с тем, что процессы глобализации требуют определенной унификации уголовно-процессуального законодательства, позволяющей облегчить взаимодействие правоохранительных органов различных государств. Кроме того, методы сравнительного правоведения являются значимой частью любого исследования, направленного на совершенствование существующих национальных уголовно-процессуальных норм.

Другой важной сферой применения сравнительного анализа уголовно-процессуальных норм признается активно развивающаяся в последние десятилетия международная уголовная юстиция. Кроме того, результаты такого анализа используются при имплементации в национальном законодательстве различного рода международно-правовых норм (в первую очередь норм международного гуманитарного права и общепризнанных принципов и норм, касающихся прав человека).

Все вышеизложенное дает нам основание сделать вывод о том, что сравнительное уголовно-процессуальное право постепенно формируется в качестве отрасли (раздела) правоведения (юридической науки), изучающей уголовный процесс различных

государств путем сопоставления одноименных институтов уголовно-процессуального права, их основных принципов и категорий, изучения их истории и закономерностей развития.

В Республике Узбекистан комплексные монографические исследования, посвященные сравнительному анализу уголовно-процессуальных институтов и норм различных государств, к сожалению, пока еще не проводились. Однако институты и нормы уголовного процесса зарубежных стран в сравнительно-правовом аспекте изучались при подготовке многих работ. Так, отдельные аспекты уголовного процесса приведены в учебниках по уголовному процессу, а также в научных трудах и статьях ряда узбекских ученых⁸.

Интеграция Республики Узбекистан в международное демократическое сообщество, становление ее в качестве полноправного члена международного права, а также осуществляемые с момента независимости коренные реформы и преобразования в судебной-правовой сфере с целью приближения ее к общепризнанным стандартам демократии и правового государства актуализируют вопрос о необходимости уделять все большее внимание изучению международного опыта в области уголовной политики и практики демократических стран с наиболее развитой системой уголовного правосудия. Развитие и формирование в Республике Узбекистан сравнительного уголовно-процессуального права, на наш взгляд, способно обеспечить более эффективное достижение указанных целей.

¹ *Zupetta L.* Corso completo di legislazione penale comparata. – Milano, 1852.

² *List F., Krusen G.* Die Strafgesetzgebung der Gegenwart. – Berlin. 1898.

³ С 2001 г. издательством «Юридический центр Пресс» издается серия «Уголовное законодательство стран мира», в которой представлены переводы уголовных кодексов и иных уголовно-процессуальных актов большого числа государств мира.

⁴ См.: *Стойко Н. Г.* Уголовный процесс западных государств и России: сравнительное теоретико-правовое исследование англо-американской и романо-германской правовых систем. — СПб., 2006; *Стойко Н. Г.* Следственный и состязательный методы в континентальном и англо-американском уголовном процессе // Уголовное судопроизводство. — 2006. — № 1. — С. 43–46; *Стойко Н. Г.* Уголовный процесс зарубежных государств. — Раздел 6 // Уголовно-процессуальное право Российской Федерации — СПб., 2007. — С. 803–888; *Стойко Н. Г., Шагинян А. С.* Правоохранительные органы зарубежных стран: органы уголовной юстиции // Правоохранительные органы Российской Федерации: Учебное пособие. — Томск, 2000. — С. 184–233; *Стойко Н. Г.* Уголовный процесс западных стран: Англия и Уэльс, Германия и Франция: Учебное пособие. — Красноярск, 2009; и др.

⁵ *Головкин Л. В.* Материалы к построению сравнительного уголовно-процессуального права: источники, доказательства, предварительное производство // Труды юридического факультета. — М., 2009. Кн. 11. — С. 227.

⁶ *Молдован А. В.* Кримінальний процес: Україна, ФРН, Франція, Англія, США: Навчальний посібник. Київ, 2005; *Молдован В. В., Молдован А. В.* Судоустрій: Україна, Англія, США, ФРН, Франція. Судові органи ООН: Навчальний посібник / В. В. Молдован, А. В. Молдован. — Київ, 2016.

⁷ *Бибило В. Н.* Судебная власть в уголовном судопроизводстве. — Минск, 2001; *Бибило В. Н.* Судустройство: Учебник. — Минск, 2001.

⁸ См., напр.: *Миренский Б. А., Рахманкулов А. Х., Кадырова В. В., Камалходжаев Д., Миразов Д. М., Саидов Б. А.* Ўзбекистон Республикасининг жиноят процесси: Дарслик. — Т., 2012; *Раҳмонқулов А. Х., Миразов Д. М.* Дастлабки тергов: Дарслик. — Т., 2012; Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар / Масъул муҳаррир У. Таджиханов. — Т., 1999; Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. — Т., 2009; Жиноят процесси (Умумий қисм): Дарслик / З. Ф. Иноғомжонованинг умумий таҳрири остида. — Т., 2002; Жиноят процесси: Дарслик (Махсус қисм) / Ф. Иноғомжонованинг умумий таҳрири остида. — Т., 2003; *Рашидов Б. Н.* Эҳтиёт чораси сифатида гаровни қўллаш. — Т., 2014; *Тўлаганова Г. З.* Жиноят процессида ҳимоячининг иштироки. — Т., 2005; Уголовный процесс. Общая часть: Учебник / Под ред. Е. Н. Никифоровой. — Т., 2000; и др.

Э. А. Курбанова,
*старший преподаватель кафедры теории и истории
государства и права Академии МВД Республики Узбекистан*

МЕЖДУНАРОДНЫЕ И НАЦИОНАЛЬНО-ПРАВОВЫЕ АСПЕКТЫ РЕГУЛИРОВАНИЯ ПРАВ РЕБЕНКА

Аннотация. В статье рассматриваются международные и национальные механизмы защиты прав ребенка, анализируются национальные нормативно-правовые акты в области прав ребенка, их соотношение с нормами международного права.

Ключевые слова: ребенок, права ребенка, международные и национальные документы по защите прав ребенка, механизмы защиты прав ребенка.

Курбанова Э. А. Бола ҳуқуқларини тартибга солишнинг халқаро ва миллий-ҳуқуқий жиҳатлари

Аннотация Ушбу мақолада бола ҳуқуқлари тўғрисидаги миллий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, уларнинг халқаро ҳуқуқ нормалари билан ўзаро алоқадорлиги қиёсий ўрганилган. Бундан ташқари, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ва миллий ҳуқуқий механизм илмий таҳлил қилинган.

Таянч тушунчалар: бола, бола ҳуқуқлари, бола ҳуқуқлари тўғрисидаги миллий ва халқаро ҳужжатлар, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмлари.

Kurbanova E. A. International and national-legal aspects of regulation of the child's rights

Annotation. The article deals with the international and national mechanisms of protection of the rights of the child, national normative-legal acts in the field of the rights of the child, their correlation with the rules of international law.

Keywords: the child, rights of the child, international and national documents on protection of the child's rights, mechanisms of protection of the child's rights.

Проблема прав ребенка является одной из глобальных проблем современности, в решении которой заинтересовано мировое сообщество, так как от того, каким вырастет подрастающее поколение, будет зависеть жизнеспособность и будущее развитие общества. К сожалению, такие факторы, как преступность среди несовершеннолетних, наличие семей с низким жизненным уровнем, торговля детьми, детская проституция, характерны для многих государств. Все это требует принятия мер не только на государственном уровне, но и на уровне мирового сообщества.

Международная защита прав ребенка осуществляется по нескольким направлениям: 1) разработка деклараций, резолюций, конвенций с целью подготовки между-

народных стандартов в области прав ребенка; 2) создание специального контрольного органа по защите прав ребенка; 3) содействие приведению национального законодательства в соответствие с международными обязательствами (имплементационная деятельность); 4) оказание международной помощи через Детский фонд ООН¹.

К наиболее эффективным международным актам по защите прав ребенка можно отнести такие, как Всеобщая декларация прав человека, Международные пакты по правам человека, Декларация прав ребенка, Конвенция о правах ребенка, Конвенция против пыток, Конвенция о международном сотрудничестве и защите детей при усыновлении, Конвенция МОТ о запрещении

тяжелых форм труда и эксплуатации детей, Протокол о предупреждении и пресечении торговли людьми, особенно женщинами и детьми, и наказании за нее, Минимальные стандартные правила ООН по отправлению правосудия в отношении несовершеннолетних, Руководящие принципы ООН по профилактике преступности среди несовершеннолетних, Правила ООН по защите несовершеннолетних, лишенных свободы, Венские руководящие принципы по деятельности в отношении детей в системе уголовного правосудия, Минимальные стандартные правила ООН по обращению с заключенными и Минимальные стандартные правила ООН по мерам, не связанным с лишением свободы и др.

Кратко рассмотрим основные элементы вышеуказанных источников. Так, основной целью Конвенции о правах ребенка, которая была принята 20 ноября 1989 г. и вступила в силу 2 сентября 1990 г., является максимальная защита интересов ребенка. Конвенция показывает, что свобода, необходимая ребенку для развития своих интеллектуальных, моральных и духовных способностей, зависит от здоровой и безопасной окружающей обстановки, наличия доступа к здравоохранению и обеспечения максимальных норм в отношении питания, одежды и жилища. Она расширяет юридические рамки прав человека, защищая детей от всех форм эксплуатации, рассматривая вопрос о детях представителей национальных меньшинств и групп коренных народов, а также проблему злоупотребления наркотиками и отсутствие заботы о детях; содержит положения с целью защиты прав детей, вовлекаемых в преступную деятельность, признает важнейшую роль семьи и родителей в заботе о детях и их защите, а также обязанность государства помогать родителям в выполнении их обязанностей².

Согласно принципу 2 Декларации прав ребенка «ребенку законом и другими средствами должна обеспечиваться специальная защита и предоставлены возмож-

ности и благоприятные условия, которые позволяли бы ему развиваться физически, умственно, нравственно, духовно и в социальном отношении здоровым и нормальным путем и в условиях свободы и достоинства. При издании с этой целью законов главным соображением должно быть наилучшее обеспечение интересов ребенка»³.

Какие международные организации, защищающие права несовершеннолетних, существуют в настоящее время и кто из них за что отвечает?

Основной международной организацией, занимающейся правами детей, является Организация Объединенных наций. Говоря о системе международного механизма по реализации общепризнанных прав ребенка, следует обратить внимание на такие органы, как Детский фонд ООН (ЮНИСЕФ), который был учрежден на первой сессии Генеральной Ассамблеи ООН в 1946 г. с целью удовлетворения самых насущных потребностей детей в пище, медикаментах и одежде в послевоенной Европе и Китае. Первоначально предполагалось, что он будет временным, однако впоследствии круг его деятельности был значительно расширен, а срок полномочий продлен. В 1950 г. Генеральная Ассамблея приняла решение, чтобы основным направлением деятельности Фонда было осуществление программ в интересах детей развивающихся стран.

В настоящее время ЮНИСЕФ, помимо всего прочего, также выступает в качестве организации по правам ребенка, реализуя свои многочисленные программы («Защита детей», «Города, доброжелательные к детям» и проч.). Оказывая гуманитарную помощь и содействуя развитию, ЮНИСЕФ сотрудничает с развивающимися странами с целью защиты детей и развития всех их способностей. Это сотрудничество осуществляется в рамках национальных программ в области развития и призвано обеспечить каждому ребенку в мире возможности в области осуществления его базовых прав и привилегий, провозглашенных в Конвенции о правах ребенка.

Следующим конвенционным органом ООН по правам ребенка является Комитет по правам ребенка, организующий постоянный диалог между всеми сторонами, выступающими за поощрение прав ребенка. Комитет по правам ребенка (КПР) является органом 18 независимых экспертов, наблюдающих за выполнением государствами – участниками Конвенции о правах ребенка. Комитет собирается в Женеве и обычно проводит три сессии в год, которые включают три недели пленарного заседания и одну неделю предварительной сессии рабочей группы. Комитет также наблюдает за выполнением двух Факультативных протоколов к Конвенции, касающихся участия детей в вооруженных конфликтах и торговли детьми, детской проституции и детской порнографии. 19 декабря 2011 г. Генеральная Ассамблея ООН одобрила третий Факультативный протокол, касающийся процедуры сообщений, который позволит детям обращаться в Комитет с жалобами касательно нарушений их прав, закрепленных в Конвенции и первых двух Факультативных протоколах к ней.

Комитет выявляет факторы, которые угрожают благополучию детей, решает конкретные проблемы, принимает меры с целью мобилизации необходимых для их решения людских и финансовых ресурсов и способствуют повышению уровня информированности общественности и расширению ее участия в деле защиты и поощрения прав ребенка.

Пожалуй, одной из самых первых международных организаций, стоящих на страже прав детей, из тех, что действуют и в настоящее время, является общество Save the Children – «Спасем детей», созданное в Великобритании в 1919 г., цели которого – улучшение системы здравоохранения, образования, а также экономических возможностей, обеспечение защиты детей от стихийных бедствий и насилия. Помимо этого, общество занимается и другой деятельностью, которая направлена прежде всего на охрану и защиту прав детей.

Также существует несколько международных организаций, чья деятельность связана с беспризорными детьми. Самыми известными из них, пожалуй, являются такие органы по правам ребенка, как Консорциум в защиту беспризорных детей (КБК), международная организация «Друзья» и Европейский фонд помощи беспризорным детям (EFSC).

Проблемами прав ребенка занимаются также такие организации, как Детский фонд (FCF), который оказывает гуманитарную помощь и поддержку, а также проводит обучение для низовых организаций в развивающихся странах. Детский фонд провел более 90 миссий партнеров почти в 50 странах.

Деятельность перечисленных выше международных органов и ее координация имеют большое значение для сотрудничества государств в области защиты общепризнанных прав ребенка. Это тем более существенно, что многообразные аспекты данной проблемы находятся на стыке международного и внутригосударственного права и затрагивают различные отрасли права.

Узбекистан является полноправным субъектом международного права. Так, Республика Узбекистан ратифицировала Конвенцию о правах ребенка 6 декабря 1992 г. и приняла на себя обязательство соблюдать все его положения и нести ответственность перед международным сообществом. Одной из важных особенностей проводимых в стране реформ является проведение государственной политики, нацеленной на защиту интересов детей. Нормы, закрепленные в международно-правовых актах в области прав ребенка, нашли своё отражение в национальном законодательстве страны, в первую очередь в Конституции Республики Узбекистан. Так, согласно ст. 65 Конституции «дети равны перед законом вне зависимости от происхождения и гражданского состояния родителей. Материнство и детство охраняется государством». Статья 66 Основного закона гласит: «Родители обязаны содержать и воспи-

тывать детей до их совершеннолетия. Государство и общество обеспечивают содержание, воспитание и образование детей-сирот и детей, лишенных родительской опеки, поощряют благотворительную деятельность по отношению к ним». Эти и другие статьи нашей Конституции служат гарантом соблюдения прав ребенка в Республике Узбекистан.

Регулирование охраны прав детей в нашей стране осуществляется также и нормами различных отраслей национального права, к которым можно отнести *законы Республики Узбекистан*:

– «О национальной программе по подготовке кадров» от 29 августа 1997 г.;

– «Об образовании» от 29 августа 1997 г.;

– «О гарантиях прав ребенка» от 7 января 2008 г.;

– «О профилактике безнадзорности и правонарушений среди несовершеннолетних» от 29 сентября 2010 г.;

– «Об опеке и попечительстве» от 2 января 2014 г.;

– «О государственной молодежной политике» от 14 сентября 2016 г.;

указы Президента Республики Узбекистан:

– «О создании международного неправительственного благотворительного фонда «Соғлом авлод учун» от 23 апреля 1993 г.;

– «О создании Фонда развития детского спорта Узбекистана» от 24 октября 2002 г.;

постановления Президента Республики Узбекистан:

– «О дополнительных мерах по охране здоровья матери и ребенка, формированию здорового поколения» от 13 апреля 2009 г.;

– «О Государственной программе по дальнейшему укреплению репродуктивного здоровья населения, охране здоровья матерей, детей и подростков в Узбекистане на период 2014 — 2018 г.» от 1 августа 2014 г.;

– «О Государственной программе «Год здоровой матери и ребёнка» от 9 февраля 2016 г.

Кроме того были приняты *постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан*:

– «О государственной поддержке международного неправительственного благотворительного фонда «Соғлом авлод учун» от 5 марта 1994 г.;

– «Об организации деятельности Ассоциации «SOS — детские деревни Узбекистана» от 31 декабря 1997 г.;

– «Об организации деятельности Фонда развития детского спорта Узбекистана» от 31 октября 2002 г.;

– «Об организации деятельности Фонда развития детского спорта при Министерстве народного образования Республики Узбекистан» от 29 августа 2004 г.;

– «Об образовании Республиканского центра социальной адаптации детей» от 7 сентября 2004 г.;

– «Об утверждении Положения о детских домах семейного типа» от 31 июля 2007 г.;

– «О дополнительных мерах по поддержке Международного неправительственного благотворительного фонда «Соғлом авлод учун» от 30 января 2014 г., а также ряд других нормативно-правовых документов министерств и ведомств, регулирующих данную сферу деятельности.

За годы независимости в этом плане проделана огромная работа, имеющая историческое значение, и это сегодня дает свои результаты. В частности, в разработке и реализации Национальной программы действий по обеспечению благополучия детей Узбекистана активное участие принимали такие детские и молодежные ННО, как Фонд «Форум культуры и искусства Узбекистана», ОДМ «Камолот», фонды «Махалля», «Сен ёлгиз эмассан», «Соғлом авлод учун», Совет федерации профсоюзов, Торгово-промышленная палата, Центр изучения правовых проблем, Детский фонд, Центр изучения общественного мнения «Ижтимоий фикр», НПЦ «Оила», Комитет женщин, Центр развития и образования «Прогресс», «Меҳр таянчи», «Экосан», «Общество инвалидов» и др.

Так, в соответствии с договором от 1997 г. «О создании, строительстве, оснащении и функционировании SOS Детских Деревень и связанных с ними проектов в Республике Узбекистан» между Правительством Республики Узбекистан и Международным Фондом SOS Kinderdorf International (Австрия) и Постановлением Кабинета Министров № 585 от 31 декабря 1997 г. «Об организации Ассоциации SOS – детские деревни Узбекистана» осуществляет свою деятельность негосударственная некоммерческая благотворительная организация — «SOS – детские деревни Узбекистана», работающая в области социальной защиты детей-сирот и детей, лишенных попечительства родителей или находящихся под риском потери родителей.

В стране уделяется огромное внимание созданию необходимых условий для образования и укрепления здоровья молодежи. Так, согласно Постановлению Президента Республики Узбекистан «О Государственной программе «Год здоровой матери и ребёнка» от 9 февраля 2016 г. расходы на реализацию мероприятий Программы в 2016 г. составят 7 483,3 млрд. сум. (в эквиваленте 194,0 млн. долларов США), из них: средства Государственного бюджета Республики Узбекистан и Государственных целевых фондов — 4 281 млрд. сумм, средства исполнителей и благотворителей — 1 062,8 млрд. сум, кредиты коммерческих банков — 1 911,4 млрд. сум, средства международных организаций, финансовых институтов и гранты — 228,1 млрд. сум.

Например, на реализацию мер по дальнейшему расширению деятельности Республиканского центра социальной адаптации детей (РЦСАД) планируется выделить 37 800 млн. сум. Для профилактики инфекционных заболеваний среди детей и взрослого населения путем обеспечения охвата не менее 98% детей профилактическими прививками согласно Национальному календарю прививок выделено 14 682 млн. сум; для оздоровления детей в клиниках и центрах республики и за рубежом — 261,6 млн. сумов; для повышения качества жизни детей, начиная с периода новорожденности, — 1000 млн. сумов; для развития массового детского спорта, создание благоприятных условий для дальнейшего широкого вовлечения детей, особенно девочек, в занятия спортом — 277 495,1 млн. сум и т.д.

Таким образом, в Республике Узбекистан предпринимаются значительные меры для повышения эффективности работы по воспитанию духовно развитого и физически здорового подрастающего поколения, обеспечения полноценной социальной адаптации детей с ограниченными физическими возможностями, детей из неблагополучных семей или оставшихся без попечения родителей, а также для утверждения в общественном сознании необходимости заботы о детях указанной категории как обязательного условия укрепления духовно-нравственных основ и устоев общества.

¹ См.: *Исмаилов Б. И.* Правовые основы системы ювенальной юстиции. — Т., 2002 // <http://www.allpravo.ru/library/doc117p0/instrum5783>.

² *Саидов А.Х.* Общепризнанные права человека. — М., 2002. — С. 66.

³ Декларации прав ребенка от 20 ноября 1959 года // *Права человека: единство общечеловеческого и национального: Сб. международных договоров и законов Республики Узбекистан*). Т.2. / Сост. А. Х. Саидов. — Т., 1995. — С.318.

Н. П. Азизов,

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи кафедраси
бошлиғи, юридик фанлар номзоди, доцент*

ТУРКИСТОН СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРИ АСОСЧИЛАРИНИНГ ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ ТЎҒРИСИДАГИ ҒОЯЛАРИ

Аннотация. Мақолада XX аср бошларида Туркистонда фаолият кўрсатган сиёсий партиялар асосчиларининг давлат ва ҳуқуқнинг умумий масалалари тўғрисидаги ғоялари таҳлил этилган.

Таянч тушунчалар: Туркистон, сиёсий партиялар, асосчилар, давлат ва ҳуқуққа оид ғоялар.

Азизов Н. П. Идеи основателей политических партий Туркестана о государстве и праве

Аннотация. В статье анализируются идеи об общих вопросах государства и права основателей политических партий Туркестана.

Ключевые слова: Туркестан, политические партии, основатели, идеи о государстве и праве.

Azizov N. P. Ideas of founders of political parties of Turkistan concerning questions of state and law

Annotation. The article deals with the analyses of ideas concerning general questions of state and law of the founders of political parties of Turkistan.

Key words: Turkistan, political parties, founders, ideas about state and law.

Туркистонда сиёсий партияларнинг келиб чиқиши, шаклланиши ва тараққиётига, партиялар дастурларида жамият, давлат ва ҳуқуқ масалаларининг ифодаланшига ушбу партиялар етакчиларининг умумий дунёқарашлари, давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги таълимотлари сезиларли таъсир кўрсатган.

Кишилик жамиятининг тараққиётида давлат ва ҳуқуқнинг тутган ўрни, келиб чиқиши, шаклланиши, мазмун-моҳияти, шакли, механизмларига оид масалалар Туркистон сиёсий партиялари асосчиларининг диққат марказида турган. Партиялар асосчилари Шарқ, Ўрта Осиё, Европа, Россияда шаклланган фалсафий-диний таълимотларга таянган ҳолда давлат ва ҳуқуққа оид ўз ғояларини илгари сурганлар.

Сиёсий партиялар асосчилари кишилик жамияти инсонлар уюшмаси сифатида

мураккаб ва кўп қиррали ижтимоий ҳодиса эканлигини чуқур англаб етганлар. Шу сабабли жамиятнинг вужудга келиши ва тараққиёти XX аср бошларида жадидчилик оқими вакиллари, шу жумладан партия ва ҳаракатлар етакчиларининг эътиборида бўлган.

Инсонлар фаолияти ва улар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар жамиятнинг асосий мазмунини ташкил этади. Жамиятдаги ҳамма нарса ва жараёнлар (моддий ва маънавий бойликлар, инсонларнинг яшаши учун зарур шарт-шароитларни яратиш ва бошқалар) муайян фаолият мобайнида юзага келади. Айнан ижтимоий муносабатлар шахсни ижтимоий гуруҳлар, жамият билан боғлайди.

Жадидчилик оқими вакиллари жамият тараққиётининг бу қонуниятлари тўғрисида ўз фикрларини билдирганлар. Жумладан, жадидчилик оқимининг асосчиси ҳисоблан-

ган Маҳмудхўжа Беҳбудий бу ҳақда шундай ёзади: «Мартабаи инсониятга ноил ўлмакга, ҳар бир инсонни жамияти инсониятга ва дини илоҳияга эҳтиёжи бор. Ушбу сабабдандурки, инсонлар комил инсонларни қўл остига жамияти башарияни барпо қиладилар. Оллоҳ таоло анбиё воситаси ила қонуни шариат, хавфу қалбу рижо юборибдиларки, анго дохил ва солиқ бўлмоқ лозим ва вожибдур»¹.

Инсонлар пайдо бўлиб, ер юзида тарқалгандан буён кишилик жамияти узоқ тараққиёт йўлини босиб ўтган, бу жараёнда бир-биридан тубдан фарқ қиладиган хилма-хил босқичларни бошдан кечирган. Туркистон маърифатпарварлари кишилик жамияти босқичларини ўзаро ажратиб турувчи белгиларини кўрсатиб берганлар.

Маҳмудхўжа Беҳбудий ва Мунавварқори Абдурашидхонов кишилик жамияти ўз тараққиётида ваҳшийлик, бадавийлик ва маданийлик каби уч босқични босиб ўтган, деб ҳисоблайдилар. Мутафаккирлар ўша даврда Европа ва Россияда тарқалиб, аста-секин Туркистонга кириб келаётган дунёни материалистик тушунишдан фарқ қилган ҳолда, ўзига хос диний-фалсафий ғояни ёқлаб чиққанлар. Уларнинг фикрича, илм-фан ва касб-ҳунар жамият тараққиётини ифодаловчи асосий омилдир. М. Беҳбудий таъкидлаб ўтганидек, «жамият илм, инсоф ва ҳунар сабаблари ила уч хил бўлинадиларки, ваҳшоният, бадавият, маданият аталган. Ва буларнинг ҳар бирини яна бир нечта синфга тақсим қилмоқ одамларни аҳволига қараб мумкин бўладур»².

Ваҳшийлик босқичида инсонлар ақлсиз жониворлар каби умр кечириди. Улар ақл, илм-маърифат, дин, инсоф каби инсонларга хос хислатлардан маҳрумдилар. Бундай инсонлар Африка чўллари, Америка тоғлари, Австралия кенгликлариди ҳозир ҳам учрайди. Бошқа ҳайвонлар каби дарахтлар устида, чуқурликларда истиқомат қилиб, ўт-ғиёҳ, ўлакса каби нарсаларни истеъмол қиладилар ва фақат шаклан инсонга ўхшайдилар. Мунавварқори бу тўғрида

шундай ёзади: «Дунёга келиб, ўқимоқ, ёзмоқни ўрганмасдан, ёлғиз емоқ, ичмоқ ва ухламоқ ила умр ўткарган кишиларнинг бошқа ҳайвонлардан фарқлари йўқдир»³.

Бадавийлик — ваҳшийлик ва маданийлик босқичлари орасидаги даража. Бу босқичда инсонлар сахро ва чўлларда, тоғу тошлар орасида кўчманчилик қилиб кун кечирадилар. Бу инсонлар ҳам илму ҳунардан бебахра бўлиб, умрлари мол боқиш, ейиш, ухлаш билан ўтади. Улар эл, уруғ, қабила-ларга бўлиниб, бек, раис, сардор каби раҳбарлари қўл остида шаҳарлардан узоқ чўлларда яшайдилар.

Илму ҳунарларни эгаллаган, тарбия кўрган инсонлар шаҳарларда истиқомат қилиб, маданий деб аталади. Уларнинг ишлари тартиб, тажриба, илм-фан ва қоидалар асосида амалга ошади. Мактаб, мадраса, масжид, маҳкама, руҳоний-уламо, ибодатхона, амир, ҳукмрон, подшоҳлари мавжуд бўлади. Лекин маданийлар орасида ҳам ваҳший ёки бадавий инсонлар бўлади. Ер юзида барча аъзолари комил инсонлар бўлган жамиятлар мавжуд эмас⁴.

XX аср бошларида Туркистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим роль ўйнаган сиёсий арбоб ва олим Аҳмад Заки Валидий туркий халқларнинг ҳозирги ҳолатини тарихий тадқиқотлари орқали тушунтиришга уринади. Унинг «Ҳозирги Туркистон ва унинг яқин тарихи» номли асари XI асрдан XX асрга қадар бўлган даврни қамраб олган. У туркий халқларнинг яхлит тарихини яратиш, бунда фанда йўл қўйилаётган бир томонлама ёндашувларга барҳам бериш, туркий халқларнинг давлатчилик тараққиётида эришган ютуқлари, мустамлака истибдодида яшашга маҳкум этилиш сабаблари, Россия ва Англиянинг Туркистонда ўз ҳокимиятини ўрнатиш учун курашиши, Россиянинг мустамлакачилиги ва унга қарши маҳаллий халқларнинг миллий-озодлик курашларини ўз асарларида ёритишга ҳаракат қилади.

Туркистон сиёсий партияларининг етакчилари жамият ҳаётини ислоҳ этиш,

давлат бошқарувини такомиллаштириш, инсонлар учун етарли турмуш даражасини таъминлаш тўғрисидаги ғояларни илгари сурганлар. Жадидларнинг фикрича, давлат-хуқуқий институтлар жамият манфаатига хизмат қилиши, умум фаровонлигини таъминлаши, фуқароларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириши, хуқуқ ва эркинликларини амалга ошириши, мамлакатнинг ижтимоий тараққиёт йўлидан бориши учун шарт-шароит яратиши лозим⁵.

Улар бу борада ўтмиш файласуф ва донишмандларнинг қарашларини, Туркистон халқларининг давлатчилиги ва хуқуқи тарихини чуқур билганлар, Ўрта Осиёда давлат ва хуқуқ қадим тарихга эга бўлиб, узоқ тараққиёт босқичини босиб ўтганлигини, бу заминда жаҳонга машҳур салтанатлар барпо этилганлиги, ўша давр учун мукамал бўлган бошқарув ва хуқуқ тизими яратилганлиги, шу билан бирга хорижий мамлакатлар давлат бошқаруви ва хуқуқини, ёш авлод эса ўз халқининг сиёсий тарихини билиши зарурлигини англаганлар.

Туркистоннинг бир неча ўн йиллардан буён мустамлакачилик зулми остида бўлиб, маҳаллий халқларнинг давлат бошқарувидан маҳрум этилганлиги, Чор Россияси ҳукумати ва генерал-губернаторлари ўлкани аҳолининг турмуш тарзи, одатлари, диний эътиқодига зид равишда, ўзлари хоҳлагандек бошқараётганлиги мутафаккирларни ўйлантирган асосий масалалардан бири бўлган. Шу сабабли улар Туркистонга турли йўллар билан келтириляётган газета ва журналлар, адабиётлар орқали ҳамда хорижий мамлакатларга қилган сафарларида чет давлатларнинг бошқарув шакли, қонунчилик тизимини ўрганганлар.

Жамият ҳаётини замон талаблари асосида ислоҳ этиш ғояси сиёсий етакчиларнинг ғояларида муҳим ўрин тутган. Улар Туркистон халқи тушиб қолган жаҳолат, ҳақсизлик, қолоқлик ва бошқа салбий оқибатларнинг бош сабабини чор Россиясининг мустамлакачилик тузумида деб ҳисоблайдилар. Россия империяси ўзи босиб

олган ҳудудларни талаш, бойликларини ўзлаштириш мақсадида, маҳаллий халқларни жабр-зулм, зўравонлик, қурол кучи билан тутиб турганлигини, халқлар атайлаб илм-маърифат, тараққиётдан узоқда сақлаганлигини уқтирадilar. Сиддиқий Ажзийнинг фикрича, илм-фан, давлат, тил, қонун — буларсиз ҳеч бир миллатнинг истиқболи йўқ. Бу тўрт нарсани қўлга киритмаган миллат ҳалокатга маҳкум⁶.

М. Беҳбудий шундай ёзган эди: «Барчамизга офтоб каби равшан ва аёндулки, макотиб — тараққийнинг бошланғичи, маданият ва саодатнинг дарвозасидур. Ҳар миллат энг аввал, макотиби ибтидоийсини замонча ислоҳ этиб кўпайтурмагунча тараққий йўлига кируб маданиятдан фойдаланмас. Маданияти ҳозирадан маҳрум қолуб, саноеъ ва маориф салоҳи ила қуролланмаган миллат эса дунёда роҳат ва саодат юзини кўролмас. «Муборизаи ҳаёт» майдонида мутлақо мағлуб бўлур, оёқлар остида эзилур, диний, иқтисодий ишларда ўзгаларнинг асири бўлуб, бора-бора миллият ва диёнатини ҳам қўлдан берур. Ана ушбу йўллар ила охири маҳв ва нобуд бўлуб кетур»⁷.

Туркистон сиёсий партияларининг етакчилари ўлка халқи тушиб қолган оғир вазиятни танқид қилсалар-да, улар мустамлакачилик тузумига дарҳол барҳам бериш, айниқса қурол кучи билан мустабид тузумга чек қўйиш масаласини илгари сурмаганлар, аксинча, подшо ҳукуматига мурожаат билан чиқиш, халқнинг талаб ва истакларини етказиш, парламент фаолиятида иштирок этиш орқали халқнинг турмуш шароитини яхшилаш мумкин деб билганлар.

Улар жамият ҳаёти, давлат бошқаруви, таълим тизимини тубдан ўзгартиришни, Европа ва Россияда бўлгани каби бу соҳадаги илгор тажрибани Туркистон жамиятига жорий этиш, маҳаллий аҳолига дин ва турмуш соҳасида мустақиллик берилишини ёқлаб чиқадилар. Жумладан, М. Беҳбудий «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисида»ги лойиҳа ишлаб чиққан. Муаллиф унда

Тошкентда дин ва мулкчилик ишлари бўйича жойларда ўз бўлимларига эга бўладиган бош бошқарма ташкил этишни кўзда тутди. Лойиҳада бош бошқарма ва унинг бўлимлари қози судлари ишларини юритиши; вақф мулкларини тақсимлаши; мактаб, мадраса, мачит, бозор ва бошқа диний ҳамда миллий масалалар билан шуғулланиши; қози, муфтий, мударрис, ўқитувчи, имом ва бошқалардан имтиҳон қабул қилиши ҳамда уларга тегишли гувоҳномалар бериши; қозиларнинг ҳукм ва қарорлари ижросини таъминлашга қаратилган муайян қоидалар ишлаб чиқиши; одил судлов соҳасида ислохотлар лойиҳасини ишлаб чиқиши ва подшо ҳукуматига тасдиқлаш учун киритиши белгиланган⁸.

Туркистон сиёсий партияларининг етакчилари хорижий мамлакатлар давлат бошқарувини таҳлил қилиб, монархия, конституциявий монархия, республика каби уч хил давлат бошқарувини фарқлайдилар. Жумладан, М. Беҳбудий ўзининг 1906 йилда нашр этилган «Китоби мунтахаби жуғрофияи умумий» асарида давлат бошқарувининг уч шаклини қуйидагича ифодалаган: *биринчиси* — «идораи мустақилла» ёки идораи мутлақ; *иккинчиси* — «идораи маршрута»; *учинчиси* — «идораи жумҳурият»⁹.

Биринчи давлат бошқарув шакли ҳисобланган «идораи мустақилла» (монархия) да ҳукмдор якка ўзи мамлакатни бошқаради, унинг хоҳиш-иродаси қонун кучига эга бўлади. Давлат бошқарувида ташкил этилган барча мажлис, маслаҳатхоналар ҳукмдорнинг иродасига боғлиқ бўлади. Тахтни эгаллаш қонун, одат ёки валиаҳдлик қоидалари асосида амалга оширилади.

«Идораи маршрута» (чекланган монархия) деб аталган иккинчи бошқарув шаклида жамият аъзолари илм, ҳунар ва дунё ишларида тараққий этган бўлиб, ўз ораларидан раҳбар ва вакилларни сайлаб қўядилар. Сайланган вакиллардан тузилган давлат органлари «миллат мажлиси», «маслаҳатхона», «парламент», «давлат думаси» номлари билан аталиб, улар мамлакат ишларини

идора этиш юзасидан маслаҳат бериш ваколатига эга бўлади. Вакиллик органларининг аъзолари ўзаро кенгашган ҳолда қонунлар қабул қилиш орқали давлат ишларига, ҳукмдорлар фаолиятига аралашадилар. Ҳукмдор парламент қарорисиз мамлакат миқёсида амалга ошириладиган катта ишларда фармон бера олмайди.

Давлат бошқарувининг учинчи шакли ҳисобланган «идораи жумҳурият» (республика) да аксарият қисми юқори даражадаги маданий ва маънавий савияга эга бўлган фуқаролар ўз ораларидан бир нафар донишманд одамни маълум муддатга мамлакат ва ҳукуматни бошқариш учун сайлаб қўядилар. Улар «раиси жумҳурият», «садринишини миллат», «президент» деб аталади. Улар бутун халққа бўйсуниб, мамлакат парламенти қабул қилган дастуруламал, яъни қонун ва низомлар асосида мамлакатни бошқарадилар.

М. Беҳбудий ўша давр Европа мамлакатларида ана шу уч хил давлат бошқарув шакли мавжудлигини, ривожланмаган давлатларда, жумладан, Бухоро ва Хива хонликларида эса миллионлаб одамларнинг турмуши, ихтиёри бир одамнинг иродасига боғлиқлигини, бир нафар инсон билан ўн нафарнинг ақли, фикри орасида катта фарқ борлигини уқтиради. У давлат бошқарувининг ривожланган шаклларини жорий қилган кам сонли Европа халқлари бутун ер юзига ҳокимлик қилаётганлигини таассуф билан қайд этади¹⁰.

Ўлкани бошқариш масаласига келганда, партия етакчилари конституциявий монархия давлат бошқарувини маъқул деб ҳисоблайдилар. Улар Россияда конституциявий ислохотлар ўтказиш, подшо ҳокимиятини чеклаб турадиган, ўз маслаҳатлари ва кенгашлари билан давлат бошқарувиغا ёрдам берадиган парламент фаолиятини жонлантириш ва унда ўлка вакилларининг иштирок этишини ёқлаб чиқадилар. Шу сабабли ҳам улар дастлабки вақтларда конституциявий демократлар партиясининг дастурини қўллаб-қувватлайдилар¹¹.

Россияда 1917 йил февралда юз берган инқилоб сиёсий партиялар етакчиларига мустабид ҳукумат ағдарилганлиги, халқларга эркинлик, озодлик ва ҳуқуқлар берилганлигини эълон қилди. Маърифатпарварлар худди бошқа миллатларда бўлгани каби Туркистонда ҳам турли жамият ва ташкилотларга уюшган ҳолда, ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилиш мумкин, деган фикрга келдилар. Шу туфайли, Туркистонда турли-туман жамият, ташкилот ва ҳаракатлар тузиш ишлари бошлаб юборилди.

Туркистон жадидлари, жумладан, партиялар етакчилари февраль инқилобидан кейин Россия таркибида мухториятни қўлга киритиш, ўз бошқарувини амалга ошириш гоёсини кўтариб чиқдилар. «Шўрои исломия» ташаббуси билан Тошкентда 1917 йил 16-23 апрель кунлари Туркистон мусулмонларининг I қурултойи Тошкент шаҳрида чақирилди. Унда Аҳмад Заки Валидий Тўғон «Давлатни бошқариш ва уни ташкил этиш ҳақида» маъруза қилди. Маърузада демократик Россия таркибида Туркистон миллий-ҳудудий федералистик республикаси тузиш гоёси илгари сурилади¹².

Тошкентда 1917 йил сентябрь-октябрь воқеалари, Петербургда октябрь давлат тўнтариши натижасида большевикларнинг ҳокимиятни қўлга киритиши партиялар асосчиларининг қатъий ҳаракатига туртки бўлди. Улар қуруқ сўзлар билан Туркистон ўлкаси мухторияти ва мустақиллигини таъминлаш мумкин эмаслигини, амалий ҳаракатлар вақти бошланганлигини тушуниб етдилар.

1917 йил 26 ноябрда Қўқонда ўлка мусулмонларининг IV қурултойи иш бошлади. Унда 27 ноябрга ўтар кечаси «Туркистон мухторияти» тузилгани эълон қилинди. Партиялар етакчилари барча миллат ва элатларни Туркистон мустақиллиги гоёси атропофида уюшишга ундадилар.

М. Бехбудий қозоқ қардошларга қарата очиқ хатида шундай ёзади: «Бовурлар! Билинги, ҳозирда Туркистондаги барча халқлар учун мухторият эълон қилинди ва сиз билинг-ки, ҳақ олинур, лекин берилмас. Ин-

чунин, мухторият-да олинур, лекин берилмас. Яъни, мухториятни Туркистон болаларининг ўзи бирлашиб, ғайрат ила олурлар... Албатта, бошқалар тарафидан берилмас. Бошқаларнинг қўлидан келса, бермаслар. Биз бўшлиқ қилсак ва Туркистондаги халқлар бирлашиб, мухторият йўлига саъй қилмасак, албатта ҳозирги қозғоқ устидаги мухториятимизни ҳам йўқ қилурлар. Бул албатта шундайдур ва бул сўзга ҳеч ким ихтилоф қилолмайдур... Энди ишлар шу ҳолда экан, биз ҳаммамиз, яъни қирғиз, қозоқ, ўзбек, туркман, араб, форс, хуллас, Туркистондаги, Қозғоғистондаги ва Туркманистондаги барча мусулмонлар ва ҳам мундаги яҳудий ва христианлар бирлашиб, иттифоқ ила шу мухториятнинг амалга келишига саъй ва эҳтимом этмоғимиз лозимдур»¹³.

Худди шунингдек, инқилобий воқеалар А. Авлонийга ҳам катта таъсир кўрсатди. У мухториятни фақат илм-фан, маърифат тарқатиш, мактаб ва мадрасалар фаолиятини ислоҳ қилиш йўли билан қўлга киритиш мумкин эмаслигини тушунади. Унинг фикрича, эрк, озодлик, мустақилликка эришиш учун Туркистонда яшовчи барча халқлар ва миллатларни бирлаштириш, миллий демократик кучларни уюштириш лозим. Авлоний бу мақсадга эришишда рус социал-демократияси ёрдамига таяниш мумкин, деб билган, бу фикр сароб эканлиги, советлар йўли оқ империянинг моҳияти ўзгармаган «қизил» шакли эканлигини дафъатан англай олмаган¹⁴.

Сиёсий партиялар етакчилари коммунистик мустабид режимга қарши қуролли қаршилиқ кўрсатишнинг гоёвий маслақчилари ҳисобланганлар. Ушбу даврда большевикларнинг яккаҳокимлигига қарши кураш «Мустақил Туркистон учун!», «Туркистон — туркистонликлар учун!», «Большевикларсиз ва советларсиз Туркистон учун», «Йўқолсин совет ҳокимияти!», «Ҳамма — Туркистон истиқлоли учун курашга!», «Туркистонни душмандан фақат туркистонликлар қутқарурлар!» каби шиорлар остида олиб борилди.

Туркистоннинг озодлиги учун кураш тактикасида сиёсий партиялар етакчилари турлича йўл тутганликларига қарамасдан, уларни бир маслак — Туркистоннинг мустақиллигини амалда таъминлаш бирлаштирган. Жададчилик оқимини тадқиқ этган олим Б. Қосимов тўғри таъкидлаганидек, истибдодга қарши олиб борилган курашда уч йўналишни кузатиш мумкин: *биринчиси* — Россияга тобеликдан зўрлик, куч ишлатиш орқали қутулиш (Дукчи эшон қўзғолони, 1916 йилдаги мардикорлик ҳаракати, «босмачилик» ҳаракати); *иккинчиси* — мураса йўли, руслар ёрдамида маърифатга эришиш, маърифат масаласида ҳақ-ҳуқуқ олиш, миллий хусусиятларни тиклаш (И. Гаспранли, М. Беҳбудий); *учинчиси* — ҳамкорлик йўли, подшо маъмурлари, сўнгра совет ҳокимияти фаолиятида иштирок этиш, истибдодни ағдариб ташлаш учун зимдан тайёргарлик кўриш, шарт-шароит

етилиши билан мустақилликни қўлга киритиш (Мунавварқори, Ҳамза, Авлоний)¹⁵.

Туркистон Мухторияти ҳукуматининг Бош вазири, ташқи ишлар вазири М. Чўқай 1919 йил февралда Европа давлатларига махсус меморандум билан мурожаат қилиб, Туркистондаги истиқлолчилар ҳаракатини қўллаб-қувватлашга ва большевиклар режимини ағдаришга чақирди. Бунинг учун иттифоқчи давлатлар Туркистонга қўшин киритиши керак эди. Европа давлатлари М. Чўқайнинг бу чақиригини эътиборсиз қолдирдилар. М. Чўқай советларга қарши фаолиятини хорижда давом эттирди.

Шундай қилиб, сиёсий партиялар етакчилари жамият, давлат, ҳуқуқ, мустақиллик ва уни таъминлаш масаласида турли ёндашувда бўлсалар-да, Туркистоннинг келажаги йўлида кураш олиб бориш, унинг мустақиллигини қўлга киритишда бир фикрда бўлганлар.

¹ *Беҳбудий М.* Танланган асарлар / Нашрга тайёрловчи, тўпловчи, сўз боши ва изоҳлар муаллифи. — Б.Қосимов. —Т., 1997. — Б. 22.

² Ўша манба.

³ *Мунаввар қори Абдурашидхонов.* Танланган асарлар / Таҳрир ҳайъати: О.Шарафиддинов, Н.Аминов, Н.Каримов ва бошқ.; Масъул муҳаррир Н. Каримов. —Т., 2003. — Б. 92.

⁴ *Беҳбудий М.* Танланган асарлар ... — Б. 22.

⁵ *Ташкулов Ж. У.* Правовое государство — независимость, нация, экономика, идеология, политика. Т. IV. — Т., 1994. — Б. 232.

⁶ *Қосимов Б.* Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. — Т., 2002. — Б. 206.

⁷ *Беҳбудий М.* Танланган асарлар ... — Б. 153.

⁸ *Ташкулов Ж. У.* Правовое государство ... — Б. 134.

⁹ *Беҳбудий М.* Танланган асарлар ... — Б. 206–207.

¹⁰ Ўша жойда.

¹¹ *Беҳбудий М.* Танланган асарлар ... — Б. 19.

¹² *Қосимов Б.* Миллий уйғониш ... — Б. 282.

¹³ *Беҳбудий М.* Танланган асарлар ... — Б. 30–31.

¹⁴ *Қосимов Б.* Миллий уйғониш ... — Б. 227.

¹⁵ Ўша манба. — Б. 8.

Г. С. Тастанбекова,

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси конституциявий ҳуқуқ
кафедраси катта ўқитувчиси, юридик фанлар номзоди

ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМЛАРДА ҲУҚУҚНИ ШАРҲЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Аннотация. Мақолада ҳуқуқий тизимларда ҳуқуқни шарҳлашнинг ўзига хос жиҳатлари, ҳуқуқий нормаларни шарҳлаш, ҳуқуқий тизимларнинг хилма-хиллигини пухта англаш, англо-саксон ҳуқуқ оиласида қонунларнинг алоҳида тури, англо-америка ҳуқуқий тизимларида амал қиладиган ҳуқуқ прецеденти, роман-герман ҳуқуқ тизимида суд амалиёти, ислом ҳуқуқий тизимларининг фаолияти хорижий мамлакатлар қонунчилиги мисолида таҳлил қилинган.

Таянч тушунчалар: ҳуқуқий тизим, ҳуқуқни қўллаш, ҳуқуқни шарҳлаш, қонунларни шарҳлаш, қонунчилик, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, суднинг қарори.

Тастанбекова Г. С. Особенности толкования в правовых системах

Аннотация. В статье на примере законодательства зарубежных стран проанализированы особенности толкования права в различных правовых системах: в англо-саксонской, англо-американской, романо-германской, а также в исламской правовых системах.

Ключевые слова: правовая система, применение права, толкование права, толкование законов, законодательство, нормативно-правовой акт, постановление суда.

Tastanbekova G. S. Peculiarities of interpretation in legal systems

Annotation. The article analyses peculiarities of interpretation of law in various legal systems on the example of the legislation of foreign countries such as Anglo-Saxon, Anglo-American, Rome-German, and in Islamic legal systems.

Keywords: legal system, implementation of law, interpretation of law, interpretation of acts, legislation, normative-legal act, court order.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов Конституция-миз қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидлаганидек, «...жамиятда қонунийлик, қонун устуворлигини тўлиқ таъминлашнинг энг муҳим шартларидан бири — бу одамларни қонунга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларни шу руҳда камол топтириш, фуқароларнинг қонунни пухта билиши, юксак ҳуқуқий онг ва маданиятга эга бўлишидан иборат. Буни эсимиздан чиқармаслигимиз зарур»¹.

Шу боис ҳам ҳуқуқий нормаларни шарҳлаш, ҳуқуқий тизимларнинг хилма-хиллигини пухта англаш айти муддао бўлиб, ўзининг тарихий шаклланиш жараёнига кўра

қонунлар мавжуд бўлса-да, суд қарорлари муҳим роль ўйнайди. Қайд қилиш лозимки, англо-америка ҳуқуқ тизимида қонунлар судлар томонидан шарҳланмагунча ҳеч қандай маънога эга бўлмайди. Демак, бу ҳуқуқий тизимда кодекслар асосида ҳуқуқ яратилса-да, умумий ҳуқуқий тизимда суд амалиётида яратилган нормалар кодексда ўз аксини топади².

Шу нарсага эътибор қаратиш жоизки, турли мамлакатларнинг ҳуқуқий тизимлари, айниқса қонунчилиги турфа тилларда, турли юридик техника тартиб-қоидалари асосида ахлоқ-маънавияти, эътиқоди, таркибий тузилиши ҳар хил бўлган жамиятлар учун яратилади³. Чунончи, Англияда ҳуқуқий нормаларни шарҳлаш, яъни мамлакатнинг кўп асрлик тизимида вужудга келтирилган

одат ва статут ҳуқуқлари асосида амалга оширилади ҳамда алоҳида қонун асосида тартибга солинади. Мазкур қонун 1889 йил 30 августда қабул қилинган бўлиб, унда иккита умумий принцип кўзга ташланади⁴. *Биринчисига* кўра, шарҳлаш тўғрисидаги қонун қонунларда махсус тушунчалар берилмаган ҳолатдагина қўлланилади. Демак, қонуннинг ҳар бир моддасида бошқа қонунлар асосида шарҳлашнинг бошқа қоидалари белгиланиши мумкинлиги ҳақида сўз боради. *Иккинчи принцип* эса шарҳлашнинг акс таъсир кўрсатиши натижасидир. Бунинг маъноси шундаки, қонунларни шарҳлаш жараёнида янги ҳуқуқий нормалар яратилмайди ва мавжудлари ўзгартирилмайди. Шарҳланаётган ҳуқуқий норма, яъни қонун яратувчи орган уни қандай тушунган ва унга қандай маъно берган бўлса, ўша маъноси ўзгармай қолиши керак.

Шарҳлаш тўғрисидаги қонунда мазкур қонуннинг қўлланиши белгилаб қўйилган. Унга кўра, ушбу қонун кучга киритилган кундан бошлаб қўлланилади, яъни унга мавжуд бўлган қонунларга амал қилинмайди. Шарҳлаш тўғрисидаги қонун ўз мазмунига кўра, турли термин, тушунча ва нормалардан иборат бўлади. Қонун мазкур термин ва тушунчалардан фойдаланиш қоидаларини белгилайди, шунингдек қонунларни шарҳлашни тартибга солувчи ҳуқуқ нормаларини ўрнатади. Табиийки, шарҳлаш тўғрисидаги қонун шарҳлашнинг энг муҳим қоидаларини белгилаб беради, чунки ҳуқуқ нормаларини шарҳлашда дуч келинадиган барча ҳолатларни битта қонун талабларига кўра тартибга солиш мумкин эмас.

Шундай қилиб, умумий ҳуқуқ тизимида суд қарорларига ҳавола этилмай қабул қилинадиган қарорлар жуда кам учрайди. АҚШда эса Асосий қонун — Конституция умумий ҳуқуқ устидан ҳукмронлик қила олади. Ушбу мамлакатда қонунчилик кейинроқ шаклланган бўлиб, кодификациялашган хусусиятга эга эмас. Шунинг учун қонунга бўлган ва суд қарорларига бўлган муносабат билан бир хилда фаолият кўрсатмайди. Ҳозирги шароитда уларнинг ўзаро яқинла-

шуви кузатилмоқда. АҚШнинг бир қанча штатларида Фуқаролик кодекси, 25 та штатида Фуқаролик процессуал кодекси ҳамда барча штатларда Жиноят кодекси ва Жиноят-процессуал кодекслари амал қилади⁵.

Ҳуқуқнинг норматив ривожланиши ижтимоий ҳаётнинг мураккаб муаммоларини ҳал этишда норматив қарорларнинг зарурлигидан келиб чиқади. Шунинг учун англо-америка ҳуқуқ тизимида қонунларга бўлган муносабат муайян даражада ўзгара бориб, ҳуқуқнинг норматив йўлдан ривожланиши кўзга ташланмоқда. Шу билан бирга, парламент томонидан яратилган қонунлар асосий ҳуқуқ манбаи сифатида тан олинган мамлакатларда суд қарорларига ҳам эътибор кучайиб бормоқда. Рене Давиднинг фикрича, суд қарорларининг ҳақиқий ролига баҳо бермоқ учун асосий эътиборни унинг доктринал ролига эмас, балки бошқа омилга, яъни суд амалиёти бўйича маълумотларнинг кўпайиб бораётганига қаратмоқ лозим? Ушбу тўплам ва маълумотлар ҳуқуқ ёки социология учун ёзилмай, балки «суд амалиёти бевосита ҳуқуқ манбаи сифатида тан олинаётганлигидир»⁶.

Маълумки, юридик сўз ва иборалар *мавҳум тушунчалар ёхуд маълум бир тушунча ёки ҳодиса-ҳолатни қамраб олади*. Биринчи усул қўлланилганида қонун матни мураккаблашади ва бўшлиқ пайдо бўлиши мумкин. Иккинчи усулни қўллашнинг ҳам ўзига хос мураккабликлари бор. У ёки бу терминни қўллаш сўз ва ибораларнинг хусусиятидан келиб чиқади. Умуман олганда, иккала усулни қўллаб маълум бир мутаносибликка эришиш мумкин⁷. Буюк Британия қонунчилигида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги сўз ва ибораларни тушуниш ва қўллаш тўғрисида махсус қонун қабул қилинган. Яъни, ушбу Шарҳлаш тўғрисидаги қонуннинг 31-моддасида қайд этилишича, агар қонуности ҳужжатларида сўз ва иборалар қонунда кўрсатилган аҳамиятга эга эканлиги кўрсатилган бўлса, ўша ҳолида фойдаланиш лозим. Мазкур норманинг мавжудлиги эса давлат органларининг қонуности ҳужжатларини шарҳлашнинг олдини олади⁸.

Англо-саксон ҳуқуқ оиласида қонунларнинг алоҳида тури сифатида умумий ҳуқуқнинг муайян қоидаларини бекор қилувчи қонунлар (disabling Acts), умумий ҳуқуқни тўлдирувчи ёки янги қоидалар ўрнатувчи қонунлар (enabling Acts) ажратиб кўрсатилади⁹. Инглизларда қабул қилинаётган қонунларга қисқа ном бериш расм бўлган. «Шарҳлаш тўғрисидаги қонун» бунга мисол бўла олади. Яъни, ушбу ҳолат қонунчилик ёки бошқа ҳужжатларга ҳавола этилганида қонунчилик матнидан фойдаланиш учун қулайлик туғдиради. Шарҳлаш тўғрисидаги қонуннинг моддаларидан бирида қонунларга ҳавола этиш тўғрисидаги қоида белгиланган¹⁰.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги сўз ва ибораларга аниқлик киритиш учун махсус ҳужжат қабул қилиниб, унда сўз ва иборалар шарҳи эълон қилиниши мақсадга мувофиқ бўлади. АҚШнинг бир қанча штатларида ушбу ҳолат ўз аксини топган. Масалан, Нью-Йорк штатида «Қонунларни умумий шарҳлаш» тўғрисидаги қонун амал қилади¹¹. АҚШ таркибидаги штатлар кенг ваколатларга эга бўлиб, бу ваколат доирасида улар ўз қонунлари ҳамда президент ҳуқуқи тизимини яратадилар. Шунингдек, ҳар бир штат судлари ўз юриспруденцияни мустақил равишда амалга оширади.

Таъкидлаш лозимки, англо-америка ҳуқуқ тизимида амал қиладиган ҳуқуқ прецеденти маъмурий ёхуд суд органининг ёзма ёки маъмурий органлар томонидан янги ҳуқуқий нормалар яратилишига хизмат қилади. Уларда суд ёки маъмурий органларнинг қарорлари икки ёқлама аҳамиятга эга бўлиши мумкин: *биринчидан*, суд ўз фаолияти натижасида янги бир ишни кўриб чиқади; *иккинчидан*, ушбу суд қарорига кўра, келгусида амалга ошиши мумкин бўлган ишларнинг кўриб чиқилишига асосланади. Иккинчи ҳолатда суд қарори ҳуқуқ нормасига айланади, яъни ушбу қарор прецедентга асосланади.

Шарҳлаш тўғрисидаги қонунда қайд этилишича, судлар муайян ишларни кўриб чиқишда амал қилиши лозим бўлган кўпдан-кўп бошқа умумий қоидалар ҳам мавжуд. Аммо, бу ҳуқуқ нормаларининг бир

хилда шарҳланиши учун кафолат бўла олмайди. Шу боис шарҳлашни қонун асосида тартибга солиш ҳуқуқда учрайдиган тушунча, ҳуқуқ нормаларини ҳар хил тушунишигина эмас, балки уларга боғлиқ бўлган турли зиддиятларни ҳам бартараф этишнинг мақбул усули ҳисобланади¹². Шундай қилиб, Англияда қонуннинг қабул қилиниши, уни шарҳлаш суд прецедентига боғлиқ бўлиб, унинг бир хилда шарҳланишига кафолат йўқ¹³.

Роман-герман ҳуқуқ тизимида суд амалиётини ёрдамчи манбалар қаторига қўшиш мумкин эмас. Бу биринчи навбатда «кассация прецеденти» билан боғлиқ. Чунки кассация суди олий босқич бўлиб, бунда «оддий» суднинг қарори, масалан, қиёслашга ёки умумий тамойилларга асосланган, кассация босқичини ўтиб, шунга ўхшаш ишларни ҳал қилишда бошқа судлар томонидан фарқли прецедент, деб ҳисобланиши мумкин. Роман-герман ҳуқуқ тизимида эса шу ҳуқуқ оиласи асосий принципларини ишлаб чиққан доктрина алоҳида ўрин эгаллайди. Доктрина қонунни тайёрлаш фаолиятида муҳим роль ўйнайди. Ундан ҳуқуқни кўллашда (қонунларни шарҳлашда) ҳам кенг фойдаланилади¹⁴.

Ислом ҳуқуқий тизими бошқа тизимлардан фарқ қилади. Ислом ҳуқуқий тизими Қуръонни каримдан бошланиб, унда ҳуқуқ муайян даражада инсониятнинг ақлу идроки ва ижтимоий шарт-шароитининг маҳсули ҳамда Аллоҳ ўрнатган тартиб-қоида сифатида таърифланади. Уларда ҳуқуқ нормаларини шарҳлашдаги фарқ ҳам мазкур хусусиятдан келиб чиқади. Демак, ислом ҳуқуқида ҳуқуқий нормалардан ташқари, жамият ҳаётида мавжуд барча ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи нормаларни шарҳлаш мумкин. Ислом ҳуқуқига биноан Қуръонни карим қоидалари тафсирланади.

Ислом ҳуқуқий назариясида Аллоҳнинг инояти билан тартиб-қоидаларга шарҳ ва изоҳлар берилиши мумкинлиги тан олинади. Шу боис асрлар давомида бунга ислом ҳуқуқшунос (фақиҳ) ларининг машаққатли меҳнати сарфланган.

Атоқли фикҳ олими Бурҳониддин Марғинович ёзган тўрт жилдик «Ҳидоя» китоби энг муҳим ва мукамал ҳуқуқий манба сифатида бебаҳодир. Бу асар нафақат одатдаги ҳуқуқий соҳани, балки ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб олган. Унда мусулмон киши билиши шарт бўлган мақсадлар, амал қилиши талаб этилган рўза, бериши шарт бўлган закот, зиёрат қилиши заруратга айланган ҳаж кенг қўламда ёритиб берилган. Бурҳониддин Марғинович ўз асарларида ислом ҳуқуқининг асосий манбаи бўлган Қуръонни карим оятларига таяниб, юридик нормалар, шунингдек диний ва ахлоқий муносабатларни шарҳлаган¹⁵. Хусусан аллома оила ва никоҳга оид оятларни шарҳлашда қуйидагиларни айтади: «Билгинки, никоҳ бобида гувоҳлик шартдир. Чунки Расуллоҳ (с. а. в): Гувоҳларсиз никоҳ — никоҳ эмас»¹⁶, деганлар.

Қозилар судлов ишини кўраётганда мавқеи таниқли бўлган саҳиҳ асарларга мурожаат қиладилар. Ислом судининг тузилиши оддийлиги билан ажралиб туради. Судьянинг якка ўзи ҳамма турдаги ишларни

кўра олган. Судларда иерархия мавжуд бўлмаган. Шарқ давлатчилиги тарихи хусусида асар ёзган дастлабки олимлардан бири Абул-Ҳасан Али ибн Муҳаммад ибн Ҳабиб ал-Мавардий ўзининг «Ал-Аҳком ас-султонийя вал-вилоят ад-динийя» (Давлатчилик қонунлари ва шаръий бошқарувлар) асарининг олтинчи бобини давлат ва жамият бошқаруви тизимидаги адлия ишларига бағишлаган. Унинг тўлиқ номи: «Қозилик. Адлия ишлари. Ҳуқуқий-ташкилий масалалар ва ҳолатлар». Унда турли долзарб масалаларга ижобий ва холисона ёндашилган бўлиб, қозиликнинг шартлари лўнда ва батафсил ифода этилган¹⁷.

Шундай қилиб, ислом ҳуқуқий тизими ҳуқуқий нормаларни шарҳлашга кенг ўрин ажаратади. Ислом ҳуқуқий тизими негизи муайян даражада инсоният ақлу идрокининг ва ижтимоий шарт-шароитининг маҳсули ҳамда Аллоҳ томонидан ўрнатилган тартиб-қоидалар бўлиб, ундаги нормалар мазмун-моҳиятини тушуниш ва тўғри тушунтириш муҳимдир. Демак, улардаги ҳуқуқ нормаларини шарҳлашдаги фарқ ҳам юқорида кўрсатиб ўтилган хусусиятдан келиб чиқади.

¹ Каримов И. А. Асосий вазиғамиз — жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат // Халқ сўзи. — 2015. — 6 дек.

² Давид Р. Основные правовые системы современности. — М., 1967. — С. 379.

³ Давид Р., Жоффре-Спиноза К. Основные правовые системы современности. — М., 1996. — С. 18

⁴ Митрофанов Ю.А. Толкование закона в Великобритании и его нормативное регулирование. — М., 2000. — С. 206.

⁵ Давлат ва ҳуқуқ назарияси / Проф. Ҳ. Т. Одиқориев таҳрири остида. — Т., 2009. — Б. 450.

⁶ Давид Р. Основные правовые системы современности. — М., 1967. — С. 142.

⁷ Язык закона / Под ред. А. С. Пиголкина. — М., 1990. — С. 129–130.

⁸ Митрофанов Ю.А. Толкование закона в Великобритании и его нормативное регулирование. — М., 2000. — С. 206.

⁹ Ҳайитбоев Ф. П., Нажимов М. К. Ҳозирги замон асосий ҳуқуқий тизимлари / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. З.М.Исломов. — Т., 2008. — Б. 70.

¹⁰ Митрофанов Ю.А. Толкование закона в Великобритании и его нормативное регулирование. — М., 2000. — С. 207.

¹¹ Язык закона / Под ред. А. С. Пиголкина. — М., 1990. — С. 130.

¹² Митрофанов Ю.А. Толкование закона в Великобритании и его нормативное регулирование. — М., 2000. — С. 208–209.

¹³ Давлат ва ҳуқуқ назарияси / Масъул муҳаррирлар: Ҳ. Б. Бобоев, Ҳ. Т. Одиқориев. — Т., 2000. — Б. 400.

¹⁴ Давлат ва ҳуқуқ назарияси / Проф. Ҳ.Т.Одиқориев таҳрири остида. — Т., 2009. — Б. 449.

¹⁵ Ғаззолий Абу Ҳомид. Мукашафт-ул-қулуб (қалблар кашфиёти). — Т., 2004. — Б. 263.

¹⁶ Бурҳониддин Марғинович. Ҳидоя. I жилд. — Т., 2001. — Б. 647–648.

¹⁷ Жўраев З.М. Ал-Мавардийнинг «Ал-аҳком ас-султонийя» асарларида адлия ва давлат бошқарувида оид масалалар // Ҳуқуқ—Право—Law. — 2003. — № 4. — Б. 62.

◆

Ш. А. Кулматов,

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
жиноят-процессуал ҳуқуқ кафедраси
катта ўқитувчиси, юридик фанлар номзоди*

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ПРОЦЕССУАЛ МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИНИШИ ВА ТАСНИФЛАНИШИ

Аннотация. Мақолада жиноят процессида процессуал мажбуриятларнинг ҳуқуқий тартибга солиниши, процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун тегишли таъсир чоралари таснифланган ҳолда кўриб чиқилган.

Таянч тушунчалар: процесс иштирокчилари, процессуал мажбурият, жавобгарлик, жавобгарликка тортиладиган субъектлар.

Кулматов Ш. А. Правовое регулирование и классификация процессуальных обязанностей в уголовном процессе

Аннотация. В статье рассмотрены вопросы правового регулирования процессуальных обязанностей в уголовном процессе, классифицированы меры соответствующего воздействия за невыполнение процессуальных обязанностей.

Ключевые слова: участники процесса, процессуальная обязанность, ответственность, субъекты ответственности.

Kulmatov Sh. A. Legal regulation and classification of procedural duties in criminal procedure

Annotation. The article deals with the legal regulation of procedural duties in criminal procedure, the measures of appropriate influence on nonfulfillment of procedural duties are classified.

Key words: participants of procedure, procedural duty, responsibility, subjects of responsibility.

Ўзбекистон Республикасида барча турдаги ижтимоий муносабатлар норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тартибга солинади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат деганда давлат ваколатли органларининг ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган умуммажбурий тусдаги қоидаларни ўрнатовчи, ўзгартирувчи ёки бекор қилувчи ҳуқуқ ижодкорлик ҳужжати тушунилади¹. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат қонунларда ва қонуности ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топади ҳамда уларга ҳар бир фуқаро риоя этиши ва ундаги талабларни бажариши мажбурий ҳисобланади².

Бунинг учун Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 48-моддасида ҳар бир фуқаро Конституция ва қонунларга риоя этиши, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилиши мажбурийлиги белгиланган. Амалдаги ЖПКнинг 11-моддасига асосан эса «судья, прокурор, терговчи,

суриштирувчи, ҳимоячи, шунингдек жиноят ишини юритишда иштирок этувчи барча шахслар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ушбу Кодекс ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларга аниқ риоя этишлари ва уларнинг талабларини бажаришлари шарт. Қонунларни аниқ бажаришдан ва уларга риоя қилишдан ҳар қандай чекиниш, қандай сабабларга кўра юз бергандан қатъи назар, жиноят процессида қонунийликни бузиш ҳисобланади ва белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади».

Демак, жиноят процесси иштирокчилари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунларига риоя этишлари билан бирга, ЖПК нормаларида белгиланган қоидаларга ҳам амал қилишлари шарт.

Шу билан бирга, дастлабки терговда процесс иштирокчилари томонидан зиммаларидаги процессуал мажбуриятларни бажармаслик ҳолатлари ҳам учрайди. Бу эса

уларга тегишли таъсир чоралари қўлланилишини тақозо этади³.

Айнан шу мақсадда амалдаги ЖПКда процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарлик қўллашнинг ҳуқуқий асослари белгилаб қўйилган. Дастлабки терговда процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарликнинг ҳуқуқий асоси деганда амалдаги қонунларда тегишли таъсир чораларининг ҳуқуқий тартибга солинганлиги тушунилади. Процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарликнинг амалдаги ЖПКда ҳуқуқий тартибга солинганлигини кўриб чиқадиган бўлсак, ЖПКнинг 271-моддаси талабига биноан, процессуал мажбуриятларни бажармаган процесс иштирокчиларига нафақат жиноий жавобгарлик (ЖКнинг 230-241-моддалари), балки қонунда белгиланган тартибда бошқа турдаги жавобгарлик ҳам қўлланилиши мумкин.

Процессуал мажбуриятларга жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида акс этган шахс ҳуқуқий мақомининг таркибий қисми эканлигидан келиб чиққан ҳолда ёндашиш лозим. Жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқий мақомлари тартибга солинган ЖПКнинг тегишли бўлим ва бобларида ҳар бир процесс иштирокчисининг мажбуриятлари ҳам аниқ белгиланган. Лекин процесс иштирокчиларининг ушбу мажбуриятларни бажарилмаганлиги учун ҳуқуқий хусусиятга эга тегишли таъсир чоралари амалдаги қонунларда тўлиқ ифодасини топмаган.

Ўтказилган дастлабки тергов босқичидаги тадқиқот натижасида чиқарилган хулосалар бундай фикр билдиришимизга асос бўлади. Процесс иштирокчиларининг зиммасига юклатиладиган мажбурият турлари ЖПКда белгиланган.

Ушбу процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун белгиланадиган ҳуқуқий таъсир чораларини уларнинг хусусиятларига кўра қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. *Жиноий жавобгарлик* келтириб чиқарувчи мажбуриятлар:

— ҳаққоний кўрсатувлар бериш (ЖКнинг 240-моддаси);

— жиноят иши бўйича процесс иштирокчиларига маълум ҳолатларни терговчининг рухсатисиз ошкор қилмаслик (ЖКнинг 239-моддаси);

— тўғри хулосалар бериш ва таржима қилиш (ЖКнинг 238-моддаси);

— шахснинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш (ЖКнинг 235-моддаси).

2. *Маъмурий жавобгарлик* келтириб чиқарувчи мажбуриятлар:

— ўзи вакиллик қилаётган шахсларнинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларнинг ишончини суиистеъмол қилмаслик (МЖТКнинг 48-моддаси);

— эҳтиёт чорасидан келиб чиқадиган талабларни бажармаслик (МЖТКнинг 207, 208-моддалари);

— жиноятнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларга барҳам бериш тўғрисидаги суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг тақдимномасини ёки суднинг хусусий ажримини талаб даражасида бажармаслик (МЖТКнинг 181, 196-моддалари).

3. *Интизомий жавобгарлик* келтириб чиқарувчи мажбурият — гумон қилинувчи, айбланувчига зарур юридик ёрдам кўрсатиш (Адвокатура тўғрисидаги қонунинг 15-моддаси).

4. *Фуқаролик жавобгарликни* келтириб чиқарувчи мажбурият — дастлабки терговда мулкӣ ва маънавий зиён етказмаслик (ФКнинг 1021, 1022-моддалари).

5. *Жиноят-процессуал мажбурулов хусусиятига эга чора ва ҳаракатларни қўллашга сабаб бўлувчи* мажбуриятлар:

— терговчи ва прокурорнинг чақирувига биноан ҳозир бўлиш (ЖПКнинг 261-264-моддаларига мувофиқ мажбурий келтириш);

— экспертиза ўтказиш учун тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги қарорнинг ижро этилишига тўсқинлик қилмаслик (ЖПКнинг 265, 266-моддаларига мувофиқ мажбурий ўтказилади);

— терговчи ва прокурорнинг гувоҳлантириш, эксперт текшируви учун намуналар олиш ва ЖПКда назарда тутилган бошқа процессуал қарорлар ижро этилишига тўсқинлик қилмаслик (ЖПКнинг 145, 180, 192-моддалари);

— дастлабки терговда иштирок этишдан бош тортмаслик (ЖПКнинг 46, 48-моддалари).

Амалдаги ЖПК ва бошқа қонунларда процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарлик белгиланиши даражасига кўра мажбуриятларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

а) жавобгарлик аниқ белгиланган мажбуриятлар:

— ҳаққоний кўрсатувлар бериш (ЖКнинг 240-моддаси);

— жиноят иши бўйича процесс иштирокчиларига маълум ҳолатларни сўроқ қилувчининг руҳсатисиз ошкор қилмаслик (ЖКнинг 239-моддаси);

— тўғри хулосалар бериш ва таржима қилиш (ЖКнинг 238-моддаси);

— шахснинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш (ЖКнинг 235-моддаси).

— ўзи вакиллик қилаётган шахсларнинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларнинг ишончини суийестемол қилмаслик (МЖТКнинг 48-моддаси);

— эҳтиёт чорасидан келиб чиқадиган талабларни бажариш (МЖТКнинг 207, 208-моддалари);

— жиноят сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларга барҳам бериш тўғрисидаги суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг тақдимномасини ёки суднинг хусусий ажримини талаб даражасида бажариш (МЖТКнинг 181, 196-моддалари).

— гумон қилинувчи, айбланувчига зарур юридик ёрдам кўрсатиш (Адвокатура тўғрисидаги қонуннинг 15-моддаси);

— дастлабки терговда мулкӣй ва маънавий зиённи қоплаш (ФКнинг 1021, 1022-моддалари);

б) жавобгарлик аниқ белгиланмаган мажбуриятлар:

— экспертнинг чақирувга биноан ҳозир бўлиши;

— терговчи ва прокурорнинг гувоҳлантириш, экспертиза, эксперт текшируви учун намуналар олиш, экспертиза ўтказиш учун тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги қарорлари ва ЖПК назарда тутилган бошқа процессуал қарорлар ижро этилишига тўсқинлик қилмаслик;

— суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг талаби билан изланаётган ашёларни беришдан бош тортмаслик;

— суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш тўғрисидаги қарорини бажариш;

— ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришга, экспериментни ўтказишга, мурдани эксгумация қилишга, олиб қўйиш ва тинтув ўтказишга тўсқинлик қилмаслик;

— суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чақирувига нисбатан гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, гувоҳ, мутахассис, эксперт, таржимон, шунингдек фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, уларнинг вакиллари, жамоат айбловчиси, жамоат ҳимоячиси, халқ маслахатчиларининг келишига тўсқинлик қилмаслик;

— тергов ҳаракати ўтказилганлиги, уни ўтказиш жараёни ва натижаларини тергов ҳаракати баённомасида имзо чекиб тасдиқлаш.

в) Жавобгарлик умуман белгиланмаган мажбуриятлар:

— фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, қонуний вакил, вакил, таржимон, мутахассиснинг чақирувга биноан ҳозир бўлиши;

— ҳақиқатни аниқлашга далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни кўндиришга уриниш ва қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар билан тўсқинлик қилмаслик;

— жиноят ишини тергов қилишда тартибга риоя қилиш;

— дастлабки терговда далилларни топиш ва мустақамлашга кўмаклашиш;

— эҳтиёт чорасидан келиб чиқадиган талабларни бажариш (қўмондонлик кузатуви билан боғлиқ);

— фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш;
— жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлаш;
— гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлаш;
— далилларни бевосита ва оғзаки усулда текшириш;
— жиноят ишини асосли қўзғатиш, рад этиш, тугатиш, тамомлаш, тўхтатиш ва қайта тиклаш;
— исботлаш жараёнида далилларни қонунда белгиланган тартибда тўплаш, текшириш, баҳолаш ва қайд этиш;
— процессуал мажбурлов ва эҳтиёт чорасини тўғри танлаш ва қўллаш ёки ўзгартириш;
— исбот қилиш жараёнида фуқаролар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кўриқлаш;
— айбловни асосли ўзгартириш, тугатиш ва тўлдириш;
— тергов ҳаракатларини амалга оширишда ЖПК нормаларига риоя этиш;
— процессуал муддатларга риоя этиш;
— дастлабки терговнинг умумий шартларига риоя қилиш;
— фуқаровий даъвони таъминлаш чораларини кўриш;
— процесс иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш;
— дастлабки терговда мулкӣ ва маънавий зиён етказмаслик;
— дастлабки терговда назоратни тўлиқ олиб бориш.
г) ЖПКда *тўғридан-тўғри акс этмаган* мажбуриятлар:
— жиноят ишини асосли қўзғатиш, рад этиш, тугатиш, тамомлаш, тўхтатиш ва қайта тиклаш;
— исботлаш жараёнида далилларни қонунда белгиланган тартибда тўғри йиғиш, қайд этиш ва баҳолаш;
— процессуал мажбурлов ва эҳтиёт чорасини тўғри танлаш ва қўллаш ёки ўзгартириш;

— айбловни асоссиз ўзгартириш, тугатиш ва тўлдириш;
— тергов ҳаракатларини амалга оширишда ЖПК нормаларига риоя этиш;
— процессуал муддатларга риоя этиш;
— дастлабки терговнинг умумий шартларига риоя қилиш;
— фуқаровий даъвони таъминлаш чораларини кўриш;
— дастлабки терговда назоратни тўлиқ олиб бориш.

Юқоридаги мажбуриятларнинг таҳлилидан кўйидаги хулосага келиш мумкин:

биринчидан, процесс иштирокчилари ЖПКда белгиланган тегишли процессуал мажбуриятларга эга;

иккинчидан, процессуал мажбуриятлар айнан процесс иштирокчиларига бағишланган бўлим ва бобларда эмас, балки бошқа тарқоқ моддаларда ҳам ўз ифодасини топган;

учинчидан, ЖПКда тўғридан-тўғри мажбурият сифатида кўрсатилмаган, лекин мажбурият маъносида ифодаланган мажбуриятлар ҳам мавжуд (исботлаш жараёнида далилларни қонунда белгиланган тартибда тўғри йиғиш, қайд этиш ва баҳолаш, процессуал мажбурлов ва эҳтиёт чорасини тўғри танлаш ва қўллаш ёки ўзгартириш ва ҳ. к.);

тўртинчидан, процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарлик масаласи амалдаги ЖПК ва бошқа қонунлар билан тўлиқ тартибга солинмаган.

Амалдаги ЖПК ва бошқа қонунларда дастлабки терговда процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарлик масалаларининг етарли даражада ҳуқуқий тартибга солинмаганлиги, ўз навбатида, процессуал мажбуриятни бажармаганлик ҳолатини аниқлаш, исботлаш ва тегишли жавобгарлик қўллаш ваколати берилган масъул шахсларга қийинчилик туғдиради, яъни айнан қандай тартибда процессуал мажбуриятларни бажармаслик ҳолати аниқланиши, исботланиши ва жавобгарликка тортилиши билан боғлиқ муаммоларни юзага

келтиради. Шунингдек, процесс иштирокчиларини ўз мажбуриятларига нисбатан масъулиятсиз бўлишга, тегишли жавобгарликдан қутулиб қолишга, ишдан манфаатдорликка ва оқибатда жиноят иши бўйича ҳақиқат қарор топмаслигига сабаб бўлади.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, жиноят-процессуал қонунда ифодаланган ҳуқуқий нормаларга лозим даражада амал қилиниши ва процессуал мажбуриятларнинг тўлиқ адо этилишини таъминлашда процессуал маж-

буриятларни бажармаганлик учун тегишли таъсир чораларини қўллаш масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Шу боис амалдаги жиноят-процессуал ҳуқуқий нормалар жиноят процесси иштирокчилари томонидан бузилган ҳолларда уни келтириб чиқарган оқибатига қараб жиноят-процессуал ҳуқуқий мунособатларининг барча жиҳатларини қамраб олувчи, нисбатан енгилроқ ва самарали таъсир чоралари белгиланиши ва амалда қўлланилиши мақсадга мувофиқдир.

¹ Саидов А., Тожиҳонов У. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. — Т.: Адолат, 2001. — 560 б.

² Абдумажидов Ф. Конституция — халқ ижодининг маҳсули // ТДЮИ ахборотномаси. — 2010. — № 1. — Б. 3-4; Тажиханов У. Т. Ҳуқуқий ислохотлар: муаммолар ва истиқболлар // Ҳуқуқ-Право-Law. — 2000. — №1. — Б. 24; Махмудов А. А. Қонунийлик — демократик давлатчилик пойдевори // Ҳуқуқ-Право-Law. — 1999. — №2. — Б. 60-62.

³ Абдураҳмонов У. А. Суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура ва суд органлари томонидан фуқароларга етказилган зиённи қоплаш. Юрид. фан. номз. ... дис. автореф. — Т.: ТДЮИ, 2009. — 23 б.; Саидов Б. А. Дастлабки терговда шахсларга етказилган маънавий зарар учун жавобгарлик муаммоси // Ҳуқуқ-Право-Law. — 2001. — № 3. — Б. 41-43.

МИНТАҚАВИЙ СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ — ДАВЛАТНИНГ АСОСИЙ ФУНКЦИЯЛАРИДАН БИРИ

Аннотация. Мақолада Марказий Осиёдаги минтақавий сув ресурсларидан фойдаланиш ва уларни бошқариш борасидаги давлатнинг тегишли функцияси, унинг моҳияти ва юридик табиати таҳлил қилинган.

Таянч тушунчалар: минтақавий сув ресурслари, трансчегаравий дарёлар, трансчегаравий дарё ҳавзалари, давлат функцияси, давлат фаолияти.

Аширбаева М. Х. Организация пользования континентальными водными ресурсами как одна из основных функций государства

Аннотация. В статье проведен анализ функции государства по организации пользования континентальными водными ресурсами в Центральной Азии, ее сущности и правовой природы.

Ключевые слова: континентальные водные ресурсы, трансграничные реки, функция государства, государственная деятельность, трансграничные речные бассейны.

Ashirbaeva M. H. Organization of use of continental water resources as one of the main state functions

Annotation. The article analyses the function of state regarding the use of continental Central Asian water resources, its essence and legal nature.

Keywords: continental water resources, transboundary rivers, state function, state activities, cross-border river basins.

Умуминсоний ва миллий қадриятлар асосида янги мустақил давлатчилик барпо этилаётган ва мустақамланаётган ҳозирги шароитда давлат функциялари назариясини такомиллаштириш демократик давлат-ҳуқуқий қурилиш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш учун катта аҳамиятга эга. Давлат функциясининг замонавий таҳлили ва талқини мамлакатда кенг қўламли ислохотларнинг, иқтисодиётни, сиёсий-ижтимоий ва маънавий соҳаларни модернизация қилишнинг муваффақиятига бевосита дахлдор масаладир.

Маълум ижтимоий-тарихий вазиятда (даврд) шаклланадиган, ривожланадиган ва мавжуд бўладиган давлатни илмий англаш, моҳиятини тасаввур этиш учун унинг мақсади, тарихий миссияси, ижтимоий ва зифаси ва функциялари мазмунини ўрганиш, тадқиқ ва таҳлил этиш зарур.

Чунончи, ҳуқуқшунослик назариясига оид адабиётларда умум тан олган нуқтаи назарга кўра, давлатнинг асл моҳияти у бажарадиган функциялари орқали намоён бўлади. Бу таъкид бугунги мустақил Ўзбекистон давлатчилиги учун ҳам бевосита тааллуқлидир. Чунки, Ўзбекистон давлати анъанавий функциялар билан бир қаторда ҳозирги давр талабларига, шаклланаётган фуқаролик жамияти манфаатларига мос янги функцияларни ҳам адо этмоқда. Аввалдан мавжуд бўлиб келган функцияларнинг ўзгариши, шунингдек янги функцияларнинг пайдо бўлиши қонуниятларини англаш учун «давлат функцияси» категориясини методологик жиҳатдан чуқур назарий таҳлил этиш зарурати туғилади.

Давлат назарияси ва ҳуқуқшуносликда «давлат функцияси» термини анъанавий тарзда давлат фаолиятининг асосий йўна-

лишлари деб таърифланса-да, муаллифлар унинг мазмунига давлат фаолиятининг усуллари, воситалари, шакли ва мақсадини ҳам киритадилар¹. Профессор З. М. Исломовнинг фикрича, давлатнинг функцияси — давлат фаолиятининг алоҳида тури². Профессор Х. Т. Одилқориевнинг ёзишича, «давлат функциялари» категориясидан давлатнинг сиёсий тизими институти сифатида қандай фаолиятни амалга оширишига қараб бериладиган тавсифда фойдаланилади... Давлат функцияларида давлатнинг моҳияти, ижтимоий вазифаси ва, энг аввало, мамлакат аҳолисининг турлитуман манфаатларини қондириш билан боғлиқ асосий масалаларни ҳал этишдаги аниқ роли ўз ифодасини топади³.

Россиялик ҳуқуқшунос олимлар В. М. Корольский ва В. Д. Перевалов: «Давлат функцияси — давлатнинг асосий ҳаракат йўналиши ва ундан келиб чиқадиган мақсад ва вазифалардир», — деб таърифлайди⁴. Ушбу фикрга баъзи эътирозларимиз бор. Давлат функцияси унинг ҳаракати, бажарадиган иши, фаолиятининг асосий йўналиши деб тан олинган бўлса, бу тушунчага давлатнинг мақсади ва вазифасини қўшиб юбориш тўғри бўлмаса керак.

Олимлардан А. Б. Венгеров, Л. А. Морозова, А. Саидов ва У. Тожихонов давлат функциясини — давлат фаолиятининг предмети ва мазмуни ҳамда уларни таъминлаш воситаси ва усулларининг йиғиндиси сифатида таърифлайдилар⁵. Бу давлат функциясининг кенг тарқалган анъанавий таърифидан фарқ қилади. Бу ерда давлат фаолиятининг йўналиши у тартибга соладиган предмет (ижтимоий муносабатлар) ва фаолият мазмуни орқали тасаввур этилади.

Профессор В. К. Бабаевнинг таъкидлашича, давлатнинг ҳар қандай функцияси мазмуни қуйидаги ўзаро алоқадор элементлардан ташкил топади: функциянинг предмети, мақсади, уни амалга ошириш методи, шакли ва воситалари⁶.

Л. А. Морозова ўзининг сўнгги йиллардаги асарларида «давлат функцияси» тушунчасига «ижтимоий жараёнлар ривожланишига давлат йўли билан таъсир этиш механизмларини» киритишни таклиф этади⁷. Д. Н. Мешков ҳам: «Давлат функцияси — ижтимоий жараёнларга давлат йўли билан таъсир этиш механизми»⁸, деб ҳисоблайди. Бундай таклифларни ўринли деб ҳисоблаш ва уни қўллаб-қувватлаш қийин. Бу ерда давлат фаолиятининг асосий йўналиши четга сурилиб, бу йўналиш мазмунини акс эттирувчи ижтимоий муносабатларга таъсир этиш механизми (тартиблари) олдинги ўринга чиқиб қолмоқда.

Профессор М. Н. Марченко бу таклифга эътироз билдириб, шундай ёзади: «Бу ёндашувда, биринчидан, давлат жамиятни бошқариши учун унга таъсир этиш имкониятига эгаллиги эътибордан қочирилмоқда, иккинчидан, давлат функциясини давлат механизмининг функцияси билан чалкаштириш намоён бўлмоқда»⁹.

Биз С. В. Бабаев¹⁰, В. А. Толстик¹¹, А. Таджиев¹² каби профессор М. Н. Марченконинг фикрини қўллаб-қувватлаймиз.

Таҳлиллар асосида хулоса қилиш мумкинки, давлат функцияси тўғрисидаги барча таърифлар, бу ҳодиса «давлат фаолиятининг асосий йўналишлари» деган гоё асосида шакллантирилган. Биз бу ўринда яна шуни таъкидлаймизки, давлатнинг функцияси давлатнинг муҳим йўналишлардаги фаолиятини акс эттиради, фаолиятдан айро ҳолда қуруқ йўналишнинг ўзи функцияни ифода эта олмайди.

Давлат фаолияти — унинг тегишли соҳани бошқариш ва тартибга солиш учун амалга оширадиган ҳаракатлари, кўрадиган чора-тадбирларидир. Шу муносабат билан юқоридаги таърифни қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Бизнинг фикримизча, давлат функцияси — давлат фаолиятининг асосий йўналишигина эмас, балки давлатнинг жамият ва мамлакат ҳаётининг муҳим

соҳаларида, асосий йўналишлари бўйича амалга ошириладиган фаолиятидир.

Давлат функцияси табиатан бошқарувга оид фаолиятни англатади. У ҳар бир соҳа ва йўналишга қараб давлат бошқарувини ташкил этади, мослаштиради, конкретлаштиради ва амалга оширади.

Давлат функциялари бир қатор хусусиятларга эга:

биринчидан, давлат функцияларининг ҳар бирининг мазмуни бир турдаги давлат фаолияти жиҳатларидан ташкил топади. Давлат фаолиятининг ўхшаш томонлари уларни битта функция доирасида бирлаштириш имконини беради. Бундай бирлаштиришнинг асосини давлат ўз таъсирини ўтказадиган ижтимоий муносабатларнинг хусусияти ва характери ташкил этади;

иккинчидан, давлат функцияси турлитуман давлат оранларининг функциясидан фарқ қилади (масалан, молиявий органлар, табиатни муҳофазаловчи, инсон ҳуқуқларини ҳимояловчи органларнинг функциялари ўзига хос). Давлат функцияси унинг бутун фаолиятини қамраб олади. Баъзан давлатнинг бир йўналишдаги функциясини адо этиш учун бир неча органларнинг фаолияти бирлаштирилишига тўғри келади;

учинчидан, давлат функциялари жамловчи, комплекс характерга эга. Бунда давлатнинг бутун қудрати, кучи, имконияти унинг муҳим вазифаларини бажариш учун сафарбар қилинади. Давлат муайян масала билан шуғилланса, бунинг учун ташкилий, ҳуқуқий, молиявий, профессионал кадрлар салоҳиятини сафарбар этиш орқали комплекс тарзда ёндашади. Зарур ҳолларда давлатнинг мажбурлаш аппарати имкониятларини ҳам қўллайди. Давлатнинг бутун функционал фаолияти унинг бош мақсадига эришишга, долзарб вазифаларни ҳал этишга қаратилади.

Мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларидаги туб ислоҳотлар ва модернизациялаш жараёнлари давлат қурилишига, сиёсий институтлар такомиллашувига, шу жумладан

давлат функцияларини адо этиш амалиётига ҳам фаол таъсир ўтказмоқда. Бугунги кунда давр талабларига мос равишда давлат функцияларининг замонавий концепцияси шаклланмоқда¹³.

Давлат функциясининг белгиланиши, ҳаётга чорланиши, яъни давлат қандай функцияларни бажариши муайян тарихий даврда (вазиятда) жамият ва давлат олдида турган долзарб вазифаларни ҳал этиш заруратидан, жамиятнинг ривожланиш манфаатларидан келиб чиқади. Товар ишлаб чиқариш, айирбошлаш (умуман иқтисодиёт) соҳаси давлат — ҳокимияти аралашувидан мустақил бўла боради, яъни фуқаролик жамияти феномени намоён бўлади¹⁴. Ўзбекистон Республикасида ҳам туб ислоҳотлар натижасида фуқаролик жамиятининг шаклланиш жараёнлари амалга ошмоқда. Бироқ, профессор З. М. Исломовнинг фикрича, «фақат давлатгина атроф муҳитни самарали муҳофаза қила олади ва фақат унинг ўзигина бошқа давлатлар билан ҳамкорлик жараёнида экологик дастурларни молиявий таъминлай олади. Фуқаролик жамияти экологик вазифани ҳал этиш қудратига эга эмас, ...давлатнинг экологик вазифаларни бажариши билан боғлиқ чеклашлар ва тақиқлар... Ер юзида ҳаёт ва цивилизацияни сақлаб қолишнинг энг асосий шартидир»¹⁵. Янги вазиятда, яъни фуқаролик жамияти қурилаётган шароитда давлат функцияларининг ўзгариши, такомиллашиши (модернизациялашуви), янги функцияларнинг пайдо бўлиши шубҳасиздир.

Бу ўринда гап давлатнинг табиатни муҳофаза қилиш стратегик функциясидан табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш функциясининг алоҳида табақаланиши, дифференциациялашиши асосида унинг минтақавий табиий сув ресурсларини бошқариш ва улардан самарали фойдаланишни ташкил этиш функцияси ажралиб чиқиши қонуниятлилиги хусусида бормоқда.

Ушбу функциянинг мазмунини давлатлараро ва минтақавий хусусиятга эга бўлган трансчегаравий табиий дарё сувларидан фойдаланишни ташкил этиш, бу соҳада вужудга келадиган муносабатларни миллий қонунчилик ва халқаро ҳуқуқий нормалар воситасида тартибга солиш, экологик хавфсизликни таъминлаш¹⁶, қўшни давлатлар билан муносабатларни мувофиқлаштириш ташкил қилади.

Юқоридаги фикрни исботлаш учун қуйидаги мулоҳазаларни келтирамиз. Минтақа давлатлари халқаро ҳуқуқнинг мустақил субъектларига айланганларидан сўнг трансчегаравий дарёлар омили улар муносабатларини белгилашда ҳал қилувчи омилга айланди. Орол ҳавзасида жойлашган бешта янги мустақил давлатнинг истиқболи, ички барқарорлиги бевосита ушбу сув захираларидан унумли фойдаланиш билан боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Шу ўринда Марказий Осиё давлатларининг трансчегаравий дарёлардан самарали фойдаланишлари, шу йўналишдаги алоҳида функцияни бажаришлари ва ўзаро низоларнинг келиб чиқмаслиги, биринчи навбатда, улар ўртасида шаклланган халқаро-ҳуқуқий ҳамкорликнинг даражаси ва самараси билан белгиланади. Ушбу ҳамкорликнинг энг муҳим жиҳатлари қуйидаги икки ҳолатга, яъни ушбу соҳада давлатлараро муносабатларни тартибга солувчи халқаро-ҳуқуқий шартномалар ва уларни мувофиқлаштирувчи минтақавий институтлар фаолиятига боғлиқ.

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислон Каримов таъкидлаганидек, «Орол муаммоси Марказий Осиё ҳудуди доирасидан чиқиб кетди ва жаҳоншумул аҳамият касб этмоқда. Унинг салбий оқибатларини бугунги кунда иқлим шароити, биологик мувозанатнинг ўзгаришида, аҳоли саломатлиги ва бўлғуси авлод генофондига таъсирида кўриш мумкин»¹⁷.

Орол денгизи ҳавзасининг беш давлати — Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон,

Туркменистон ва Ўзбекистон — томонидан тузилган бир неча битимлар мавжуд. Бироқ, ҳал этилиши лозим бўлган муҳим масалалар ҳамон сақланиб қолмоқда. Минтақавий сув ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш каби муаммоли масалаларни тартибга солувчи ягона тизимлаштирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳануз йўқ бўлганлиги сабабли Орол ҳавзаси давлатлари муносабатларини барқарор деб баҳолаш қийин. Мазкур масала бўйича имзоланаётган икки ва кўп томонлама битимлар илмий таҳлилни ва ечимни талаб қилувчи қатор саволларни келтириб чиқармоқда.

Халқаро муносабатларда шаклланган ва умум эътироф этган талабларга кўра, бир минтақада жойланган давлатлар ўртасидаги трансчегаравий объектлардан, шу жумладан, трансчегаравий дарёлар сув ресурсларидан биргаликда фойдаланиш халқаро ҳуқуқ нормалари асосида тартибга солиниши лозим. Бу борадаги тегишли халқаро талаб ва қоидаларни бажариш давлатларнинг мажбуриятига киради. Шу боисдан минтақанинг ҳар бир давлати ушбу мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш учун муайян функцияларни амалга ошириши лозим бўлади.

Трансчегаравий дарё ҳавзалари бўйича қарорлар халқаро сиёсий тусга эга эканлиги ва фақат сиёсий муносабатлардагина қўлланилиши, баҳоланиши мумкинлиги тушунарли, албатта. Юридик фан нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда, муаммоларни ҳал этиш сиёсий-ҳуқуқий тавсиялар ва ҳаракатлар учун асос яратишда намоён бўлади.

Бундай шароитда сув захираларидан табиатнинг умумий қонунларига кўра тежамли, оқилона, самарали, илм-фан тавсиялари асосида фойдаланиш ва унинг муҳофазасини тўғри таъминлаш бугунги куннинг биринчи даражали вазифаларидан биридир. Бунда ҳуқуқнинг роли жуда катта

бўлиб, у сувдан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш вазифасини бажаради, табиий сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва турли ғайриқонуний ҳаракатлардан ҳимоя қилиш чораларини белгилайди. Сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза этишга қаратилган давлат функцияси ва тегишли қонунлар сув бойликларига эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, уларни асраш, қўриқлаш, тежаш тартибларини ўрнатади ва ушбу тартибларга риоя қилиш чораларини белгилайди.

Марказий Осиё минтақасидаги табиий сув ресурсларидан, трансчегаравий дарёлардан оқилона фойдаланишни ташкил этишда бу маконда жойлашган давлатлар ўзларининг ҳукуматлари, тегишли давлат институтлари тимсолида қатор ташкилий, бошқарув ва ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга оширишлари талаб этилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси минтақасидаги трансчегаравий дарёлар сувларидан оқилона фойдаланиш функциясини амалга оширишда ўзининг мутасадди ва ваколатли махсус органлари орқали ҳаракат қилади.

Ушбу махсус органлар доирасини аниқлаш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрдаги «Республика бошқарув органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонига мурожаат этиш зарур. «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонун ва юқоридаги Фармонга мувофиқ, сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза этиш соҳасини бошқариш (яъни, давлатнинг бу масалалардаги функциясини бажариш) қуйидаги махсус ваколатли органларга юклатилади:

— Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги;

— Ўзбекистон Республикасининг геология ва минерал ресурслар бўйича давлат қўмитаси;

— Ўзбекистон Республикасининг саноат соҳасида юритиладиган ишлар хавфсизлиги

устидан назорат ва тоғ назорати давлат инспекцияси (термик ва минерал сувлар юзасидан назорат)¹⁸.

Таъкидлаш лозимки, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги таркибида ирригацион тизимларни бошқариш учун ўнта ҳавзавий бошқармалар тузилган. Улар Сирдарё, Амударё, Норин, Қашқадарё, Сурхондарё ва Зарафшон сув ҳавзаларини республиканинг турли махсус регионлари хусусиятини инобатга олган ҳолда бошқарувини (сув ресурсларидан фойдаланишни) ташкил этадилар.

Бир қатор ваколатли давлат органлари сувдан фойдаланиш ва уни муҳофазалаш соҳасида назорат функцияларини амалга оширадилар. Булар қаторига маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, Ўзбекистон Республикасининг Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Давлат тоғ саноати назорати инспекцияси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги киради. Зарур ҳолларда бу соҳада ҳам прокурор назорати намоён бўлиши мумкин. Бундан ташқари, сув ресурсларидан самарали фойдаланишни ташкил этишда идоравий назорат, ишлаб чиқариш назорати ва жамоатчилик назорати ҳам амалга оширилади. Мазкур институционал тузилмалар фаолиятининг муайян қисми минтақавий трансчегаравий дарёлар сувларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлиб, у ўз табиатига кўра халқаро-ҳуқуқий хусусият касб этади.

Шундай қилиб, бугунги глобаллашув ва минтақавий интеграциялашув шароитида табиий трансчегаравий сувлардан оқилона фойдаланиш борасида Ўзбекистон давлати алоҳида махсус функцияни бажариши намоён бўлмоқда. Ўйлаймизки, Марказий Осиё давлатлари ҳамкорлиги нуқтаи назаридан ёндашганда, минтақасидаги табиий сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни ташкил этиш мақсадида ҳар бир давлат тегишли алоҳида функцияни бажаради ва бунда ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга

қўйишга интилади. Бу минтақада биргаликда муносабатларини йўлга қўйишнинг муҳим турмуш кечиришнинг, яхши қўшничилик ва зарурий шартидир.

¹ *Мазаева Е. С.* Социальная функция современного российского государства: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — Н. Новгород, 2001. — С. 6.

² *Исломов З. М.* Давлат ва ҳуқуқ назарияси. — Т., 2007. — Б. 246.

³ *Одилқориев Х. Т., Чинибоев Х. Ж.* Давлат ҳокимияти: моҳияти, функцияси ва замонавий талқини. — Т., 2015. — Б. 45.

⁴ Теория государства и права / Под. ред. В. М. Корольского и В. Д. Перевалова. — М., 2001. — С. 146.

⁵ Теория государства и права. Ч. 1. Теория государства / Под. общ. ред. А. Б. Венгерова. — М., 1996 — С. 143; Саидов А., Тожихонов У. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Т.1. — Т., 2001. — Б. 253.

⁶ Теория государства и права / Под. ред. В. К. Бабаева. — М., 2006. — С. 71.

⁷ *Морозова Л. А.* Функция Российского государства на современном этапе / Государства и право — 1999. — №6. — С. 98-102.

⁸ *Мешков Д. Н.* Эффективность воздействия права на отношения личности и государства. Автореф. дис... канд. юрид. наук. — Владимир, 2007. — С. 15.

⁹ *Марченко М. Н.* Теория государства и права. — М., 2007. — С. 328.

¹⁰ *Бабаев С. В.* Теория функций российского государства: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — Н. Новгород, 2001. — С. 10-13.

¹¹ *Толстик В. А.* Основы теории государства. — Н. Новгород, 1995. — С. 22.

¹² *Таджиев А.* Эволюция теории функций государства и место в ней образовательной функции государства // ТДЮИ Ахборотномаси. — 2009. — №3. — Б. 9.

¹³ *Баймаханов М. Т.* К разработке современной концепции функций государства // Правовая реформа в Казахстане. — Астана, 2001. — №4. — С. 3; *Нажимов М.* Глобаллашув жараёни ва давлат функцияларининг замонавий концепциялари // ТДЮИ Ахборотномаси. — 2012. — №4, — Б. 9-13.

¹⁴ Проблемы общей теории права и государства / Под общ. ред. акад. В. С. Нерсисянца. — М., 2008. — С. 627.

¹⁵ *Исломов З. М.* Давлат ва ҳуқуқ назарияси. — Т., 2007. — Б. 303-304.

¹⁶ Общая теория государства и права: Академический курс в 2-х томах / Отв. ред. проф. М. Н. Марченко. — Т.1. — М., 1998. — С. 203.

¹⁷ *Каримов И. А.* Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. — Т., 2001. — Б. 110.

¹⁸ *Скрипников Н. К.* Трансграничное водопользование в Центральной Азии (правовой аспект). — Т., 2004. — С. 79.
